



(1799–1837)

А. С. ПУШКИН

КАПИТАН ҚИЗИ

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 1983

МУНДАРИЖА

Бет

<i>I боб.</i> Гвардия сержанти	5
<i>II боб.</i> Етакчи	13
<i>III боб.</i> Қалъа	21
<i>IV боб.</i> Дуэль	26
<i>V боб.</i> Севги . . .	34
<i>VI боб.</i> Пугачёв күнголони	41
<i>VII боб.</i> Ҳужум	50
<i>VIII боб.</i> Чақирилмаган меҳмон	56
<i>IX боб.</i> Жудолик	63
<i>X боб.</i> Шаҳар қамали . .	67
<i>XI боб.</i> Қўзғолончилар қишлоғи .	74
<i>XII боб.</i> Етим қиз	83
<i>XIII боб.</i> Қамоқ	89
<i>XIV боб.</i> Суд	95

На узбекском языке

Школьная библиотека

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН

КАПИТАНСКАЯ ДОЧКА

Ташкент „Ўқитувчи“ 1983

Редактор *Х. Ҳайдитметова*
Муқова рассоми *О. Земцов*

Техн. редактор *Н. Комиссарова*
Корректор *Ж. Нурийдинова*

ИБ № 2368

Теришга берилди 03. 03. 82 й. Босишга рухсат этилди 27.01.83 й. Формат
 $84 \times 108^{1/2}$. Тип. қорози № 3. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди.
 Шартли б. л. 5,46. Нашр. л. 5,69. Тиражи 80000, Зак. № 3565. Баҳси 20 т.
 „Ўқитувчи“ изшириётни. Тошкент — 129. Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 13-65-81

Область газеталарининг М. В. Морозов номидаги бирлашган изшириётни
 ва босмахонаси. Самарқанд, ш., У. Турсынов кӯчаси, 82.

Объединенное издательство областных газет и типографии имени М. В. Морозова
 г. Самарканд, ул. У. Турсынова, 82.

П $\frac{70803 - 307}{353(04)-83}$ инф. письмо - 83 4306030000

Номусни ёшлиқдан эҳтиёт қил.
Мақол

I б о б

ГВАРДИЯ СЕРЖАНТИ

— Эртаёқ гвардия капитани бўлсайди.
— Унақага ҳожат йўқ: хизмат этсин қўшинда.
— Тузук гап! Майли, ў ҳам андак азоб чексин-да..

Ҳа, отаси ким ўзи?

Княжнин¹

Отам, Андрей Петрович Гринёв, ёшлигига граф Миних² ҳузурида хизмат қилган ва премьер-майор бўлиб, 17... йилда хизматдан чиққан. Шу вақтдан бошлаб, Симбирскдаги ўз қишлоғига турган ва шу қишлоқлик камбафал бир дворяннинг қизи Авдотья Васильевна Ю деган қизга уйланган. Биз тўққиз бола бўлганмиз. Опа ва акаларим болаликда ўлиб кетишган. Яқин қариндошимиз гвардия майори князь Б. нинг илтифоти билан мен Семёнов полкига³ сержантликка ёздирилган эканман. Мен таҳсилни тамом қилгунимча полкда отпускада деб ҳисобланганман. У замонда биз ҳозиргидан бошқача тарбияланар эканмиз. Беш яшарлигимда жиловдор Савельичнинг қўлига топширилганман. Бу одам тавфиқли, тадбирли киши бўлгани учун менга оға этилиб тайин-

¹ Княжнин Яков Борисович (1712—1791) — машҳур рус драматург-шоири.

² Миних Бурхард Христофорович (1683—1767) — граф, ҳарбий ва сиёсий арбоб.

³ 1762 йилдаги фармонга кўра, офицерлик унвонини олиш учун ўн икки йил оддий аскар бўлиб хизмат қилиш керак эди, шунинг учун дворянлар болаларини ёшлигидан ҳарбий хизматга ёздиришган. Бу болалар уйида туриб хизмат муҳлатини тамом қилиб, балоғатга етганларида офицерлик унвонини олар эдилар.

ланган. Унинг қарамоғида ўн икки ёшимда русча хат-савод чиқардим ва илдам овчи итларнинг хусусиятлари ҳақида баҳузур муҳокама юргизадиган бўлдим. Шу вақтда отам Москвадан мосъе Бопре деган бир французни менга мураббий қилиш учун, бир йилга етарли вино ва зайдун ёғи билан бирга олдириб келтирди. У одамнинг келиши Савельичга ҳеч ёқмади. У ўзича: «Худога шукур, боланинг уст-боши тоза, ўзи озода, қорни тўқ бўлса, ортиқча чиқимдор бўлиб, бу мусъени олдириш нима ҳожат эди, гўё бу ерда одам қуриб кетгандай-а!» деб дўнфиллади. Бопре ўз юртида сартарош, сўнгра Пруссияда солдат бўлиб, ундан кейин Русияга pour être outchitel¹ келган, лекин бу сўзнинг маъносига ўзи ҳам унча тушунмаган экан. У хушфеъл, мулоийим, аммо ўлгудай енгил табиат, бузуқ одам эди. Унинг энг заиф томони хотин-халажга ўчлиги эди; шу феъли туфайли кўпинча туртқи еб, кечалари инқиллаб чиқарди. Яна (ўзининг айтишича) шишанинг ҳам душмани эмасди, яъни (русча айтганда) бир қултум ортиқроқ ютишни яхши кўради. Бизнида вино фақат овқат маҳалида ва шунда ҳам бир рюмкадангина берилгани ва кўпинча муаллимларга берилмагани учун менинг Бопрем ҳадемай рус арагига ҳам мижоз бўлиб қолди, ҳатто бу аракни меъдага фойдалироқ ҳисоблаб, ўз юртининг виносидан ҳам аълороқ кўрадиган бўлди. Биз тез фурсатда иноқ бўлиб кетдик, гарчи шартномага кўра у менга француз, немис тиллари ва бошқа илмларни ўргатишни ўз устига олган бўлсада, лекин мендан тез орада унча-мунча русча ўрганиб олишни афзалроқ кўрди, кейин ҳар қайсимиз ўз ишимиз билан машғул бўлавердик. Биз жуда қалин бўлиб кетдик. Менга бошқа домланинг кераги ҳам йўқ эди. Бироқ тақдир бизни бир-биримиздан айрди, айрилишимизнинг сабаби бундай бўлди:

Палашка деган семиз, чўтири кирчи қиз билан сигир соғувчи Акулька деган қийшиқ хотин иккови, бамасла-ҳат волидамнинг оёғига йиқилиб, ўзларининг нодонликлари орқасида катта гуноҳ қилиб қўйганликлари учун афв сўраганлар ва мусъе уларни тажрибасизликларидан фойдаланиб алдаганини йиғлаб-сиқтаб арз қилганлар. Онам бунаقا ишлар тўғрисида жуда қаттиққўл эди, отамга шикоят қилибди. Отамнинг жаҳли ёмон эди. У дарҳол шум французни чақиртирибди. Мусъе ўғлингизга

¹ Ўқитувчи бўлиш учун.

дарс бераётиби дейнишибди. Отам менинг ҳужрамга кириб келди. Бопре шу чоғ донг қотиб ухлаб ётган эди. Мен ўз ишм билан банд эдим. Шуни айтиш керакки, менга Москвадан география картаси олдирилган. Бу карта бекорга деворда осилиб ётар ва кўпдан бери унинг қофозига сўқланиб юрар эдим. Мен шу қофоздан варрак қилмоқчи бўлиб, Бопренинг уйқуда эканини ғанимат билиб, ишга киришган эдим. Варракни ясаб, Добрая Надежда бурнига энди дум боғлаётганимда отам кириб келди. Менинг география машғулотимни кўриб, қулоғимни чўзди, сўнгра югуриб Бопренинг ёнига борди ва уни дағал уйғотиб, койий бошлади. Бопре гангигиб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тура олмади: бечора француз ўлгудай маст эди. Ўн балога бир даво деганлар. Отам уни, ёқасидан ушлаб, каравотдан турғизди-да, эшикдан улоқтириб юборди ва шу куннинг ўзидаёқ, Савельичнинг бахтига, уни уйдан ҳайдали. Шу билан менинг ўқишим ҳам тамом бўлди.

Мен ҳали вояга етмаган¹ бола бўлиб, куним капитар учирив, ҳовлидаги болалар билан сакрамачоқ ўйнаб ўтарди. Шундай қилиб, ўн олти ёшга ҳам тўлдим. Энди тақдирим ўзгача бўлди.

Куз кунларининг бирида онам меҳмонхонада асалдан мураббо қайнатар, мен эса тамшаниб, қайнаётган кўпикка қараб туардим. Отам дераза ёнида ўтириб, ҳар йили келадиган Сарой Календарини² ўқирди. Бу китоб унга ҳамма вақт зўр таъсир қиласди. Бу китобни усира совуққонлик билан ўқий олмас, бу ўқиш ҳамиша унинг зардасини қайнатиб юборарди. Унинг феъл-атворини яхши билган онам мудом бу китобни иложи борича панароқ ерга яширишга тиришар, отам баъзан ойлаб бу Сарой Календарини кўрмасди. У Сарой Календарини топиб олгудай бўлса, соатлаб қўлидан қўймас эди. Отам календарни ўқир экан, ора-сира елкасини учирив, ўзича: «Генерал-поручик!.. У менинг ротамда сержант

¹ Бурунги замонда ўн тўққизга кирмаган дворян ва бой болалари ҳали вояга етмаган—недоросль ҳисобланган. Фонвизиннинг (1745—1792) «Недоросль» деган машҳур комедиясидан сўнг бу сўз зеҳни хит, қайсар-такасалтанг, эси паст маъносига кириб кетган.

² 1745 йилдан нашр этила бошланган бу Календарда, оддий маълумотлардан ташқари, ҳарбийлар ва гражданлардан этишган олий мартабали амалдорлар рўйхати ва император саройининг ишлариги оид турли қоидалар ҳам бўлар эди.

эди!.. Ҳар икки рус орденининг қавалери!¹.. Ҳўш, биз қачондан бери...» деб қўяр эди. Оқибат, отам календарни диванга қараб улоқтириди-да ўйга ботди, унинг бу авзойи яхшилик нишонаси эмас эди.

У тўсатдан онамга қараб: «Авдотья Васильевна, Петруша нечага кирди?» деб сўради.

— Мана энди ўн еттига қадам қўйди, — деди онам,
— Петруша Настасья Герасимовна холанинг кўзи ожиз бўлган йили туғилган эди, у туғилганда ҳали...

— Ҳўп яхши, — деди отам унинг сўзини бўлиб, — хизмат қиласиган вақти етибди. Оқсоchlар бўлмасида югуриб-йўргани, калтар бола тутгани бас.

Тез фурсатда мендан айрилиб қолишини эшишиб, онам шундай ҳанг-манг бўлдики, қўлидаги қошиқ кастрюлга тушиб кетди, кўзидан дув-дув ёш тўкилди. Мен, аксинча, тасвир этиб бўлмайдиган дараражада севиндим. Хизмат деганда эркинлик ҳақидаги фикрлар, Петербург ҳаётининг ҳузур-ҳаловати кўз олдимга келар эди. Ўзимни гвардия офицери хаёл қиласман, офицерликни эса кинши саодатининг эиг юқори чўққиси деб билар эдим.

Отам ўз пиятини ўзгартиришни ҳам, унинг ижросини кейинга қўйишни ҳам хоҳламас эди. Кетиш куним белгиланди. Қетишимдан бир кун илгари отам, бўлажак начальникимга мен орқали хат юбормоқчи эканини айтиб, қалам билан қозоз сўради.

— Князь Б. га мендан ҳам салом айтишни эсингдан чиқарма, Андрей Петрович, — деди онам, — Петрушадан марҳаматини дариф тутмаслигига ишонаман деди, деб ёз.

— Беҳуда гапни қўйсанг-чи! — деди отам қовоғини солиб. — Нега мен князь Б. га хат ёзар эканман?

— Ўзинг Петрушанинг начальнигига хат ёзаман дединг-ку.

— Ҳўш, деган бўлсам нима?

Ахир Петрушанинг начальниги князь Б.-да. Петруша Семёнов полкига ёздирилган эди-ку.

— Ёздирилган эмиш! Ёздирилган бўлса менга нима? Петруша Петербургга бормайди. Петербургда хизмат қилиб нима ўрганади? Бекорга санқиш, лақиллашними?

¹ Орден инъом қилинган кишилар кавалер деб атаяган. Бу ерда иккинчи орден кўзда тутилади. Подио Русиясида биринчи орден Андрей Первозванный ордени ҳисобланган (Пётр I таъсис этган), иккинчиси эса Екатерина беғлилаган Александр Невский орденидир.

Йўқ, аскар бўлиб хизмат қилсин, аскарлик жабдурини кўтарсан, порох ҳидини ҳидласин, солдат бўлсин, такасалтанг эмас. Гвардияга ёэдирилган эмиш! Қани унинг паспорти? Менга бер.

Онам, болалигимда кийгизиб чўқинтирилган кўйлагим турган сандиқасини титиб, паспортимни товди ва қўли қалтираб отамга узатди. Отам паспортни диққат билан ўқиди, сўнгра олдига, стол устига қўйди-да, хат ёзишга киришди.

Петербургга юбормаса қаёққа юборар экан? Шуни билиш орзуси мени қийнар эди. Икки кўзим отамнинг имиллаб қимирлаётган перосида эди. Оқибат хат битди. Отам уни паспорт билан бир конвертга солди, кўзойнагини олиб, мени ёнига чақирди ва: «Мана сенга хат, буни менинг қадрдан ўртоғим ва дўстим Андрей Карлович Р. га бер. Сен Оренбургга, шу кишининг қўл остида хизмат қилишга борасан», — деди.

Шундай қилиб, порлоқ умидларим пучга чиқди. Кувноқ Петербург ҳаёти ўрнига мени узоқ ва чет ерда зерикиш, диққинафаслик кутарди. Бундан бир минут илгари шу қадар хурсандлик билан ўйлаганим хизмат, энди кўзимга катта бир фалокат бўлиб кўринди. Энди нима ҳам дейман! Эртасига эрталаб эшик олдига соябон арава келди; чамадон, чой анжомлари солинган сандиқча билан булка ва пироглар тугилган тугунча унга жойланди, булар уйдаги эркалигимнинг сўнгги аломатлари эди. Ота-онам фотиҳа беришди. Отам хайрлашар экан: «Хайр, Пётр. Хизматини қилишга онт ичган кишинингга сидки дил билан хизмат қил; бошлиқларнинг гапига қулоқ сол; уларнинг ширин сўзларига учма; хизматда амал тами қилма; хизматдан қочма; кийимни янгилигидан, номусни ёшлиқдан эҳтиёт қил деган мақолни ҳамиша ёдингда тут». Онам, кўзига ёш олиб, менга ўз сиҳатимни сақлашни, Савельичга мендан боҳабар бўлишни тайинлади. Менга қўён терисидан қилинган пўстин ва унинг устидан яна тулки терисидан қилинган калта пўстини кийгизиши. Савельич икковимиз аравага чиқдик, йиғлаб-сиқтиб жўнадик.

Шу куни кечаси Симбирска келдик, бу ерда бир кун туриб, лозим бўлган нарсаларни олишимиз керак эди; бу ишни Савельичга буюрдим. Ўзим трактирга тушдим. Савельич эрталаб барваҳ бозор қилгани кетди. Деразадан ифлос кўчага қараб ўтириб зерикдим, уйларни айлангани чиқдим. Бильярд залига кирдим, бу ерда ўт-

тиз беш ёшларда, новча, узун қора мўйловли, авра тўн кийган, қўлида кий, оғзида трубка билан турган бир баринни кўрдим. У маркер¹ билан бильярд ўйнамоқда, маркер ютса бир рюмка арақ ичар, ютқизса бильярд столи остидан эмаклаб ўтар эди. Буларнинг ўйинини томоша қилдим. Ўйин давом этган сайн маркернинг эмаклаши кўпайди, охири столнинг остига кирганича чиқмай қўя қолди. Барин, худди гўр устида гапираётгандек, унинг шаънига бир қанча сўз айтгандан кейин, менга бир партия ўйнашни таклиф қилди. Мен бу ўйинни билмаганимдан, таклифини қайтардим. Бу, афтидан, унга ғалати туюлди. У менга таассуф назари билан қаради; лекин икковимиз гапиришиб қолдик. Бу одамнинг номи Иван Иванович Зурин бўлиб,^{**} гусар полкининг ротмистри, Симбирскка рекрут² қабул қилиш учун келиб, трактирга тушган экан. Зурин, мени бирга солдатча овқат қилишга — ҳар наики худонинг берганини ғаҳам кўришга таклиф қилди. Мен жон-дил билан рози бўлдим. Овқат егани ўтиридик. Зурин кўп ичар ва хизматга кўнигиш лозим эканинг айтиб, мени ҳам сийлар эди, у армия турмушидан турли қизиқ латифалар айтиб берди, кулавериб қотиб қолдим, овқат пировард бўлгунча иккимиз жуда ишоқ бўлиб қолдик. Шунда у менга бильярд ўргатмоқчи бўлдп. «Бу нарса, — деди у, — бизга ўхшаган хизматдаги кишига зарур. Масалан, походга чиқилганда бир манзилга тушади киши, нима қиласан? Нуқул жуҳудларни ураверган билан бўладими. Ноилож трактирга борасан, бильярд ўйнайсан; бунинг учун ўйнашни билиш керак». Унинг гапи менга жуда маъқул тушди, жон-дил билан ўрганишга киришдим. Зурин менга далда берар ва тез ўрганишимга ҳайрон қоларди; бир неча ўйиндан сўнг пул тикиб ўйнашни таклиф қилди, қуруқ бўлмасин, ярим тийиндан ўйнайлик, мақсад ютиш эмас, қуруқ ўйнашдан ёмони йўқ деди. Бунга ҳам кўндиндим. Зурин бўлса пунш чақирди ва хизматга кўнигиш лозим эканини яна айтиб, мени пуншдан ичиб кўришга ундали: пунш ичилмаса, хизматнинг қизиги бўлмайди, деди. Мен унинг гапига кирдим. Ўйнимиз ҳам давом этар эди. Пуншни ичганим сайн ботирланавердим. Урганимда соққалар стол қирғоқларидан ошиб, ерга тушиб кетарди; тажанг бўлиб маркерни уришар эдим, чунки

¹ Бильярдда хизмат қилиб турадиган киши.

² Крепостнойлик Русиясида янгидан олинадиган солдат.

ўйинни у нотұғри ҳисоб қиласа әди; борган сари үйинни оширдим, қисқаси, үзимни бирданига дархонликка чиққан ёш боладай тутар әдим. Күн кечикиб қолибди. Зуриң соатига қаради, таёқни қўйди-да, юз сўм ютқизгандигимни билдири. Андак хижолат бўлдим, чунки пулим Савельичда әди. Афв сўрадим. Зуриң сўзимни бўлиб: «Йўқ, бемалол! Ҳеч ташвиш тортма. Кейинроқ бўлар. Ҳозир Аринушканинг олдига борайлик», —деди.

Нима дейсиз энди? Бу кунни бошдан-оёқ бемазагарчилик билан ўтказдим. Қечки овқатни Аринушканнида едик. Зуриң хизматга кўникиш керак деб, дам-бадам менга ичклик қуярди. Дастанхондан турганда, мен оёқ узра зўрга турадим; Зуриң мени ярим кечаси трактирга элтиб қўйди.

Савельич бизни эшик олдида — зинапояда учратди. У хизматга бўлган ихлосимнинг муқаррар нишоналарини кўриб: «Оббо, худо урди», деб юборди. «Сенга нима бўлди, бегим? — деди у куюниб. — Қаерда бу аҳволга тушдинг? Оббо, худо урмаса! Умрингда бундай гуноҳ қилмаган эдинг!»

— Гапирма, миясинни еган чол! — дедим дудуқланиб:
— мастга ўхшайсан, кириб ёт... мени ҳам ётқиз.

Эрталаб бошим оғриб турдим. Қеча бўлган ишларни зўрга-зўрга эслар әдим. Чой кўтариб кирган Савельич ўйимни бўлди. «Ҳали эрта, Пётр Андреич, — деди бошини чайқаб, — халитдан кайфга берилсанг бўлмайди. Сен кимга тортдинг? Отанг ҳам, бобонг ҳам пиёниста эмас эдиллар назаримда; онанг тўғриспда гапириш ҳам ортиқча; умрида квасдан бошқа нарсанни оғзига олган эмас. Айб кимда? Айб ўша лаънати француз афандида. Ҳар доим Антильевнанинг олдига югуриб келиб: «Мадам, же ву при водкю»,¹ дер эди. Мана сенга же ву при! Қилғиликни қилди итвачча. Бир ножинсни мураббий қилиб ёллашнинг нима ҳожати бор әди, гўё бариннинг ўз одамлари қуриб кетгандай!»

Уядим, юзимни тескари ўгириб: — Бор йўқол. Савельич, чой ичмайман, дедим. Лекин Савельич бир насиҳатгўйликка тушса, сира тўхтатиб бўлмас әди. «Мана кўрдингми, Пётр Андреич, кайфнинг оқибати шундай бўлади. Бош ҳам оғрийди, иштаҳа ҳам йўқолади. Ичадиган киши ҳеч нарсага ярамай қолади... Шўр бодринг су-

¹ Хоним, сиздан илтимос қиласман, арақ беринг.

вии асал билан ич, ундан ҳам күра ярим стакангина қуюқ винодан бош оғриқ қилиш түзүк. Олиб келайми?»

Шу онда бир бола кириб, И. И. Зуриннинг хатини менга узатди. Хатни очиб, қуйидаги сатрларни ўқидим:

«Азизим Пётр Андреич, кеча ютқизганинг юз сүм пулни марҳамат қилиб, шу боладан бериб юборишиңгни сўрайман. Пулга жуда-жуда зориқиб турибман.

Амрингга интизор *Иван Зурин*.

Нима қилардим, чора йўқ, ўзимни бепарво тутдим; ҳам пулим, ҳам кийим-кечагим, хайриҳоҳим, жонкуярим Савельичга мурожаат қилиб, болага юз сүм беришни буюрдим: «Нечук? Нима учун?»—деди у таажжубланаб. — Шунча қарзим бор, — дедим иложи борича со-вуққонлик билан. — Қарз! — деди борган сайн ҳайроён бўлаётган Савельич; — қачон қарздор бўла қолдинг, бегим? Бир балоси бор. Ихтиёринг, нима қилсанг, қиласан, аммо мени пул бермайман».

Шу кескин минутда бу қайсар чолга гапимни ўтказмасам, кейинчалик унинг васийлигидан қутулишини қийин бўлди, — деб йиладим ва уига кибр билан қараб дедим: «Мен сенинг ҳўжайинингман, сени менинг хизматкоримсан. Пул менини. Мен шунча пулни ютқиздим, чунки шуни хоҳладим. Менга ақл ўргатмаслигинг ва буюрилган ишни қилаверганинг маслаҳат».

Бу гапни эшишиб, Савельич данг қотиб қолди.

— Нима қилиб турибсан? — дедим ғазаб билан бақириб. Савельич йиғлаб юборди. «Отагинам Пётр Андреич, — деди титраган товуш билан, — мени кулфатда адоқилма. Нури дийдам! Мен чолга қулоқ сол: у муттаҳамга ёз, ҳазилакам ўйнаган эдим, бунақа бейғриқ шулимиз йўқ дегин. Юз сўм-а! Худойим, ўзинг аспа! Отанонаг ёнғоқдан бошқа ўйинни зинҳор ўйнама деганини айт...»

— Ёлғон гапирма, — дедим ҳарда билан унинг сўзи-ни кесиб,—пулни бу ёққа бер, йўқса ўзингни қуваман.

Савельич менга чуқур қайгули бир назар ташлади да, қарзни узгани кетди. Бечора чолга раҳмим келди: аммо эрк олишни ва энди ёш бола эмаслигимни исбот қилишни истар эдим. Зуринга пул етказилди. Савельич мени бу лаънати трактирдан олиб кетишга шошиларди. Отлар тайёр эканини хабар қилди. Кўнғлим ғаш, ичдан

ўкиниб, устозим билан хайрлашмай, қачон бўлса да, у билан яна кўришишни ҳам ўйламай Симбирскдан жўнадим.

II боб

Е ГАКЧИ

Менинг диёrimми бу диёр
Бегона диёр!
Келмадимми мен ўзим сенга,
Ё учқур от келтирганими.
Иўқ, келтирган мен азamatни
Ёшлик зўрим ва дадиллигим.
Майхонага хос сархушлигим.

Қадимиий қўшиқ.

Иўл бўйи ўйлаган ўйларим унча кўнгил очадиган ўйлар эмас эди. Ютқизган пулим ўша вақтдаги пулнинг кучига кўра хийлагина эди. Симбирск трактирида бемаънилик қилганимни тан олиб, Савельич олдида ўзимни гуноҳкор сезардим. Буларнинг ҳаммаси мени қийнарди. Чол, араванинг бир четида, менга тескари ўгирилиб, қовоғини солиб ўтирас, индамас, ҳар замон томоғини қириб қўяр эди. У билан ярашгим келар, аммо гапни нимадан бошлашга ҳайрон бўлар эдим. Ниҳоят, мен упга: «Бўлди энди, Савельич! Бас, ярашайлик, айб менда; айб ўзимда эканини кўриб турибман. Кеча ўзим ёмон иш қилиб қўйиб, бекор сенга озор бердим. Бундан кейин бу хилда номаъқулчилик қилмасликка, сенинг гапингга қулоқ солишга ваъда бераман. Бўлди энди, хафа бўлма, ярашайлик», — дедим.

— Эҳ, отагинам Пётр Андреич! — деди у чуқур хўрсиниб. — Узимдан хафа бўламан; ҳамма айб ўзимда. •Наҳотки сени трактирга ёлғиз ташлаб кетсан! Нима қилай? Иўлдан оздим: қудамни кўрай деб, дъячиханинг олдига борибман. Ошнамнинг уйида ўтириб қолибман. Кўргулик-да. Хўжайинларнинг кўзига қандай кўринаман. Сенинг ичганингни, қимбор ўйнаганингни эшитса нима дейди.

Бечора чолнинг кўнглини тинчитиш учун, минбаъд унинг розилигини олмасдан бир тийинга ҳам қўл урмасликка ваъда бердим. У аста-секин босилди, аммо ҳамон

бошини чайқаб, баъзи-баъзида ўзича: «Юз сўм-а! Айтмоққа осои!» деб дўнғилларди.

Хизматга тайин этилган еримга яқинлашдим. Атроф паст-баланд, тепа ва жарликлардан иборат кўнгилсиз дашт эди. Ҳамма ёқ қор билан қопланган. Қуёш ботиб борарди. Арава тор йўлдан, тўғриси, мужикларнинг чаналари солган издан борарди. Ямшик тўсатдан бир томонга қарай бошлади, пиҳоят, телпагини бошидан олди-да, менга ўгирилиб: «Бегим, қайтсак қалай бўлади?» — деди.

— Нима учун?

— Ҳавонинг авзойи бузуқ: шамол кўтарилаётиди; қорни тўзитишини қаранг.

— Нима қилибди?

— Кўрмайсизми, ҳу ана уни? (Ямшик қамчиси билан кун чиқиш томонни кўрсатди.)

— Мен оппоқ дашт, тиниқ осмондан бўлак нарсани кўрмаяпман.

— Ҳов ана учи, булут.

Осмоннинг бир бурчида, уфққа яқин срда, дарҳақиқат, оқ булут парчаси турар, кўрган киши уни йироқ даги қир деб гумон қўлларди. Ямшик булатнинг бўрон аломати эканини айтди.

Бу ерларнинг бўрони қандай бўлишини эшитганиман, бутун бошлиқ карвоцлар ҳалок бўлганини билар эдим. Савельич ямшикнинг фикрига қўшилиб, қайтишин маслаҳат кўрди. Аммо менинг назаримда шамол унча кучли кўринмади, то кучайгунчаbekatga etib olish umidiда, қистаброқ юришини буюрдим.

Ямшик отларнинг бошини қўйиб берди; аммо кун чиқиши томондан сира кўзини узмас эди. Отлар елар, шамол эса борган сайин кучаяр эди. Булут юқорилаб, сеқин-аста бутун осмонни энлади. Майдалаб турган қор бирдан лайлак қорга айланди. Шамол ғувиллади; бўрон бошланди. Кўз очиб-юмгунча, қорамтири осмон мавжур ириб турган қор денгизига айланди. Борлиқ қўздан йўқолди. «Мана, бегим, фалокат. Бўрон бошланди!» деди ямшик.

Соябондан бошимни чиқариб қарадим: ҳамма ёқ қопкоронги, қуюн. Шамол худди жони бордай, ваҳима солиб ғувиллар эди. Савельич иккимизни қор босди; отлар секинлаб, узоқ бормай тўхтади. «Нега тўхтадинг?» — дедим ямшикка тоқатсизлик билан. — Қаёққа юрай? — деди ямшик чанадан тушаётуб. Қаерга кириб қол-

ганимизни билмасам: йўл йўқ, ҳамма ёқ қоп-қоронғи, — Мен ямшикни сўка бошлаган эдим, Савельич унинг тарафини олди: «Сен гапга кирсанг экан, — деди у зарда қилиб, — саройга қайтиб, овқат еб, чой ичиб, эртабагча тинчгина дам олар эдик, бўрон босилгандан кейин йўлга чиқардик. Мунча шошилмасак? Тўйга бора-ётибмизми!» Савельич ҳақ эди. Илож йўқ. Қор сатта ботмонлаб ташлар эди. Арава ёнида қор уюми пайдо бўлди. Отлар бошларини қуян солиб турар ва ҳар замон силкиниб қўярди. Ямшик айланиб юрар ва нима қилишини билмай, отларнинг қорасини кўриш умидида чор-атрофга қарадим, қоп-қора қуюндан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди.. Кўққисдан алла нарсанинг қорасини кўрғиб қолдим. «Ҳой ямшик! — деб қичқирдим. — Қара, ана у ёқда қорайиб кўринган шима?» Ямшик синчилаб қаради. — Қаёқдан билай, бегим, — деди у ўрнига ўтираётуб, — арава десанг арава эмас, дарахт десанг дарахтга ўхшамайди, қимиirlаётубди шекилли. Ё бўридир, ё одамдир.

Мен, шу қорага қараб юришни буордим, у ҳам бизга томон юриб келаверди. Ҳадемай етиб олдик, одам экан. «Ҳой яхши киши! — деб қичқирди ямшик. — Иўлни билмайсанми?»

— Иўл-ку шу-я; мен йўлда туриман, — деб жавоб берди йўловчи, — юриб бўлмагандан кейин бу йўлдан нима фойда?

— Менга қара, оғайни, — дедим унга, — сен бу ерларни биласанми? Бизни қўшхонага элтиб қўймайсанми?

— Бу ерларни биламан, — деб жавоб берди йўловчи, — худога шукур, қадамим етмаган ерим йўқ. Ҳавони кўрмайсанми: бундай вақтда, албатта, адашасан киши. Яхвиси, шу ерда туриш керак, бўрон тўхтасин, ҳаво очилсин, йўлни юлдузларга қараб топиб оламиз.

Унинг совуққонлиги менга дадиллик берди. Таваккал қилиб кечани шу даштда ўтказар эканман-да, деб турган эдим, йўловчи бирдан аравага чиқди-да, ямшикка: «Қани, худога шукур, манзил узоқ эмас, ўнгга бур-да, ҳайдай» — деди: — Нега ўнгга бураман? — деди ямшик ажабланиб. — Қани йўл? Гапингни қара-ю. От ҳам бирорвонни, хомут ҳам менини эмас деб, бур деяверар экансаён-да! — Ямшикинг гали менга маъқул тушди. «Дарҳақиқат, — дедим, — нега манзил яқин деб ўй-

лайсан? — Чунки, — деди йўловчи, — шамол шу томондан эсяпти. Димоғимга тутун ҳиди келяпти, демак, қишлоқ яқин. — Унинг зийраклиги билан сезгирлигига ҳайрон қолдим. Ямшикни йўлга солдим. Қалин қорда отлар чираниб қадам ташлар эди. Арава секин ўрмалаб, гоҳ қорга ботади, гоҳ чуқурликка тушиб кетади ва гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга чайқалади. Киши худди мавжурни турган денгизда сузуб бораётгандай бўлади. Савельич бикинимга урилиб, инқиллайди. Пардан туширдим, пўстинга ўралдим, бўрон аллалайди, соябон тебранади; уйқуга кетдим.

Бир туш кўрдим, бу туш сира эсимдан чиқмайди, бoshимдан кечган воқеалар тўғрисида ўйлаб кўрсам, ҳануз бу тушни одатдан ташқари бир каромат деб биламан. Ўқувчи кечирар, чунки хурофотга нақадар нафрат кўзи билан қараса ҳам, бидъатга берилиш киши учун түғма бир нарса эканини ўз тажрибасидан билади.

Мен шундай бир ҳиссий ва руҳий ҳолатда эдимки, бу ҳолатда мавжудият ҳаёлотга ён бериб, унга қўшилиб кўз уйқуга илинган вақтдаги тушга айланади. Назаримда: бўрон ҳануз қутурмоқда, биз ҳамон қор саҳросида адашиб юрибмиз... Бирдан кўзимга дарвоза кўрилди, биз шу дарвозага кирдик, бу — ўзимизнинг ҳовлимиз эмиш. Даб дурустдан ҳаёлпимга келган нарса: отам, ичкор қайтганимни билмай, аччиғи келмаса ва бу қайтишини атайлаб қилинган ўзбошимчалик деб билмаса гўрга эди, деган хавф бўлиди. Шошиб аравадан тушдим, қарасам: эшик олдида мени қаршилаб онам турибди, у жуда хафа кўринади. «Секин, — деди у, — отанг касал, ўлим тўшагида ётибди, сен билан розилик тилашмоқчи». Қўрқиб кетдим, онам кетидан ётоқقا кирдим. Қарасам, уй фирға-шира; отамнинг тўшаги ёнида кишилар турибди, ҳаммаси ғамгии. Секин отамнинг ёнига бордим; онам пащшахонанинг бир ёғини кўтариб: «Андрей Петрович, Петруша келди; сенинг бетоблигингни эшишиб қайтибди, дуо қил», — деди. Мен тиз чўкиб беморга тикилдим. Нимани кўрдинг денг?.. Отамнинг ўрнида қора соқолли бир мужик ётибди, менга кулиб қаради. Мен ҳайрон бўлиб онамга • қарадим. — Бу нима гап? Бу отам эмас. Нечук мен мужикнинг дуосини олар эканман? — дедим. «Барибир, Петруша, — деди онам, — бу сенинг отанг ўрнидаги киши; қўлини ўп, сени дуо қилсин...» Мен кўнмадим. Шу вақт мужик ирғиб ўрнидан турди, орқасидан болта олиб ҳар томонга

ҳамла қила бөшлади. Қочмоқчи бүлдим... лекин қочолмадим: уй үлкка тұлди; үлкіларга қоқынаман, күлтімак бўлиб ётган қонга тойиламан... Вахималик мужик ширин сўз билан мени ёнига қақири: «Қўрқма, менинг дуомни ол...», — деди. Ҳаддан ташқари қўрқдим, гангидим... Шу онда уйғониб кетдим; арава тўхтаган; Савельич қўлимдан тортиб: «Туш, бегим келдик», — деди.

— Қаерга келдик — дедим, қўзимни уқалаб.

— Қарвон саройга. Худо йўлнимизни ўнглади, деворга тўқиниш келиб қолибмиз. Туш, бегим, тезроқ туш, исин.

Аравадан тушдим. Бўрон, гарчи бир оз босилган бўлса ҳам, ҳамон давом этарди. Қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Саройбон, қўлидаги чироқни этаги остида тутиб, бизни дарвоза олдидা кутиб олди ва мени меҳмонхонага бошлаб кирди. Меҳмонхона тор, аммо озодагина; жинчироқ ёниб турар эди. Деворда бир милтиқ, бир казакча телпак осиғлик.

Саройбон олтмиш ёшларда, аммо ҳали анча тетик бир мужик эди. Унинг асл зоти Ёйиқ казаг¹ и экац. Савельич кетимдан чой анжомларини олиб кирди ва тездан чой қайнатиш учун ўт сўради. Бир умр чойга ҳозиргидай ташна бўлмаган эдим. Саройбон ўт қидириб кетди.

— Етакчи қани? — дедим Савельичга.

— Мен шу ердаман, тақсир, — деди юқоридан кимдир. Юқорига қарадим, қоп-қора соқол, иккита чақнаб турган кўзни кўрдим. — Ҳа, оғайни, совқотдингми? «Бир қават чопон билан совқотмайдими киши! Яширишнинг нима ҳожати бор, пўстиним бор эди, кеча трактирчига гаров қўйдим; совуқ унча қаттиқ кўринмаган эди». Шу онда саройбон қайнаб турган самовар кўтариб кирди; етакчини чойга таклиф қилдим, у юқоридан тушди. Унинг ташқи қиёфаси кўзимга жуда ажойиб кўринди. Узи, қирқларда бор, бўйи ўрта, озғии, елкалари кенг. Қоп-қора соқолига оқ оралаган; катта-катта кўзлари ўйнаб туради. Истараси иссиқ, аммо маккор кўринади. Сочи айланасига қирқилган; устида жулдуру чопон, татар чалвари. Унга бир пиёла чой тутдим; у чойни ҳўплад, афтини буриштирди. «Тақсир, марҳамат қилиб бир

¹ Ёйиқ дарёси ҳавзасида яшаган казаклар. Ёйиқ казаклари Пугачёв қўзғолонида актив кучлардан бири бўлған. Пугачёв қўзғолони бостирилгандан кейин Екатерина II нинг фармони билан Ёйиқка Үрол номи берилган.

стакангина вино буюрсангиз; биз казакларга чой түфри келмайды». Мен дарров хұп, дедим ва истагини бажо келтиридим. Саройбон жавондан катта шиша билан стакан олиб, унинг ёнига келди ва юзига қараб: «Эҳа, тагин бизнинг ёқларга келибсан-да! Қаердан худо етказди?» — деди. Етакчи маңоли қилиб күз қисди да мақол билан жавоб берди: «Елдим, югурдим; сой ошдим, қир ошдим, бу ерга тушдим. Хүш, ўзларинг қалайсизлар?»

— Ўзимиз — бир нави! — деди саройбон ҳамон ки-нояли сўзида давом этиб — Кечқурунги ибодатга занғ ура бошлаб эдик, попнинг хотини қўймади: поп мөх-мондорчиликда, қишлоққа шайтон оралаган. — «Қўй-сангчи, оға, — деди менинг саёғим; — ёмғир ёғса қўзиқорип чиқади; қўзиқорин чиқса териб солгани сават то-пилади. Эндиҷи (у яна кўз қисиб), болтангни яшир: ўрмон қўрїқчиси юрибди. Тақсир! Сизнинг эсончилигингизга!» Шу сўзларни айтиб, стакани олди, чўқинди ва бир кўтарди. Қейин, менга таъзим қилиб, юқорига чиқиб кетди.

Бу хуфия гапдан ўша вақт ҳеч нарса тушуммадим, кейин билсам, сўз 1772 йилги исёидан кейин эндигина янгигина итоат эттирилган Ёйқ қўшинининг ишлари ҳақида борган экан. Савельич бу сўзларга жуда норо-зилик кайфияти билан қулоқ солди. У тоҳ саройбонга, тоҳ етакчига гумонсираб қарап эди. Сарой ёки, ўзлари-ча айтганда, қалъа бир четда-даштда, қишлоқдан узоқда бўлиб, худди ўғрихонанинг ўзгинаси эди. Аммо бошқа илож йўқ. Бу ердан жўнашни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Савельичнинг ташвишларига кулгим қистар эди. Ётадиган бўлиб сўрига чиқиб чўзилдим. Савельич печканинг устига чиқиб кетди; саройбон пастда — ерда ётди. Ҳадемай ҳамма уйқуга кетиб, хуррак отди, мен ҳам ўликдай қотиб қолибман.

Эрталаб хийла кеч уйғондим, бўрон тинибди. Қуёш порламоқда. Бепоён даштни қоплаган қор ярқираб кўзни қамаштиради. Арава қўшилган. Саройбоннинг ҳа-қини бердим; жуда кам ҳақ талаб қилди, хатто Савельич одатдагича савдолашиб ҳам ўтирумади; кечаги шубҳалар ҳам кўнглидан чиқиб кетди. Мен етакчини чақирдим, қилган ёрдами учун миннатдорлик билдири-дим ва ярим сўм арақ пули беришни Савельичга буюрдим. Савельич қовоғини солди. «Нима учун? Ярим сўм эмиш! — деди у. — Уни саройга келтириб қўйганимиз

учунми? Үзинг биласан, бегим, ортиқча ярим сүмимиз йўқ. Ҳар кимга арақ пули берадерсанг, ҳадемай ўзимиз оч қоламиз». Савельичнинг сўзига сўз қайтара олмадим, чунки ўз ваъдамга кўра, пул тамом ўшанинг ихтиёрида эди. Бироқ, мени бир оғатдан бўлмаса ҳам, камида жуда ёмон бир аҳволдан қутқарган кишини хурсанд қила олмаганимга ачиндим. — Ҳўп, майли. — дедим совуққонлик билан; агар ярим сўм бергинг келмаса, кийимларимдан биронтасини бер. Усти жуда юпун экан. Менинг қуён терисидан тикилган пўстинимни бер.

— Ҳой отагинам Пётр Андреич! — деди Савельич. — Сенинг пўстинингни нима қилади у? Бу ит биринчи учраган майхонада сотиб ичади.

— Сенга бунинг ташвиши тушмай қўя қолсин, — деди саёғим, — сотиб ичаманми, йўқми, сенга нима қайфу? Тақсирим ўз устларидағи пўстинни менга инъом қиляптилар, бу киши шуни хоҳладилар; сендаи хизматкорнинг иши буюрилган ишни сўз қайтармасдан адо қилишдир.

— Худодан қўрқмайсан, сен ўгри! — деди Савельич аччиғи келиб. — Кўриб турибсанки, боланинг ақли етмайди, унинг соддалигидан фойдаланиб шилмоқчи бўласан. Бунинг пўстинини нима қиласан? Бу пўстин мурдор эгнингга спғмайди ҳам.

— Ақл ўргатма, — дедим Савельичга, — ҳозир пўстинни олиб чиқ.

— Ё рабблоламин, — деди Савельич инқиллаб. — Янгигина пўстин-а! Кошки бир тузук одамга берилса, бир пияниста саёққая!

Ҳар қалай пўстин олиб чиқилди. Мужик дархол уни кийиб кўрди. Ҳақиқатан, менга ҳам кичик келиб қолган пўстин унга бир оз торлик қилди. Бироқ у бир илож қилиб кийди, пўстиннинг чоклари сўқила бошлади. Буни кўриб Савельичнинг фифони чиқди. Қилган инъомимга саёқ жуда севинди. У мени аравагача узатиб қўйди ва таъзим қилиб: «Қуллук, тақсири! Қилган яхшилигинги худодан қайтсин. Яхшилигинги умрбод эсимдан чиқармайман», — деди. У ўз йўлига кетди. Мен эса Савельичнинг тажанг бўлишига парво қилмай. Йўлда давом этдим. Ҳадемай кечаги бўрон ҳам, етакчи ҳам, пўстин ҳам эсдан чиқди.

Оренбургга келиб, тўғри генералнинг олдига бордим. Генерал новча, аммо қариб букчайган бир одам эди.

Үзүн сочлари оппоқ. Эгнидаги ўнгган мундири Анна Ивановна¹ замонидаги аскарни эслатар; сўзида немис талафузи жуда билиниб туарар эди. Отамнинг мактубини бердим. Отамнинг номини эшитган ҳамон менга ялт этиб қаради. «Мошоолло! — деди у. — Андрей Петрович яқиндагина сенча бола эди, энди кап-катта ўғли бор-а! Оҳ, умр, умр!» У хатни очди-да, босинқи товуш билан ўқий бошлади. «Марҳаматли султоним Андрей Карлович, ишонаманки, жанобингиз»... Такаллуфнинг нима ҳожати бор эди? Вой, айб эмасми? Албатта, ҳаммадан кўра интизом зарур, аммо наҳот ўзининг қадрдан камрадига² шундай хат ёса!.. «Жанобингиз унугмагандирлар»... ҳм... «ва... марҳум фельдмаршал³ Мин... сафардан... шунингдек, Каролинка ҳам»... Э биродарим-эй! Ёшлигимида қилган шўхликларимиз ҳали эсида экан-да? «Энди муддаога келайлик... Ҳузурингизга фарзанди ноқобилимни юбордим» ..Ҳм.. «Қаттиққўл бўлғайсиз» ...«Қаттиққўл нима дегани? Бу рус ибораси бўлса керак... «Қаттиққўл бўлиш»нинг маъноси нима?» деб менга қаради.

— Бу, — дедим, иложи борича ўзимни маъсум кўрсатишга тиришиб,—яхши муомала қилиш, унча ҳам қаттиқ тутмаслик, кўпроқ эрк бериш деган сўз.

«Ҳм, тушундим...» ва унга эрк берилмаса «...йўқ, қаттиққўл бўлишининг маъниси бу эмасдир...». Ушбу билан... унинг паспортини юбордим» ...Қани паспорт? Ҳа, бу ёқда экан... «Семёнов полкига ёзилсин» ...Яхши, тузук, ҳамма айтганини қиласман... «Гарчи бирон мансабда бўлмасам ҳам... қадрдан дўст ва ўртоқ бўлганим туфайли сени ғойибона қучоқлашга ижозат берасан...» Ҳа, яна, оқибат фаҳми етибди... ҳоказо ва ҳоказо... Ҳуш... отахоним, — деди у хатни ўқиб бўлгандан кеийин паспортини бир томонга қўя туриб, — ҳаммасини қиласман: сени*** полкига офицер қилиб юбораман, фурсатни ўтказмаслик учун эртагаёқ Белогор қалъасига жўна. У ерда капитан Миронов деган яхши, ҳалол бир кишининг қўл остида бўласан. У ерда чинакам хизматда бўлиб, интизомга ўрганасан. Оренбургда нима

¹ Аёллардан чиққан рус императори (1693 — 1740), 1730—1740 йилда подшолик қилган, унинг замонида ҳалқ жуда қаттиқ феодал зулми остида эзилган.

² Ўртоқ (немисча).

³ Подшо армиясидаги олий генераллик мансаби. Бу ерда фельдмаршал Миших кўзда тутилади.

ҳам қиласар әдинг, йигит кишига бекорчилик заар. Бүгүн бизникига обедга марҳамат қил».

Ахвол борган сайни ёмонлашыпти! Үзимча ўйлардим: онамнинг қорнида деярли гвардия сержантин бўлганим менга нима қилиб берди! Бу мени қаерга олиб келди?*** полкига ва қирғиз-қозоқ чўлларининг чегарасидаги узоқ бир қалъага!.. Андрей Қарловичнинг уйида унинг кекса адъютанти билан бирга учовимиз обед қилдик. Унинг дастурхонидан немисларга хос тежам яққол кўриниб туради. Мени тезроқ гарнизонга жўнатаётганининг қисман сабаби — унинг меҳмонини хушламагани, меҳмон кутишга оғринганлиги бўлса керак, деб ўйлайман. Эртасига генерал билан ҳайрлашиб, тайин этилган еримга жўнадим.

III боб

ҚАЛЪА

Туар жойимиз аскарий қўргон,
Ичганимиз сув, еганимиз нон;
Ёвуз душманлар бўлгали меҳмон —
Келиб қолсалар агар биз томон,
Меҳмонлар учун бошлаймиз базм.
Тўп ўқларин еб, қилишгай ҳазм.

Аскар қўшиғи

Қадимий одамлар, отахоним.

Недоросль

Белогор қалъаси Оренбургдан қирқ чақирим берида. Иўл Ёйқ дарёсининг қирғоқларини ёқалаб кетади. Дарё ҳали музламаган, оппоқ қор билан қопланған бир хилдаги қирғоқлар орасида тўлқинланиб оққан сув қўрғошин рангида қорайиб кўринади. Нариги томонда қирғиз чўллари. Фикрга чўмдим, бу фикрларнинг кўпине кўнгилсиз фикрлар эди. Гарнизон ҳаётига унча қизиқмас ҳам эдим. Бўлажак бошлиғим — капитан Мироновни кўз олдимга келтиришга тиришдим, пазаримда у қаттиққўл, ўз хизматидан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган, сал нарсага мени қамаб, нон билан сувгина беришга тайёр, баджаҳл бир чол кўринар эди. Қороғи ҳам туша бошлади. Биз хийла қистаб борар эдик. —

Қалъага яқын қолдими? — деб сүрадим ямшигимдан. «Яқын қолди, ана, күриниб турибди», — деди ямшик. Ваҳимали бастионлар¹, қўрғон ва тепаликлар кўринармикан, деб атрофга қарадим; ёммо ёғоч девор билан ўраб олинган кичкина бир қишлоқчадан бўлак нарса кўринмади. Бир томонда қор босаёзган учтўрт ғарам пичан, яна бир томонда қаноти тахтадан ясалган, қаттиқ, мукчайган ел тегирмон. — Қани қалъа? — деб сүрадим ажабланиб. «Ху ана», — деди ямшик қишлоқчани кўрсатиб. Ҳадемай шу қишлоқчага кириб бордик. Дарвоза ёнида эски чўян замбарак туарди; кўчалар қинғир-қийшиқ, тор; пастак-пастак уйлар, буларнинг кўпли похол билан ёпилган. Мен ямшикка комендантнинг олдига олиб боришни буюрдим, бир дақиқадан сўнг соябон арава, ёғочдан бино қилинган черков яқинидаги тепаликка солинган кичкина ёғоч иморат олдида тўхтади.

Мени ҳеч ким кутиб олмади. Айвончага кириб, даҳлиз эшигини очдим. Кекса бир инвалид, стол устида ўтириб, яшил мундирининг енгига ямоқ солар эди. Комендантни кўрмисқчи эканимни айтдим. «Кира қол, отагинам,—деди инвалид,— ўзлари уйда». Бурунги замонча ясатилган озодагина бир бўлмага кирдим. Бурчакда идиш-товоқ жавони турибди, деворга ойнали рамкага олинган офицерлик дипломи осилган; унинг ёнида арзоибахо суратлар: уларда Кистрин ва Очаковнинг² олиниши, келин танлаш, мушукни дафн қилиш³ тасвир этилган. Дераза ёнида бир кампир ўтирибди, унинг устида нимча тўн, бошида рўмол. У офицер мундирни кийган гилай чол тутиб турган калавани ёзар эди. «Ҳа, болам, нима дейсиз? — деди у, ишидан бошини кўтармай. Мен хизматга келганимни ва бўйнимдаги вазифа бўлганига кўра, жаноб капитанга учрашмоқчи эканимни айтдим. Филай чолни комендант фахмлаб, шу сўзлар билан унга мурожаат қилаётган эдим, кампир сўзимни бўлди: «Иван Кузмич уйда йўқ,— деди кампир. — Герасим ҳазратникига меҳмон бўлиб кетган, мен унинг хотини бўламан. Марҳамат қилинг, ўтиринг». Кампир бир қизни чақириб ўнбошини айтиб келгани

¹ Қалъа истеҳкомларидан бир наъви.

² Кистрин — 1758 йилда рус аскарлари томонидан қамал қилинган қалъа (Пруссия). Очаков 1787 — 1788 йиллардаги урушда руслар томонидан олинган турк қалъаси.

³ Петр I га қилинган сатирик карикатура.

юборди. Чол бир кўзлаб менга мароқ билан қаради. «Сўрашга ҳаддим сифадими, — деди у, — жаноблари қайси полкда хизмат қилган эдилар?» Саволига жавоб бердим. «Сўрашга ҳаддим сифадими, — деди у яна, — нима учун гвардиядан гарнizonга ўтишни ихтиёр этдилар?» Бошлигимнинг амри билан ўтганимни айтдим. «Эҳтимол, гвардия офицерига номуносиб бирон иш қилгандирлар?» — деди эринмаган чол. «Бас, бемаъни гапларни гапираверма! — деди капитаннинг хотини, — кўриб турибсанки, йўлдан чарчаб келган одам; гапинг қулоғига сифармиди... (қўлингни тўғрироқ тут...) Сен, болам, — деди у менга қараб, — бу чекка ерга келганингга хафа бўлма. Сен бу ерга келгандарнинг биринчиси ҳам эмассан, охиргиси ҳам. Сабр қилсанг ўрганиб кетасан. Алексей Иванич Швабриннинг одам ўлдиргани учун бу ерга юборилганига беш йил бўлади. Қандай гуноҳнинг касрига қолганини худо билади: бир поручик билан шаҳардан ташқарига чиқишибди, қилич ҳам олиб чиқишиган экан, иккови қиличбозлик қилибди-ю, Алексей Иванич поручикни икки гувоҳ олдига ўлдириб қўйибди. Нима дейсиз энди? Гуноҳ қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан кела беради.

Шу чоғ ўнбоши кирди. У ёш, хушқомат бир казак эди. «Максимич! — деди унга кампир. — Бу офицер жанобларига озодароқ бир уй бер». «Бош устига, Василиса Егоровна, — деди ўнбоши. — Жанобларини Иван Полежаевнинг уйига жойлаштирусаммикан?» «Бўлмаган гап, Максимич, — деди кампир, — унинг уйи шундаям ўзига торлик қиласди; у менга яқин одам биз бошлиги эканимизни ҳам эсидан чиқармайди. Офицер жанобларини... отингиз, отангизнинг оти нима, болам?» — Пётр Андреич. — «Пётр Андреични Семён Кузовнинг олдига олиб бор. У товламачи, отини менинг боқчамга қўйиб юборибди. Ҳўш, Максимич, нима гаплар?»

— Худога шукур, тинчлик, — деди қазак, — фақат капрал Прохоров ҳаммомда Устения Негулина билан бир жом иссиқ сув талашиб уришибди.

«Иван Игнатич! — деди капитаннинг хотини ғилай чолга қараб. — Прохоров билан Устениянинг жанжалини текшир, айб кимда эканини бил. Икковига ҳам жазо бер. Ҳўп, Максимич, худо йўлдошинг бўлсин, бор энди, Пётр Андреич, Максимич сизни уйингизга элтиб қўяди».

Таъзим қилдим. Ўнбош мени қалъанинг бир бурчидаги дарёнинг баланд қирғоғидаги бир уйга бошлаб борди. Ўйнинг ярмида Семён Кузов оиласи турар экан, қолган ярмини менга бердилар. Бу хийла озода бўлма

бўлиб, тахта билан иккига бўлинган. Савельич нарсаларни саранжомлашга кириши; мен кичкина деразадан ташқарини томоша қилдим. Қаршимда кўнгилсиз дашт. Ён бағирликда бир неча уй бўлиб, кўчада бир печа товуқ донлаб юради. Бир кампир, эшик олдидағи пиллапояда гуриб чўчқаларни чақирав, чўчқалар бара-варига фўқ-рўқ деб, унинг чақириғига товуш беришарди. Қаранг, ёшлигимни қандай ерда ўтказишга маҳкум бўлганман! Мени фам босди; дераза ёнидан кетдим ва Савельичнинг вайсашига қарамай, овқат емасдан ётдим. У бўғилиб ҳадеб вайсар эди: «Ё раббилоламин! Ҳеч нарса емайди-я! Боласи касал бўлиб қолса, хоним нима дейди?»

Эртаси эрталаб, энди кийинаётганимда эшик очи-либ, ёшгина, ўрта бўйли, бир қадар хунук бўлса ҳам, ғоят тетик, тўла юзли бир офицер кирди. «Сиз билан танишгани тўғри келаверганим учун афв этасиз, — деди у французчасига. — Сизнинг келганингизни кечга эшитган эдим; ниҳоят, киши дийдорини кўриш хоҳиши шунча қўймадики, сабр қила олмади! Бу ерда бирмунича вақт турганингиздан кейин буни ўзингиз ҳам билиб оларенз!» Бу одам дузель учун гвардиядан чиқарилган ўша офицер эканини пайқадим. Дардол танишдик. Швабрин хийла ақали одам экан. Гаплари ўткир ва маъноли. У комендантнинг оиласи, улфатлари ва менга насиб этган бу ўлка тўғрисида жуда хушчақчақлик билан сўзлаб берди. Мен завқ қилиб кулиб ўтирган эдим, келганимда мундир ямаб ўтирган ўша филай инвалид кирди ва мени Василиса Егоровна номидан обедга таклиф қилди. Швабрин ҳам мен билан бирга борадиган бўлди.

Комендантнинг уйига яқин майдонда узун сочли, учбурчак шляпалар кийган йигирма чоқли кекса инвалидни кўрдик. Ҳаммаси қатор турар эди. Олдинда новча, тетик, бошига қалпоқ, эгнига хитойи авра тўн кийган комендант чол турарди. У бизни кўриб, олдимизга келди ҳа, менга бир неча оғиз ширин сўз айтиб, яна қўмонда беришида давом этди. Биз машқни томоша қилгани тўхтадик; лекин у, Василиса Егоровнанинг олдига киришимизни сўраб, ўзи ҳам ҳозир кетимиздан кираражагини билдириди. «Бу ерда нимани ҳам томоша қилардиларинг», — деб қўйди.

Василиса Егоровна бизни соддагина, очиқ чеҳра билан кутуб олди ва менга худди эски танишдай муомала қилди. Инвалид чол билан Палашка дастурхон ёзиши.

«Нима бу, бизнинг Иван Кузмич бугун жуда машққа берилб кетди! — деди комендантнинг хотини Василиса Егоровна. Палашка, хўжайинни овқатга чақириб кел. Айтгандай, Маша қани?» Шу чоғ ўн саккиз ёшларга кирган юмалоқ ва қизил юзли бир қиз кирди; оқиш-сариқ сочини силлиқ қилиб тараган, қулоқлари қип-қизил ёнар эди. У дабдурустдан менга унча маъқул бўлмади. Мен унга хушламайроқ қарадим, чунки Швабрин менга унинг таърифини қилиб: «Капитан қизи Маша мутглақ аҳмоқ қиз», — деган эди. Марья Ивановна бурчакка ўтириб, иш тикиш билан машғул бўлди. Овқат келтирилди. Василиса Егоровна бу өрада эрини кўрмай, унга яна Палашкани юборди. «Меҳмонлар маҳтал, шўрва совиб қолади, дегин, худога шукур, машқ деган нарса қочмайди; бақириш мавриди билан бўлар». Тезда капитан, унинг кетидан филай чол кирди. «Нима бўлди, тақсирам? — деди хотини. — Овқат аллақачон сузилган-у, чақирган билан келмайсан». Хизматда эдим-да, Василиса Егоровна, солдатларга таълим берётган эдим», — деди Иван Кузмич.

«Биламиз! — деди капитан хотини. — Фақат отига таълим: на улар хизматга лойиқ бўлади, на ўзинг бир нафиини кўрасан. Худо деб уйда ўтирганинг яхши эди. Азиз меҳмонлар, қани дастурхонга марҳамат қилинглар».

Овқатга ўтиридик. Василиса Егоровна тинмасдан менга устма-уст сўроқ берар эди: менинг ота-онам ким, улар ҳаётми, қаерда туришади, бойликлари қандай? Отамнинг уч юз дехқони борлигини эшитиб: «Айтмоққа осон! Дунёда хўп бой одамлар бор-да! Бизнинг қўли-мизда биттагина қиз — Палашка бор холос, отагинам; худога шукур, бир кунимиз бўлса ўтиб турибди. Бир ташвишимиз мана шу Маша: бўйига етиб қолди, лекин сенини сўрасангиз — сиркатароқ, бир тутам новда,¹ олти пул чақа (худо кечирсан!), бу билан ҳаммомга борса тузук. Яхши бир одам чиқса-ку дуруст-а, бўлмаса қари қиз бўлиб ўтиради», — деди. Мен унинг қизи Марья Ивановнага қарадим: у қип-қизариб кетди, ҳатто олдидағи тарелкага кўзидан бир-икки томчи ёш томди. Бечора қизга раҳмим келди, гапни бошқа ёқса буришга шошилдим. — Қалъаларингга бошқирдлар ҳужум қилмоқчи деб эшиздим, — дедим, томдан тараша тушгандай. «Қимдан эшиздинг, отагинам?» — деди Иван

¹ Бир тутам новда — ҳаммомда ишлатилади.

Кузмич. — Оренбургда менга шунақа дейишди, дедим. «Бұлмаган гап! — деди комендант. — Құпдан бери бунақа ҳодиса бұлғани йүк. Бошқирдлар құрқиб қолған халқ, қирғизларнинг ҳам адаби берилған. Бизга ҳужум қылғани ҳадди борми; қани ҳужум қилиб күрсін, шундай таъзирини берайин, ўн йил чурқ этмасин». — Шундай хавф остида бұлған қалъада турғани сиз ҳам құрқ-майсизми? — дедим капитаннинг хотинига қараб. «Үрганиб қолғанман, отагинам, — деди у. — Полкдан бу ерга юборилганимизга йигирма йил бўлди, янги келган вақтларимизда бу ғайри динлардан шундай құрқар әдимки, худо құрсатмасин! Уларнинг папоқларини күрсам, қийқириқларини эшитсам, ишонасанми, отам, юрагим арзиқиб кетарди! Энди бадкорлар қалъа атрофида юришибди леб хабар эшитсам, ўрнимдан ҳам турмайман».

— Василиса Егоровна юраги дадил хотин, — деди Швабрин керниб. — Буни Иван Кузмич ҳам тасдиқлади.

— Юракли хотинлар ўнлаб бор, — деди Иван Кузмич.

— Марья Ивановначи? — дедим; — бу киши ҳам сиздай дадилми?

— Машами? — деди онаси — Йүк. Маша құрқоқ. Ҳануз мильтиқ товушидан құрқиб, дағ-даг титрайди. Бурноғи йцли менинг туғилған күнимда Иван Кузмич замбарагимизни оттирған әди, бечора қызғинам құрқиб ўлаёзды. Шундан бери қуриб кеткур замбаракни отмаймиз.

Овқат пировард бўлиб, ўрнимиздан турдик. Қапитан хотини билан ётоқقا кириб кетди; мен бўлсам Швабрин билан кетдим ва бутун кечани у билан бирга ўтказдим.

IV боб

Д У Э Л Ъ

— Марҳамат қылғайсан, түғри тургайсан,
Сенға қандай тиғ тортишим күргайсан!

Княжнин

Бир неча ҳафта ўтди, Белогор қалъасидаги ҳаётим чидаб бўларлигина эмас, ҳатто ўзимга ёқиб ҳам қолди.

Комендант оиласи мени яқин қариндошдек қабул қилди. Улар, эр хотин, жуда яхши кишилар эди. Иван Кузмич солдат боласидан чиқкан офицер бўлиб, ўқимаган, содда, аммо кўнглида кири йўқ, яхши одам эди. У хотинининг измидан чиқмас, бу унинг бегамлигига мос келарди. Василиса Егоровна хизмат ишларига ҳам ўзининг уй-рўзгор ишига қараган кўз билан қарап ва қалъани худди ўз уйини бошқаргандай бошқаради. Марья Ивановна ҳам тез фурсат ичидан мендан ётсирамай қўйди. Икковимиз қалин бўлиб қолдик. Қарасам: ақлли, зийраккина қиз экан. Аста-секин мен бу эзгу оиласа, ҳатто гарпизон поручиги ғилай чол Иван Игнатьевичга ҳам ўрганиб қолдим. Бу ғилай чол тўғрисида, «у Василиса Егоровна билан маҳрамлик қилар эмиш», — деб Швабрин миш-миш тарқатган экан, лекин бу зифирча ҳам ростга ўхшамайди, аммо Швабрин бу тўғрида ҳеч тап тортмай гапиради.

Менга өфицерлик унвони берилди. Хизмат менга оғирлик қилмас эди. Худонинг паноҳида бўлган бу қалъада на таълим бор, на кўрик, на қоровул қўйилади. Комендант хуши келган чоғларда солдатларга таълим беради, аммо ҳалигача ўнг томон қайси-ю, сўл томон қайси эканини ҳаммасига билдира олгани йўқ. Швабриннинг бир неча французча китоби бор экан. Китоб ўқишга киришдим ва менда адабиётга ҳавас уйғонди. Ҳар куни эрталаб китоб ўқийман, таржима қилишни машқ қиламан, баъзан шеърлар ёзаман. Овқатни ҳар куни деярли комендантнинг уйидаги еб, қолган вақтни шу ерда ўтказаман. Баъзан кечқурунлари Герасим ҳазрат хотини Акулина Памфиловна билан келади. Бутун қалъада ҳар қандай янги хабар бўлса, шу хотиндан эшитардилар. Албатта, А. И. Швабрин билан кунда кўришар эдим; аммо борган сайин унинг сухбатидан беза бошладим. Комендантнинг оиласи тўғрисидаги доимий ҳазиллари, айниқса Марья Ивановна ҳақидаги пичинглари менга сира ёқмасди. Қалъада бошқа улфат йўқ, бошқа улфатни хоҳламас ҳам эдим.

Бошқирдларнинг ҳужуми муқаррар экани тўғрисиде ҳабар берилишига қарамасдан, ҳужум бўлмади. Қалъамиз атрофидаги осойишталиқ ҳукм сурарди.

Мен ҳали адабиёт билан машғул бўлганимни гапирган эдим. Қилган тажрибаларим ўша замон учун хийлтузуккина бўлган экан, уларпи бир неча йилдан кейин

Александр Петрович Сумароков¹ кўриб, жуда мақтади.
Бир куни қўшиқ ёздим, бу қўшиқ ўзимга маъқул бўлди.
Езувчилар баъзан маслаҳат талаблик ниқоби остида
хайриҳоҳ «Яхши ёзибсан» дегувчи сомилар қидиришла-
ри маълум. Ёзган қўшиғимни оққа кўчириб, Швабрин-
нинг олдига олиб бордим; бутун қалъада шоирнинг шеъ-
рига баҳо бера оладиган фақат шу одамгина эди. Қички-
на муқаддимадан кейин, чўнтағимдан дафтарни олиб,
шу шеърни ўқиб бердим:

Муҳаббат фикридан бутун воз кечиб,
Уринаман: ёни ёдимга олмай!
Эвоҳ, Машани ҳам кўришдан қочиб,
Ўйлайман — эрк олай, боғланиб қолмай!

Аммо у кўзларки, мени боғламиш,
Дам-бадам қаршимда порлар фусункор:
Рӯҳимни банд этиб, бағрим доғламиш,
Доим тўлғанаман, бетинч, бекарор.

Ҳолимга назар сол ва дардимни бил,
Бошимда не савдо, Маша, ачингил.
Фурсат зиқ ва оғир, ўзинг раҳм қил,
Сенинг мафтунигман, сени дейди дил.

— Қалай дейсан? — дедим Швабринга, гўё мақтов
менга албатта берилishi керак бўлган бир тўловдай,
унинг мақташини кутиб. Бироқ қандай қиласайки, одатда
мени риоя қиласиган Швабрин шеъримни буткул яра-
масга чиқарди.

— Нега? — дедим ранжиганимни билдирамасдан.

— Чунки, — деди у, — бунақа шеърлар менинг усто-
зим Василий Кирилич Тредъяковский² ярашади. Бу
шеър унинг ишқий лапарларига ўхшайди.

Дафтарни қўлимдан олди ва шеърнинг ҳар бир сатри,
ҳар бир сўзини текшириб, заҳарли сўзлар билан мени
масхара қила бошлади. Чидолмадим, дафтаримни қўли-
дан тортиб олиб, минбаъд сенга асаримни кўрсатмайман,
дедим. Швабрин бу дўқдан ҳам кулди. «Кўрамиз-да, қа-
ни, сўзингда турармикансан: Иван Кузмичга овқат олди-
дан бир графин арақ қанчалик керак бўлса, шоирларга
ҳам сомиъ шунчалик керак. Бу қадар нозик эҳтирос арз
этиб, муҳаббатпеша бўлганинг Маша ким ўзи? Марья
Ивановна эмасми?»

¹ Шоир, бириначи рус драматурги (1708—1777).

² Василий Кириллович Тредъяковский (1703—1769) шоир, тар-
жимон, олим.

— Ким экани билан сенинг ишинг бўлмасин! — дедим қовоғимни солиб. — Бу тўғрида менга сенинг фикринг ҳам керак эмас, ким эканини билишинг ҳам.

— Ўҳӯ! — деди Швабрин борган сайин қитифимга тегиб. — Сиркаси сув кўттармайдиган шоир, шикастнафс ошиқ экансан-ку! Аммо менинг дўстона кенгашимга қулоқ сол: муродимга етай десанг, ишни шеър билан бошлама.

— Бу нима деганинг? Тушунтириброқ айт.

— Жоним билан. Агар сен Маша Миронованинг қош қорайгандада уйингга келишини хоҳласанг, бунақа шеърлар ёзиш ўрнига бир жуфт исирға тақдим қил.

Жоним қайнаб кетди. — «Нега уни шунақа қиз деб ўйлайсан?» — дедим, аранг ўзимни босиб.

«Чунки, — деди у заҳарханда қилиб, — унинг табиатини, хулқини синааб кўрганман».

— Ёлғон айтасан, абраҳ! — дедим тепа сочим тикка бўлиб, — ҳаёсизларча, шармандаларча ёлғон гапираётисан.

Швабриннинг рангидан қони қочди. «Бу ҳақоратинг учун осонликча қутулмайсан. Мен сени дуэлга чақираман», — деди у қўлимни қисиб.

— Чақир; ҳамма вақт тайёрман! — дедим қувониб. Шу топда мен уни мажақлаб ташлашга тайёр эдим.

Дарров Иван Игнатьевичнинг олдига бордим. У қўлида игна, Василиса Егоровнанинг амири билан қишга қуритиб олиш учун ипга қўзиқорин тизар эди.

— Э, Пётр Андреич! — деди мени кўриб, — хуш келибсиз! Нечук худо ярлақади! Нима иш билан келганингизни сўрашга ҳаддим сиғадими? Мен Алексей Иванович билан уришганимни қисқагина қилиб айтиб бердим ва ундан менга секундант бўлишни сўрадим. Иван Игнатьевич сўзимга диққат билан қулоқ солди ва ягона қўзини катта очиб, менга қараганича қолди. «Яъни демоқчисизки: сиз Алексей Ивановичга қилич урмоқчисиз, менинг гувоҳ бўлишимни истайсиз? Шундайми?

— Худди шундай.

— Инсофга келинг, Пётр Андреич! Нима бало қилмоқчисиз? Алексей Иванович билан уришдингизми? Жуда ёмон бўлибди. Ҳақорат эсдан чиқиб кетадиган нарса. У сизни сўккан бўлса, сиз уни қаттиқроқ сўкинг; у сизни урган бўлса, сиз унинг у бетига, бу бетига тортиб юборинг, тамом; кейин биз яратшириб қўямиз Одам одамга қилинг уриши яхшими? Сиз Алексей Ива-

новичга қилич урсангиз гүргаку-я, менинг ўзим ҳам уни хушламайман. Борди-ю, сизга қилич урса-чи? Бу нима деган бўлади? Ким аҳмоқ бўлиб қолади, сўрашга ҳаддим сифса?»

Поручикнинг бу тўғри фикри менга таъсир қилмади. Мен ўз фикримда қолдим. «Ўзингиз биласиз, — деди Иван Игнатьевич, — билганингизни қилинг. Бу ерда менинг гувоҳ бўлишим нима ҳожат? Қайси важдан? Нажот одам одамга қилич суғурса, ҳеч қаерда кўрганим йўқ бундай ишни. Худога шукур, турклар, шведлар билан бўлган урушларни кўрганман».

Мен секундантнинг вазифаси нима эканини бир амаллаб тушунира бошладим, аммо Иван Игнатьевич сира англамас эди. «Ихтиёрингиз, — деди у. — Бу ишга мен ҳам аралашадиган бўлсан, қалъада ҳукумат манфаатига қарши бадкорлик қилинмоқчи деб Иван Кузмичга бориб айтсан, жаноб комендант тегишли чора кўрсалар тузук бўлмасми...»

Мен чўчидим ва Иван Игнатьевичдан комендантга айтмаслигини сўрадим: зўреа кўндиридим: у менга сўз берди, мен ҳам уни гувоҳ қилишдан воз кечдим.

Кечани одаидагича, комендантнинг уйила ўтказдим. Уйдагиларни шубҳага солмаслик, безор қилувчи сўроқларига йўл қўймаслик учун ўзимни жуда шод ва бегам кўрсантишга ҳаракат қилдим; лекин иқор бўлаинки, менинг ўрнимда бошқа киши бўлганда, менга қараганда ортиқроқ совуқлонлик кўрсата оларди. Шу кечаси мен мулоим ва мўмин эдим. Марья Ивановна кўзимга одатдагидан яхшироқ кўринарди. Эҳтимол сўнг дафъа кўраётгандирман, деган ўй уни кўзимга аллақандай таъсирили қилиб кўрсатарди. Шу вақт Швабрин келди. Мен уни четга тортиб, Иван Игнатьевич билан сўзлашганимни айтдим. «Бизга секундантнинг нима кераги бор? Ишни гувоҳсиз ҳам битира оламиз», — деди у дўнғиллаб. Биз қалъа ёнидаги фарам орқасига ўтиб қиличбозлик қилишга ва эрталаб соат еттида ўша ерда ҳозир бўлишга қарор бердик. Биз, чамамда, шундай дўстона гаплашиб ўтиргандай бўлсан керакки, Иван Игнатьевич севинганидан вайсай кетди. — Ҳа, баракалла, мана шундай бўлиш керак, — деди у менга мамнуният билан, — яхши жанжалдан ёмон тинчлик яхши. Маломатдан кўра, саломат маъқул.

— Нима, нима, Иван Игнатьевич, — деди бурчакда карта билан фол очиб ўтирган комендантнинг хотини, — эшиitmай қолдим.

Иван Игнатьич, юзимдаги норозилик аломатларини күриб ва ўз ваъдасими хотирлаб, хижолат бўлди, нима деб жавоб беришни билмади. Швабрин уни хижолатдан чиқарди.

— Иван Игнатьич бизнинг ярашганимизни маъқуллаяпти, — деди у.

— Ким билан уришдинг, отагинам?

— Пётр Андреич билан айтишиб қолдик.

— Нима тўғрида?

— Арзимаган бир нарса тўғрисида, қўшиқ тўғрисида, Василиса Егоровна.

— Хўп нарса тўғрисида уришиблизлар да! Кўшиқ тўғрисида-я! Нима бўлиб уришдиларинг?

— Шундай бўлди: Пётр Андреич яқинда бир қўшиқ ёзган эди, бугун шуни менинг олдимда ўқиди, мен эса ўзим яхши кўрган қўшиқни айтдим:

Капитан қизи, эй капитан қизи,
Ярим кечак эмас томошо кези,

дедим. Орамизда гап қочди. Пётр Андреичнинг аччиғи келди; аммо кейинчалик ўзига келди — ҳар ким хоҳлаган қўшиғини айтишга ҳақли эканини билди. Шу билан гап тамом бўлди.

Швабриннинг юзсизлиги жонимни чиқараёди, аммо унинг қўпол киноясини мендан бошқа ҳеч ким фаҳмлади; тўғриси, ҳеч ким бу кинога эътибор қилмади. Кўшиқ қолиб, гап шоирлар тўғрисида кетди ва комендант уларин бузуқ, ёмон пиёнисталар деб, шоирлик хизматга зид ва яхшиликка олиб бормайдиган иш бўлгани учун бу ишдан қайтишни менга дўстларча маслаҳат берди.

Швабриннинг шу ерда ўтиришини кўтара олмадим. Кўп ўтирамай, комендант ва унинг оиласи билан хайрлашиб, кетдим; уйга келиб, қиличимни кўздан кечирдим, учининг ўткирлигини синааб кўрдпм ва Савельичга мени соат олтидан ўтганда уйготишни буюриб, ётдим.

Эрталаб, айтилган вақтда фарамнинг орқасида ҳозир бўлиб, душманимни кутдим. Кўп ўтмай у ҳам келди. «Устимизга одам келиб қолиши мумкин, тезроқ бўлайлик», — деди у. Мундирларимизни ечиб, енгиз камзул билан қолдик ва қиличларимизни қинидан суғурдик. Шу онда бирдан фарам орқасидан Иван Игнатьич билан беш инвалид чиқиб келди. У бизнинг комендант олдига боришимизни талаб қилди. Биз афсусланиб рози бўлдик; солдатлар бизни ўраб олди, Иван Игнать-

ичнинг кетидан қалъага қараб йўл солдик. Иван Игнатьевич бизни тантана билан олиб борар ва ўзи ҳайрон қоларли даражада фурур билан қадам ташларди.

Коменданнтинг уйига кирдик. Иван Игнатьевич эшикни очиб, тантанали суратда: «Олиб келдим!» — деди. Бизни Василиса Егоровна қарши олди: «Вой, болала-рим-эй! Бу нима деган гап-а? Бизнинг қалъамиизда хунрезлик! Иван Кузмич, ҳозир буларни қамоққа ол-дир! Пётр Андреич! Алексей Иванович! Қиличларингни беринглар! Палашка, бу қиличларни омборга элтиб қўй. Пётр Андреич! Ҳали сендан келган иш шуми? Уялмайсанми? Алексей Иванич-ку одам ўлдиргани учун гвардиядан ҳайдалган киши, у худога ҳам мункир, сен-га нима бўлди? Сен ҳам шунинг изидан бормоқчими-сан?»

Иван Кузмич хотинининг гапини маъқуллади ва: «Кулоқ сол, Васила Егоровна рост айтди. Дуэль ҳарбий қонунлар мажмуасида расман ман этилган», — деди. Бу орада Палашка қиличларимизни омборга олиб кетди. Мен ўзимни тия олмай кулиб юбордим. Швабрин ҳануз жиддият сақларди. «Мен сизни жуда ҳурмат қи-ламан, — деди у совуққонлик билан, — аммо шуни айттайки, бизни тергаб бекорга овора бўластирсиз. Бу ишни Иван Кузмичга ҳавола қилинг, Иван Кузмичнинг иши бу». — «Вой, отагинам! — деб эътиroz қилди хотин, — ахир эр билан хотин бир жон, бир тан эмасми? Иван Кузмич! Нега оғзингни очиб турибсан? Ҳозир икковини икки жойга қама, фақат нон билан сувгина берки, ўзига келсин; Герасим ҳазрат келиб икковини тавба-тазарру қилдирсинки, худодан гуноҳини тилаб, кишилар олдида қилмишига пушаймон бўлсин».

Иван Кузмич нима қилишини билмасди. Марья Ивановнанинг ранги ҳаддан ташқари оқариб кетган эди. Тўполон аста-секин босилди; коменданнтинг хотини жаҳлидан тушиб, бизни ўпишишга мажбур қилди. Палашка қиличимизни келтириб берди. Икковимиз ярашган бўлиб, коменданнтинг уйидан чиқдик. Иван Игнатьевич кетимиздан чиқди. — Коменданта айтмаслик ҳақида менга сўз бериб, яна айтгани уялмадингизми? — дедим койиб, «Худо урсин, — деди у — Иван Кузмичга айтганим йўқ. Василиса Егоровна мендан суриштириб, ҳамма гапни билиб олди. Коменданта айтмасданоқ ўзи буйруқ берди. Хайрият, иш шу билан бита қолди». У уйига бурилиб кетди. Швабрин икковимизгина қолдик. — Бизнинг ишимиз шу билан тамом бўл-

майды, — дедим. «Албатта, — деди Швабрин, — у номуссизлігингизга қон билан жавоб берасиз, бизни әхти-мол пойлашар. Бир неча кун ярашган бўлиб юришимиз керак. Хайр!» Гўё орамизда ҳеч гап бўлмагандай айрилишдик.

Комендантнинг уйига қайтиб, одатдагича, Марья Ивановнанинг ёнига ўтиридим. Иван Кузмич уйда йўқ; Валисиша Егоровна уй иши бишан овора эди. Икковимиз секин-аста гапиришиб ўтиридж. Швабрин билан жанжаллашиб ҳаммани ташвишга қўйгапимни Марья Ивановна юмшоқлик билан таъна қилиб, мени уялтириди. «Сизни Швабрин билан қиличбозлик қилишмоқчи деб эшитиб, жон-поним чиқиб кетди, — деди у. — Эркаклар ғалатия! Бир ҳафтадан кейин эсдан чиқиб кетадиган бир оғиз сўз учун қиличбозлик қилишга, ҳаётларинигина эмас, виждонларини ва баъзи... кишиларнинг роҳатини қурбон қилишга тайёр. Аммо жанжални сиз бошламаганингизга ишонаман. Айб Алексей Ивановичда.

— Нега шундай деб ўйлайсиз, Марья Ивановна?

— Шундай, ўзим... у шундақа одам! Алексей Ивановични ёмон кўраман. Ундан жирканаман; қизиқ: унинг ҳам мени ёмон кўришини сира-сира хоҳламайман. Юрагимни ваҳм босади.

— Қалай дейсиз, Марья Ивановна, у сизни яхши кўрармикин, ё йўқми?

Марья Ивановна дудуқланди ва қизариб: «Яхши кўрса керак, яхши кўради деб ўйлайман, — деди.

— Нега шундай деб ўйлайсиз?

— Чунки менга киши қўйган эди.

— Киши қўйган эди? У сизга киши қўйган эдими? Қачон?

— Утган йил. Сиз келмасдан икки ой бурун.

— Сиз кўнмадингизми?

— Кўнмадим. Алексей Иванович, албатта, ақлли киши, яхши авлоддан, бойлиги ҳам бор: аммо никоҳ маросимида ҳамманинг олдида у билан ўпишишни ўйласам... Йўқ, ҳеч бир! Ҳар қандай бўлса ҳам ўта берсин!

Марья Ивановнанинг сўзлари кўзимни очди ва кўп парсаларни англаиди. Унинг тўғрисида Швабрин нима учун шунчалик рийбат қилишини билдим. Балки у икковимизнинг бир-биримизга майлимиз борлигини билгандир ва бизни бир-биримиздан айирмоққа тиришгандир. Қўпол ва адабсиз масхаранинг замирида ўйланил-

ган, тагли бүхтон бор эканини билганимдан сүнг, иккөвимизнинг жанжалимизга сабаб бўлган сўз менга яна қабиҳроқ туюлди. Юзиз фийбатчининг таъзирини бериш хоҳиши менда яна ҳам авж олди ва сабрсизлик билан қулагай фурсатни кута бошладим.

Кўп кутмадим. Эртасига ғазал ёзиб, қофия устида ўйланиб ўтирганимда Швабрин деразамини тақиллатди. Мен қаламни қўйдим ва қиличимни олиб чиқдим. «Кейинга қўйишнинг нима кераги бор? — деди у, — бизни ҳеч ким пойлаётгани йўқ. Дарё бўйига тушамиз. У ерда ҳеч ким бизга халал бермайди». Индамасдан дарё бўйига қараб кетдик. Ён бағирликдан тушиб дарё бўйида тўхтадик ва қиличимизни қиндан суғурдик. Швабрин қиллчбозлилка мендан кўра устароқ экан, аммо мен унга қараганда бақувват ва дадилроқ эдим. Бир замонлар солдат бўлган француз мураббий Monsieur Болгре қиличбозликтан бир қадар таълим берган эди, шу олган таълимни ишга солдим. Швабрин мени унчалик хавфли душман деб ўйламаган экан. Анчагача бир-бirimizga ҳеч қандай шикаст етказа олмадик: пиҳоят, Швабриннинг дармони қуриғанини сезиб, мен шаҳдамлик билан ҳужум бошладим ва уни дарёнинг лабига қисиб бордим. Бирдан кимдир баланд товуш билан мени чақирди. Орқамга қайрилиб қарасам, тепаликдаги сўқмоқдан Савельич келяпти... Шу онда кўкрагимнинг ўнг ёғига, елкадан пастроққа қилич санчилди; йиқилиб, ҳушдан кетдим.

V боб

СЕВГИ

Эҳ, сен жон қиз, эй жонона қиз!
Эрга чиқма ёш чогингдан ҳеч;
Сўра аввал ота-онангдан,
Ота-онанг, уруғ-аймоқдан;
Ақлу хушинг етилсан, жон қиз,
Ақлу хушинг — сепинг бўлгуси.

Халқ қўшиғи

Мендан яхшини топсанг, унутиб қўярсан,
Мендан ёмонни топсанг, ёдга оларсан.

Бу ҳам

Бир вақт ўзимга келиб, анчагача эс-ҳушимни йиголмадим ва менга нима бўлганини билмадим. Қарасам:

бировнинг меҳмонхонасида каравотда ётибман, жуда дармонсизман. Ёнимда қўлида шам билан Савельич турибди. Кимdir елкам аралаш кўкрагимга боғланган латтани авайлаб ечар эди. Секин-секин ҳушим жойига келди. Дуэлга чиққаним ёдимга тушди, билдимки, ярадор бўлибман. Шу онда ғийт этиб эшик очилди. «Ҳа, қалай?»— деди кимdir пичирлаб. Бу товушни эшишиб, мени титроқ босди. — Бир хилда, — деб жавоб берди Савельич оҳ тортиб, — беш кечаю-беш кундуз бўлди ҳушига келмайди. — Мен эшикка томон ўгирилмоқчи бўлдим, аммо дармоним етмади. — Қаерда ётибман? Қим булар? — дедим зўрға. Марья Ивановна ёнимга келди ва энгашиб: «Қалай, тузукмисиз?» — деди. — Шукур дедим заиф товуш билан. — Марья Ивановна мисиз? Менга айтинг... — Гапиргани дармон бўлмади. Савельич севинчидан оҳ тортиб юборди. Чиройи очи-либ кетди. «Ҳушига келди! Ҳушига келди! — деди у. — Худога шукур! Э, отагинам Пётр Андреич! қўрқитдинг-ку мени! Осонми! Беш кечаю-беш кундуз-а!.. Марья Ивановна унинг сўзини бўлди. — «Қўп галга солма, Савельич, ҳали дармони йўқ», — деди. У секин эшикни ёпиб чиқиб кетди. Юрагим ҳовлиқди. Демак, комендантнинг уйида ётибман экан, олдимга Марья Ивановна кирибди. Савельичдан баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим, у, бошини чайқаб, қулоқларини бер-китиб олди. Хафа бўлиб, кўзимни юмдим ва уйқуга кетдим.

Уйқудан уйғониб Савельични чақирдим: қарасам — унинг ўрнида Марья Ивановна турибди; у малакдек то-вуш билан мени қутлади. Шу минутдаги шодлигимни ифода этолмайман. Унинг қўлини ушладим ва кўзим-дан ёш тўкиб, бағримга босдим. Маша қўлини тортиб олмади... Бирданига унинг иссиққина лаби юзимга тег-ди, мен юмшоққина бўса олганини сездим. Вужудим-га ўт туташди, — Севикли, марҳаматли Марья Ива-новна, — дедим менинг саодатли бўлувимга рози бўл, менга тег. — У чўчиб кетди. «Худо ҳақи ўзингизни уринтирунганг, — деди қўлини тортиб. — Ҳали аҳволин-гиз оғир: жароҳатнинг очилиш эҳтимоли бор. Ҳеч бўл-маса менинг учун ўзингизни эҳтиёт қилинг». Шу сўзни айтиб чиқиб кетди, мен завққа кўмилганимча қолдим. Баҳт мени қайтадан тирилтириди. У менинг хотиним бўлади! У мени севади. Бу фикр борлигимни тўлдириди.

Шундан сўнг кундан-кун тузала бошладим. Мени полк сартароши¹ даволарди, чунки қалъада доктор йўқ эди. Ёшлиқ ва табиат соғайишмни тезлатди. Комендантнинг бутун оиласи менга қарашар эди. Марья Ивановна ҳамиша ёнимда. Турган гаңки, қулай фурсат бўлиши биланоқ мен у сафар айтиб битирмаган дардимни яна бошлардим. Марья Ивановна ҳам сабр билан қулоқ солди. У менга чин кўнгилдан мойил эканига ҳеч қандай карашмасиз иқрор бўлди ва ота-онаси унинг бахтига албатта хурсанд бўлажакларини билдириди. «Аммо хўп ўйлаб кўринг, — деди у яна, — сизнинг ота-онангиз тўсқинлик қилишмасмикан?».

Ўйлануб қолдим. Онамнинг кўнгилчанлигига шубҳаланмас эдим; аммо отамнинг феъли, тушунчаси ўзимга аёи бўлганидан, бу муҳаббатимни писанд қилмаслигини, бу муҳаббатга ёш йигитнинг енгиллиги деб қарашни сезиб турар эдим. Марья Ивановнага тўғрисини айтиб бердим, шундай бўлса-да, ота-она розилигини сўраб отамга мумкин қадар чучук тил билан мактуб ёзишга қарор қилдим. Хатни ёзиб, Марья Ивановнага кўрсатдим, хат унга шу қадар ишонтиарли ва таъсирили кўриниди, бунинг муваффақият қозонишига аниқ ишонди ва ўйлик, муҳаббатнинг тўла ишончи билан латиф юрак ҳиссиётига берилди.

Тузалганимнинг биринчи куниёқ Швабрин билан ярашдим. Иван Кузмич дуэлга чиққаним учун танбеҳ бериб: «Эҳ! Пётр Андреич! Сени қамаб қўйишим керак эди ю, усиз ҳам жазонгни тортдинг. Алексей Иванич ҳануз нон дўконида қамоқда ўтириби, қиличини Василиса Егоровна сандиққа солиб, қулфлаб қўйди. Қамоқда ўтира берсин, ўйлаб кўрсин, пушаймон бўлсин», деди. Мен шу қадар бахтиёр эдимки, кўксимга душманлик адовати сиғмас эди. Комендантдан Швабринни озод этишини сўрадим, комендант бечора, хотинининг розилигини олиб, уни озод қиласиган бўлди. Швабрин менинг олдимга келди, орамизда ўтган ишларга зўр таассуф билдириди: ҳар жиҳатдан ўзининг гуноҳкор эканига иқрор бўлиб, ўтган ишларни унтишимни сўради. Табиатимда зотан гина сақлаш одати бўлмаганидан, орада ўтган жанжални унинг ярадор қилганини кўнглимдан чиқардим ва чин кўнгилдан афв этдим. Унинг бўхтони-

¹ Эски вақтда сартарош доктор вазифасини ҳам бажарар, қон олар, зулук солар эди.

га иззат-нафси нинг ҳақоратланиши, муҳаббатининг рад этилиши сабаб бўлгани учун олижаноблик билан баҳтсиз душманимнинг гуноҳидан ўтдим.

Тез фурсатда соғайдим, ўз уйимга кўчдим. Юборган мактубимга жавобни сабрсизлик билан кутар эдим, умид қилишга ботина олмайман, «йўқ» дермикин деган ўйга бориб, бу қайфуни ютишга тиришар эдим. Василиса Егоровна ва унинг эрига ҳали дардимни айтганим йўқ; аммо менинг таклифим уларни ҳайрон қолдирмаслиги керак эди. На мен, на Марья Ивановна улардан ўз ҳиссимишни яширишга уринмас, уларнинг розилик беришларига ҳозирданоқ ишонар эдик.

Ниҳоят, бир куни эрталаб Савельич, менинг олдимга хат кўтариб келди. Қалтираб хатни олдим. Адрес отам қўли билан ёзилган. Бу муҳим бир ҳодисадан дарак берар эди, чунки одатда хатни онам ёзар, отам бўлса охирiga бир неча сатр қўшимча қиласди, холос. Талай вақтгача хатни очмадим, конверт устига ёзилган тантанали адресни қайта-қайта ўқидим: «Ўғлим Пётр Андреевич Гринёвга, Оренбург губернаси, Белогор қалъаси». Конверт устидаги ёзувдан мактубнинг қай руҳда ёзилганини билишга тиришдим; охири, хатни очишга қарор бердим ва дастлабки сатрлардан кўрдимки, иш расво. Хат шу мазмунда эди:

«Ўғлим Пётр! Мироновнинг қизи Марья Ивановнага уйланиши хусусида биздан розилик ва ота-она фотиҳасини сўраб ёзган мактубинг шу ойнинг ўн бешинчисида тегди, бунга на фотиҳа, на розилик бериш ниятим бор, балки ўзим бориб, офицерлик мансабинг бўлишига қарамасдан шўхликларинг учун ёш бола тарзида таъзирингни бермоқчиман; чунки сен ҳали қилич тақишига муносиб эмаслигингни исбот қилдинг; у қилич сенга, ўзингга ўҳшаган беадаб билан дуэлга чиқиш учун эмас, балки ватанни мудофаа қилиш учун марҳамат қилинган. Андрей Қарловичга, сени Белогор қалъасидан йироқроқ, сенга ақл кирадиган бирон ерга юборишини сўраб, тўхтовсиз хат ёзаман. Дуэлга чиққанингни ва ярадор бўлганингни онанг эшитиб, оғриб олди, ҳозир ётибди. Шу ҳолинг билан нима бўлар эдинг? Худодан сенга инсофтилайман, аммо унинг буюк марҳаматига умид қилолмайман.

Отанг А. Г.»

Бу хатни ўқиб, менда турли ҳислар қўзғалди. Отам мендан дариф тутмаган қаттиқ иборалар менга катта

ҳақорат бўлиб тушди. Марья Ивановна хусусида андешасизлик билан айтилган сўзлар ноҳақ бўлганидай назокатсизлик ҳам бўлиб туюлди. Белогор қалъасидан бошқа ерга юборилишим тўғрисидаги ўй мени ваҳимага солар, аммо ундан ҳам кўра онамнинг бетоблиги ҳақидаги хабар мени хафа қиласди. Савельичдан қаттиқ хафа бўлдим, менинг дуэлга чиққанимни ҳеч шубҳасиз шу ёзган, деб ўйладим. Тор уйда нари-бери юриб, уйнинг ўртасида тўхтадим-да. Савельичга дўқ аралаш: — Сенинг туфайлингдан ярадор бўлиб, бир ой ўлим тўшагида ётганим сенга камлик қилганга ўхшайди; энди онамни ҳам ҳалок қилмоқчи бўлибсан. — дедим. Савельич данг қотиб қолди. «Марҳамат қилинг, бегим, — деди у йиглаб юборгундай бўлиб, — нима деяётисан? Сенинг ярадор бўлишингга мен сабаб бўлдимми? Сен билмасанг, худо билади, мен сени Алексей Ивановичнинг қиличидан кўкрагим билан сақлагани югуриб борган эдим! Лательнати кексалик халал берди. Волидангга нима қилибман?»

— Нима қилибман? — деди мен. — Менинг тўғрилдида чақимчилик қилишини ким сендан сўради? Хали сен жосуслик қилиш учун менинг ихтиёrimга берилгани мисан? «Мен сенинг тўғрингда чақимчилик қилибманми? — деди Савельич кўз ёши билан. — Ё раббиоламни! Мана, барин менга нима деб хат ёзганларини ўқиб кўр: қандай чақимчилик қилганимни кўрарсан». Хатни чўнтағидан-чиқариб, менга берди. Хат шундай ёзилган эди:

«Қаттиқ фармойишинга қарамасдан ўғлим Пётр Андреич хусусида менга маълумот бермаганинг, унинг шўхликлари ҳақида ўзга кишининг мени хабардор қилгани сенга уят эмасми, қари кўпнак! Уз вазифанг ва хўжайнинг амрини сен ҳали шу хилда бажарасанми? Ҳақиқатни яширганинг, ёш йигит гуноҳ қилганда унинг тарафини олганинг учун сен қари итни чўчқа боққани юбораман. Шу хатни олганинг ҳамон унинг аҳволи, қаेридан ярадор бўлгани, тузуккина даволашдими, йўқми экани ҳақида хат ёзишни буюраман. Бошқалар Пётр тузалиб қолган деб ёзадилар».

Савельичда ҳеч гуноҳ йўқлиги очиқ маълум бўлди. Бекор ундан шубҳаланиб, қаттиқ гапириб, дилини оғритибман. Афв сўрадим, аммо чол таскин топмади. «Қандай кунларга қолдим, — деди у; — хўжайнларимдан кўрган илтифотим шу бўлдими! Мен ит ҳам, тўнғиз бо-

кувчи ҳам бўлдим, эди ярадор бўлишнинг сабабчи ҳам бўлдимми? Йўқ, отагинам Пётр Андреич! Менда эмас, ҳамма гуноҳ лаънати француз мураббийда; сенга қиличбозликни ўша ўргатган. Қиличбозликни билан ёвуз кишидан сақланиб бўлар эками! Ортиқча чикимдор бўлиб, шу французни ёллаш мунча зарур экан!»

Менинг юриш-туришим ҳақида отами ким хабардор қилган бўлса? Генералми? У менинг тўғримда уча ғам смаса керак; Иван Кузмич эса дуэлга чиққаним ҳақида ранорт беришини яозим ҳам кўрмайди. Бошим қотди. Бир гумон Швабрии. Отамга бу тўғрида маълумот беришдан ўшагина манфаатдор, чунки натижада менинг қалъадан кетишим ва комендант оиласи билан алоқани узишим эҳтимол. Бу гапларни айтгани Марья Ивановнанинг олдига бордим. У кўча эшиги олдидаги айвончада ўтирган экан. «Нима бўлди сизга? — деди у мени кўриб. — Рангингизда ранг қолмабди?» — Бутун ишлар чаппасига кетди! — дедим ва отам ёзган хатни унинг қўлига бердим. Унинг ҳам ранги ўчи. Хатни ўқиб титраётган қўли билан менга узатди ва титраган товуш билан деди: «Толеим йўқ экан... Ота-онангиз мени ўз оиласирига олишни истамайдилар. Ҳар иш худонинг иродаси билан бўхади! Иложимиз йўқ, Пётр Андреич; ҳеч бўлмаса сиз баҳтли бўлинг...» — Бу мумкин эмас! — дедим унинг қўлидан ушлаб: — сен мени севасан; мен ҳеч нарсадан қайтмайман. Юр, икковимиз сенинг ота-онанг оёғига йиқилайлик; улар содда одамлар, тош юракли такаббур эмас... Улар рози бўлишади, никоҳланамиз.. Менинг отами бўлса вақти билан кўндиришимизга кўзим етади; онам бизнинг тарафимиизни олади, отам менинг гуноҳимдан ўтади.. «Йўқ Пётр Андреич! — деди Маша, — ота-онангизнинг розилиги бўлмасдан сизга тегмайман. Улар фотиҳа бермасдан баҳтингиз ўнгмайди. Худонинг иродасига бўйин эгамиз. Насиб қилган бирон қизни топсангиз, уни яхши кўрсангиз. — худо йўлингизни берсин, Пётр Андреич; мен эса икковларинг учун...» — у йиғлаб юборди ва ўринидан туриб кетди; мен унинг кетидан ўйга кирмоқчи бўлган эдим, ўзимни тута олишга кўзим етмай, ўйимга қайтиб кетдим.

Уйда чуқур хаёлга чўмиб ўтирган эдим, Савельич кириб, ўйимни бўлди. «Мана бегим, — деди у қўлимга бир хат бериб, — кўр-чи, мен ўз бегим тўғрисида чақимчилик қилибманми, ота билан боланинг орасини бузмоқчи

бўлибманми?» Хатни қўлимга олдим; бу Савельичнинг отам хатига жавоби бўлиб, айнан мана шундай ёзилган эди.

«Марҳаматли қиблагоҳимиз,
султоним Андрей Петрович!

Юборган илтифотномангиз тегди. Бунда қулингизни ғазаблаб, хўжа амрини бажо қиласлик уят сенга дебсиз; мен қари ит эмас, содиқ қулингизман, хўжа амрини бажо этаман ва сизга ҳамма вақт жон-дил билан хизмат қилдим, шу йўлда соч-соқолим оқарди. Сизни бекорга қўрқитмай деб, Пётр Андреичнинг ярадор бўлгани ҳақида индамадим ва, эшитишимга қараганда, онамиз Авдотья Васильевна қўрқиб бетоб бўлибдила, дуойи жонларини қиласман. Пётр Андреич елкадан пастроқ еридан ярадор бўлган эди, жароҳатнинг чуқурлиги бир ярим вершок; Пётр Андреич комендантнинг уйиди ётди, биз уни дарё бўйидан шу ерга олиб келган эдик, уни шу ерлик сартарош Степан Парамонов даволади; худоға шукур, Пётр Андреич энди тузалиб қолди, унинг тўғрисида хушхабардан бўлак ҳеч гап йўқ. Эшитишимга қараганда командирлар ундан маминун. Василиса Егоровна эса уни ғўз ўғлидаӣ кўради. Уншиг иттифоқо шундай бир хатога бориши ёш йигит учун таъна қиласларни эмас тўрт оёқли от қоқинади-ю. Мени «чўчқа боқишга юбораман» дебсиз, ҳарна қиласангиз қиласнз; қулларча бўйин эгаман.

Содиқ қулингиз *Архип Савельев*

Бечора чолнинг хатини ўқиб, бир неча бор жилмайишдан ўзимни тутолмадим. Отамнинг хатига хат қайтаргани дармоним йўқ эди, онамни тинчтиш учун эса Савельичнинг хати кифоядек кўринди.

Мана шундан сўнг ҳолатим ўзгарди. Марья Ивановна деярли мен билан гапиришмас, турли баҳоналар қилиб бўлса ҳам мендан қочишига тиришарди. Командантнинг уйидан кўнглим қолди. Ўзим якка уйда ўтиришга аста-секин кўнишиб бордим. Василиса Егоровна аввалилари мендан ўлкалади; кейин, менинг қайсарагимни кўриб, индамай қўйди. Иван Кузмич билан фақат хизмат вожидан зарур бўлгандагина кўришар эдим. Швабрин билан ҳар замонда бир, ўшанда ҳам хушламасдан кўришар эдим, чунки ичидан менга душман эканини сезардим, бу менинг шубҳаларимни тасдиқларди. Турмушим оғирлашиб кетди. Ёлғизлик ва бекорчилик мени

қайгули ўйчапликка солиб қўйди. Ёлғиз қолган чоғларимда муҳаббатим оловланар ва борган сайин менга оғирлик қиласарди. Китоб ўқишига, адабиётга иштиёқим қолмади. Руҳим тушди. Ё ақлдан озаман, ё бузилиб кетаман, — деб қўрқар эдим. Бутун ҳаётимга муҳим таъсир қилган тасодифий ҳодиса бирданига ғуҳимни зўр, қўрқинчли қайғуга солди.

VII боб

ПУГАЧЁВ ҚЎЗГОЛОНИ

Сиз, ёш-яланглар, қулоқ солғайсиз,
Биз, кекса чоллар налар сўйлаймиз.

Қўшиқ

Ўз қўзим билан қўрганим ажойиб ҳодисаларнинг тасвирига киришмасимдан бурун, 1773 йилнинг охирларида Оренбург губернаси қай аҳволда бўлганини бир неча оғиз сўз билан айтиб ўтишим керак.

Бу кенг ва бой губернада яқиндагина рус ҳокимилигини таниган жуда кўп ярим ваҳший халқлар яшайди. Уларнинг дам-бадам қўзғолон кўтаришлари, қонунга ва гражданлик ҳаётига ўрганмасликлари, енгилтаклик ва раҳмсизликлари уларни итоат қилдириш учун ҳукумат томонидан доимий назорат этишни талаб қиласди. Қалъалар ўнгай деб топилган ерларга солинган ва уларга Ёниқ дарёси қирғоқларини кўпдан бери эгаллаган казаклар ўрнаштирилган. Лекин бу ўлканнинг тинчлигини ва хавфсиэлигини сақлаш учун маъмур этилган бу казакларнинг ўзлари бирмунча вақтдан буён ҳукуматни безовта қилиб, хавф түғдириб келар эдилар. 1772 йилда уларнинг марказий шаҳарчасида¹ ғалаён кўтарилилган. Бунга аскарларни етарли даражада итоат қилдириш учун генерал-майор Траубенберг² қўлланган шиддатли чоралар сабаб бўлган. Натижада Траубенберг ваҳшиёна суратда ўлдирилган, ўлкани идора этиш тартибида ўзларича ўзгаришлар вужудга келтирсанлар ва оқибат

¹ Екатерина томонидан йўрол деб ном берилган шаҳар.

² Пугачёв қўзғолонигача Ёниқ казаклари ва Оренбург ўлкасида яшовчи халқлар орасида кўтарилилган қўзғолонларни «босиш»да энг бераҳм бўлган генералларнинг бири.

құзғолон қурол кучи ва қаттиқ жазолар билан бостирилган.

Бу ҳодиса мен Белогор қалъасында келмасдан бир-мунча вақт илгари бүлган. Мен келганды жимжитлик ёки шунга ўхшаш бир ҳол ҳукм сурар әди; ҳукумат амалдорлари айёр құзғолончиларнинг ёлғондакам тауба-тазарруларига учғанлар, ҳолбукі, улар ичларидан кек сақлаб, яна тартибсизлик бошлаш учун қулай фурратни кутар эканлар.

Мен яна ұз ҳикоямға ўтаман.

Бир күн кечқурун (1773 йилнинг октябрь ойи бошларында) куз шамолининг гувиллашини эшитиб, қора булат парчаларининг ой ёнідан сузиб ўтишига деразадан қараб, уйда якка үзим ўтирадым. Комендантдан менга одам келди. Мен дархол йўлга тушдим. Комендантнинг уйда Швабрин, Иван Игнатьевич ва бир казак ўнбошиси ўтиришган экан. Уйда Василиса Егоровна ҳам, Марья Ивановна ҳам йўқ әди. Комендант мен билан ташвишманд қиёфада кўришди. У эшикни қулфлади, кираверишда турган ўнбошидан бошқа ҳамманн ўтқизди-да, чўнтағидан бир қофозни олиб, деди: «Жаноб офицерлар, муҳим янгилик! Генерал ёзган хатга қулоқ берингиз!» У, кўзойнагини тақиб, хатни ўқиди:

«Белогор қалъасининг комендантти жаноб капитан Мироновга.

«*Махфий*»

Ушбу билан маълум қиласанки, қамоқдан қочган Дон казаги фитначи Емельян Пугачёв ёмон адабсизлик қилиб, ўзига марҳум император Пётр III номини берган ва ўз атроғига бадкорлардан иборат шайка тўплаб, Ёйиқ қишлоқларидага ғалаён кўтарган, ҳамма жойда талончилик қилиб ва одам ўлдириб, ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча қалъани қўлга олган ва ҳароб қилган. Шуининг учун ушбу хатни олганингиз ҳамон, сиз, жаноб капитан, тезлик билан юқорида айтилган бадкор ва хоиннинг ҳужумини даф қилиш учун лозим бўлган тадбирларни кўргайсиз, агар сизга топширилган қалъага ҳамла қилса, тамом маҳв этиш иложини кўргайсиз».

«Лозим бўлган тадбирларни кўргайсиз!—деди комендант кўзойнагини олиб, хатни буклаб.—Айтмоққа осон. У бадкор зўрга ўхшайди; ишониб бўлмайдиган

казакларни ҳисобламаганда, ҳаммаси бўлиб бир юз ўттиз нафар одамимиз бор, сенга тегизиб айтаётганим йўқ, Максимич (ўнбоши кулиб қўйди). Бироқ на чора, жаноб офицерлар! Тайёр бўлишгдар, тунги қоровуллар қўйинглар; ҳужум бўла қолса дарвозани ёпиб солдатларни чақиринглар. Сен, Максимич, ўз казакларингга ҳазир бўл. Тўпни кўриб, яхшилаб тозалаш керак. Ҳаммадан ҳам кўра бу хабарни махфий сақлаш лозим, буни қалъада ҳеч ким барвақт билмасин».

Шу буйруғини айтиб, Иван Кузмич ҳаммамизга жавоб берди. Қомендантнинг уйидан янги хабарни муҳокама қила-қила, Швабрин билан бирга чиқдик.— Сенингча бу ишнинг охири нима бўлар экан?— дедим. «Худо билади, — дей жавоб берди у;— кўрамиз. Ҳозирча фавқулодда бир нарса йўқ. Агарда...» у ўйланиб қолди ва паришон бўлиб, французыча бир куйни ҳуштак ёнлан чала бошлиди.

Эҳтиёткорлигимизга қарамай, Пугачёвнинг пайдо бўлгани ҳақидаги хабар бутун қалъага тарқалди. Иван Кузмич ўз рафиқасини жуда ҳурмат қилса-да, ҳеч вақт хизматга оид сирни унга айтмас эди, у генералнинг ҳаттини олгач, гўё Герасим ҳазратга Оренбургдан жуда ажойиб, махфий бир хабар келган эмиш, деб Василия Егоровнани жуда усталик билан Герасим ҳазратникига юборган; Василиса Егоровна шу ондаёқ попникига отланган ва Иван Кузмичнинг маслаҳати билан, бу ерда зерикиб қолмасин деб. Машани ҳам олиб кетган.

Иван Кузмич, ўзи ёлғиз қолиб, дарҳол бизга одам юборган. Палашкани эса, гап пойламасин деб, омборгә қамаб қўйган.

Василиса Егоровна поп хотинидан ҳеч қандай янги хабар эшифтмай қайтган; у уйга келиб билсаки, Иван Кузмич кенгац үтказибди. Палашкани омборга қамаб қўйибди. Василиса Егоровна эри алдаганини фаҳмлаб, текшира кетган. Аммо Иван Кузмич сўроқдан тап тортмай, рафиқасининг саволларига дадил жавоб бераверган: «Биласанми, азизим, хотинлар печкага похол ёқадиган бўлишибди, бундан бирон фалокат чиқмасин деган ниятда похол эмас, шоҳ ва пайраҳа ёқинглар, деб қаттиқ буйруқ бердим». — Нега бўлмаса Палашкани қамаб қўйдинг? Нима учун бечора қиз биз қайтиб келганимизгача омборга қамалиб ётибди?— деб сўрабди хотини. Иван Кузмич бундай саволга жавоб беришга тайёрланмаганидан, жуда ҳам ёпишмаган бир важ қилиб-

ди. Василиса Егоровна эрининг макрини пайқабди; аммо ундан бир гап чиқишига кўзи етмасдан, ортиқ гап ковламай қўя қолибди ва Акулина Памфиловнанинг фалати усул билан тузлаган бодринги ҳақида сўз очибди. Василиса Егоровна шу кечаси сира ухлаёлмабди, ўзи билолмаган, эри ундан яширган сирнинг нима эканлигини ҳеч ўйлаб тополмабди.

У, эртаси кун тушки ибодатдан қайтаётib, йўлда Иван Игнатъични кўрибди; у замбаракни, болалар ўйнаб тўлғизган латта-путта, хас-хашакдан тозалаётган экан. «Бу ҳарбий тайёргарликнинг маъноси нима? Наинки қирғизлар хужуми кутилса? Наҳотки, Иван Кузмич шу арзимаган нарсани мендан яширган бўлса?» деб Василиса Егоровна ўйлабди-да, била олмай хуноб бўлган сирни билишга аҳд қилиб, Иван Игнатъични чақирибди.

Худди суд айборни гафлатда қолдириш учун, сўроқни ишга алоқаси бўлмаган саволлар билан бошлагандай, Василиса Егоровна ҳам Иван Игнатъичга уй ишига оил бирмунча таибсҳлар қи... Сўнгра, айдак туриб чуқур уф тортган-да, бош чайқаб: «Худованди карим! Бу қандай янги гаплар! Бунинг охири нима бўлар экан?»— дебди.

— Онажон,— дебди Иван Игнатъич.— Худо пошшо: солдатларимиз етарли, ўқ-дори қўп, замбаракни созлаб қўйдим. Пугачёвнинг бир таъзирини берайликки! Худо бермаса, тўнғиз емайди.

— Бу Пугачёв қандай одам экан ўзи?— деб сўрабди комендантнинг хотини.

Иван Игнатъич сирни айтиб қўйганини билиб, тилини тишлаб қолибди. Бироқ бўлар иш бўлган.

Василиса Егоровна, ҳеч кимга оғзимдан чиқармайман деб, бутун сирни айтишга мажбур қилибди.

Василиса Егоровна ўз сўзида турибди ва бу сирни попнинг хотинидан бошқа ҳеч кимга айтмади, ўшанга ҳам унинг сигири далага ўтлагани боргандада бадкорлар ушлаб олишмасин, деб айтибди.

Ҳадемай Пугачёв тўғрисида дув-дув гап бўлиб кетди. Ҳар ким ҳар хил гапиради. Комендант қўшни қишлоқлар ва қалъалардаги аҳволни яхшилаб билиб келгани ўнбошини юборди. Ўнбоши икки кундан кейин келди ва даштда, қалъадан олтмиш чақирим йироқликда, жуда қўп ўт-олов кўрганини, бошқирдлардан сўраганида номаълум бир куч келаётганини айтганликларини хабар қилди. Аммо тузукроқ хабар топиб

кела олмади, чунки нарироқ боргани юраги бетла-
мабди.

Қалъадаги казаклар орасыда одатдан ташқари ҳая-
жон бошланды; күчаларда түп-түп бўлиб, ўзаро секин-
секин сўзлашар ва драгунни ёки гарнizon солдатини
кўрганда тарқалишар эди. Буларнинг орасига воқеа-
навислар юборилди. Юлай деган чўқинган қалмоқ ко-
мендантга муҳим хабар топиб келди. Унинг сўзича, ўн-
боши ёлғон гапирган, бу маккор казак қайтиб келгани-
дан сўнг ўз ўртоқларига қўзголончилар орасига борга-
нини, уларнинг саркорига қўл берганини, унинг қўлини
ўпиб, узоқ ҳамгап бўлганини айтган. Комендант ўнбо-
шини дарҳол қамади ва Юлайнин унинг-ўрнига тайинла-
ди. Бу хабарни казаклар очиқ норозилик билан қарши
олдилар. Комендантнинг буйруқларини ижро этувчи
Иван Игнатьевич уларнинг «Ҳай, гарнizon каламуши, кўр-
гилигингни кўрасан!» деганларини ўз қулоғи билан
эшитди. Комендант ўнбошини шу куннинг ўзида сўроқ
қилмоқчи бўлди; бироқ ўнбоши, ўз ҳамфирларининг
ёрдами билан бўлса керак, қочиб кетди.

Бошқа бир ҳодиса комендантни яна бешбаттар таш-
вишга солди. Бир бошқирд яширин хитобномалар би-
лан тутилди. Шу муносабат билан комендант ўз офи-
церларини яна чақирмоқчи бўлган ва бунинг учун яна
Василиса Егоровнани бир баҳона билан бирон ёққа
юборишини истаган. Бироқ Иван Кузмич соғ дил ва тўғ-
ри одам бўлганидан, илгари бир марта ишлатган ба-
ҳонасидан бошқа баҳона тополмаган.

— Менга қара, Василиса Егоровна,— дебди у йўта-
либ,— Герасим ҳазрат шаҳардан...— Қўй ёлғонингни,
Иван Кузмич,— дебди хотини унинг сўзини кесиб,—
сен кенгаш чақириб, Емельян Пугачёв тўғрисида мен-
сиз музокара қилмоқчисан; бу сафар мени алдай ол-
майсан!— Иван Кузмич ҳайрон бўлиб, бақрайиб қолиб-
ди. «Э азизим, — дебди у,— агар ҳамма гапдан боҳа-
бар бўлсанг, кетмасанг ҳам бўлади; сенинг олдингда
ҳам сўйлашаверамиз».— Ҳа, баракалла,— деб айтибди
хотини,— ҳийлакорликни сен эплай олмайсан; офицер-
ларга одам юбора бер.

Яна ҳаммамиз тўпландик. Иван Кузмич хотинининг
олдида бизга қандайдир чаласавод казак қўли билан
ёзилган Пугачёвнинг хитобномасини ўқиб берди. Бу
ўғри тездан бизнинг қалъага юриш бошлаш ниятида
эканини эълон қилган; казаклар ва солдатларни ўз

шайкасига чақырган, қаршилик күрсатмасликни қўмон-
донларга таклиф этган, акс ҳолда, ўлдиражак эканини
билдирган. Хитобнома дағал, аммо кучли таъбирлар
билин ёзилган, содда одамларни ваҳимага солиши
мумкин эди.

— Бу алдамчини қаранг! — деди комендантниң хотини. — Бизга яна нималар таклиф қилмоқчи экан! Қаршиисига чиқиб, байроқларни оёғи остига қўйсак-а! Вой итвачча-эй! Наинки, бизнинг қирқ йилдан бўён хизматда эканимизни, худога шукур, кўпни кўргакимизни билмаса? Наҳотки шу ўғрининг сўзига қулққ соладиган командирлар топилса?

— Топилмаса керак,— деди Иван Кузмич.— Хабарларга қараганда, бадкор кўл қалъаларни олган эмиш.

— Ростдан ҳам кучлига ўхшайди,— деди Шевбрин.

— Унинг чиақам кучини ҳозир биламиш,— деди комендант.— Василиса Егоровна, омборнинг калитини бер. Иван Игнатьевич, бошқирдни олиб кел-чи; кейин Юлайга айт, гаврон келтирсинг.

— Шошма, Иван Кузмич,— деди хотини, ўрнидан тураётib. Мен Машани олиб чиқиб кетай; дод овозини эшигса қўрқади. Тўғрисини айтсан, уриб сўроқ қилишга ўзимнинг ҳам ҳушим йўқ. Яхши қолинглар.

Сўроқ чоғида уриш илгариги вақтда суд ишларига шундай сингиб кетган эдикни, уни йўқ қиласидиган хайрли фармон¹ узоқ замон таъсирсиз қолди. Илгариги вақтда гуноҳкорнинг фош этилиши учун ўзининг иқорор бўлиши зарур деб ўйлашган; бу фикр асоссизгина эмас, ҳаттоки, соғлом ҳуқуқий тушунчага тамоман зиддир, чунки агар гуноҳкорнинг тониши унинг гуноҳсиз эканига исбот деб қабул қилинмаса, у ҳолда гуноҳкорнинг иқорор бўлиши унинг гуноҳкор эканига яна ҳам кучезроқ далил бўлиши керак. Бу ваҳшиёна таомилнинг йўқотилишига норози бўлган қадимги судлар бор эканини ҳатто ҳозир ҳам эшитиб юраман. Бизнинг замонда эса уриш зарур эканлигига судлар ҳам шубҳа қилмаганлар, гуноҳкорлар ҳам. Шунинг учун комендантнинг буйруғи ҳеч қайсимизни ҳайрон қолдирмади, ташвишга қўймади. Иван Игнатьевич бошқирдни олиб келгани кетди. У калити Василиса Егоровнада юрадиган омборда

¹ Сўроқ вақтида уришни йўқотиш тўғрисида Александр I томонидан чиқарилган фармон. Бу фармондан кейин ҳам подшо жадармлари ва терговчилари калтаклашни давом эттиргандар.

эди. Бир неча минутдан кейин асир даҳлизга келтирилди. Комендант ичкарига олиб киришни буюрди.

Бошқирд остонадан зўрга ўтди (унинг оёғига ёғоч кишин солинган эди) ва чўзинчоқ қалногини қўлига олиб, эшик ёнида тўхтади. Афтига қараб, сесканиб кетдим. Бу киши умр бўйи ёдимдан кўтарилилмас. У етмишлардан ошган, на бурни бор, на қулоқлари. Сочи қирдирилган; соқол ўрнида бир неча оқ мўй осилиб туради; пакана, ориқ ва буқчайган: аммо қисиқ кўзлари ҳали чақнаб туради. «Эҳе!— деди комендант, унинг қўрқинчли белгиларидан 1741 йилда жазоланган исёнчилардан бирни эканинни билиб.— Сен қари қашқир, бизнинг қопқонимизга бир марта тушгансан дейман. Қулоқ, бурнинг кесилганидан маълумки, қўзғолонга энди қўшилган эмассан. Қани, берироқ кел-чи; айт, сени ким юборди?»

Қари бошқирд индамади ва комендантга бўзрайиб қаради. «Нимага индамайсан?— деди Иван Кузмич:— ё русча билмайсанми? Юлай ўз тилингда сўра-чи, буни бизнинг қалъага ким юборди экан?»

Юлай Иван Кузмичнинг саволини татар тилида тушуптириди. Лекин бошқирд унга ҳам худди боягидай қараб, бир оғиз ҳам жавоб бермади.

«Хўп, яхши,— деди комендант:— тилингни чиқариб қўяман! Йигитлар! Бунинг бемаъни ола чопонини ечиб, уринглар. Юлай, ўхшатиб адабини бер!»

Иккى инвалид бошқирдни ечинтира бошлади. Бечоранинг юраги ҳовлиқди. У, болалар қўлига тушган жонигвордай жавдираб атрофга қаради. Инвалиллардан бири унинг қўлларини ўз елкасидан ошириб, чолни орқасига кўтарди, Юлай эса новда билан орқасига бир туширган эди, бошқирд заиф, ёлворган товуш билан «вой» дедида, бошини чайқаб, оғзини очди. Унинг тили йўқ—кесилган эди.

Шундай шилар менинг замонимда бўлгани ва император Александр эзгулик билан подшолик қилаётган вақтда яшаётганим эсимга тушса, илм-урфоннинг тез тараққийси ва инсонпарварлик қоидаларининг тез тарқалишига ҳайрон қолмасдан иложим йўқ. Еш йигит! Агар менинг бу ёзувларим қўлингга тушса билгинки, энг яхши ва мустаҳкам ўзгаришлар ҳеч қандай зўрлик қилмасдан, киши хулқининг яхшиланишидан вужудга келган ўзгаришлардир.

Ҳамма ҳайрон қолди. «Хўш,— деди комендант,— бундан ҳеч гап чиқмайди. Юлай, бошқирдни омборга элтиб

қўй. Биз, жаноблар, баъзи нарсалар тўғрисида гапиришамиз».

Биз ўз вазиятимизни музокара қилиб ўтирган эдик, бирдан Василиса Егоровна кириб келди, у ҳаддан ташқари ҳовлиқсан эди.

— Нима бўлди?—деди ҳайрон бўлган комендант.

— Фалокат, азизим фалокат!—деди Василиса Егоровна.—Нижнеозёрск қалъаси бугун эрталаб қўлдан кетибди. Герасим ҳазратнинг хизматкори ўша ердан келди. Қалъанинг қўлдан кетганини кўрибди. Комендант ва ҳамма офицерлар дорга осилибди. Бутун солдатлар асир олганибди. Бадкорлар бу ёрга ҳам келмаса тўрга эди.

Кутилмаган хабар мени жуда эсанкиратди. Нижнеозёрск қалъасининг коменданти ювош ва камтар йигит эди, мен уни танирдим, бундан икки ой чамаси илгари ёшгина хотини билан Оренбургдан ўз қалъасига ўтиб кетаётib, Иван Кузмичнига тушган эди. Нижнеозёрск қалъаси бизнинг қалъадан йигирма беш чақиримча нарида эди. Биз ҳам Пугачёвнинг ҳужумини ҳар соат кутишимиз керак эди. Марья Ивановнанинг тақдирни кўз олдимга келиб, юрагим орзиқиб кетди.

— Менга қаранг, Иван Кузмич!—дедим комендантига.—Бизнинг вазифамиз сўнгги нафасимизгача қалъани сақлашдил; бу тўғрида гапириб ўтиришининг ҳам ҳожати йўқ. Аммо хотинларни эҳтиёт қилиш тўғрисида ўйлаш керак. Буларни агар йўл очиқ бўлса, Оренбургга ёки бадкорларнинг қўли етмайдиган узоқроқ ва ишончлироқ қалъага юборинг.

Иван Кузмич хотинига қаради ва:

— Дарҳақиқат, исёнчиларни бир ёқлик қилгунимизча сизларни узоқроқ бир ёрга юборсак бўлмайдими?—деди.

— Бўлмаган гап!—деди хотини. Ўқ етмайдиган қалъа бор эканми? Белогор қалъасининг нимаси ишончсиз? Худога шукур, йигирма икки йилдан бери шу ердамиз. Бошқирдларни ҳам кўрдик, қирғизларни ҳам, қўявер, Пугачёв ҳам келаверсин!

— Хайр,—деди комендант,—агар қалъамизга ишонсанг, ўтира берганинг тузук... Машани нима қиласиз? Туриш берсак ёрдам етиб кела қолса яхшику-я; борди-ю, қалъани бадкорлар олса нима бўлади?

— У вақтда...—Василиса Егоровна тутилиб қолди аз ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушиб жим бўлди.

Ўз гапининг хотинига таъсир қилганини сезиб (эҳ-

тимол, бутун умрида биринчи марта таъсир қилиши-дир), Иван Кузмич давом этди: «Йўқ, Василиса Егоровна, Машанинг бу ерда бўлиши мумкин эмас. Уни Оренбургга—аммасиникига юборамиз: у ерда аскар ҳам, туп ҳам кўп, қалъанинг девори фиштдан, сенинг ҳам ўша ерга кетганинг маслаҳат; қалъани ҳужум қилиб өлсалар, қари бўлсанг ҳам ҳолинг ёмон бўлади, соғ қўйишмайди».

— Хўп,—деди хотини,—шундай қила қолайлик: Машани юборамиз. Аммо мени юбораман деб овора бўлма: бормайман. Қариган чоғимда сендан айрилиб, ёт элларда якка гўр излаб юрайми. Бирга умр қилдик, бирга ўламиз.

— Майли,—деди комендант.—Қани, имиллама. Машани жўнатиш тараддудини кўр. Эртага тонг ёриши билан жўнайди, гарчи ортиқча одамимиз бўлмаса-да, ёнига отлиқ аскар қўшамиз. Қани Маша?

— Акулина Памфиловнанинг уйида, деди комендант хотини. Нижнеозёрск қалъасининг кўлдан кетганини эшитиб, кўнгли безовта бўлди; тоби қочмаса деб қўрқаман. Ё раббилоламин, қандай кунларга қолдик!

Василиса Егоровна Машани жўнатиш тадорикини кўргани кетди. Музокарамиз давом этди; аммо мен сўзга аралашмас, қулогимга гап ҳам кирмас эди. Марья Ивановна кечки овқат маҳалида келди—ранги оқарган, кўзлари йифидан шишган. Овқат вақтида ҳеч ким гапирмади ва дастурхондан одатдагидан эртароқ турдик: комендант оиласи билан хайрлашиб, уй-уйимизга кетдик. Аммо мен қиличимни жўрттага эсдан чиқариб, шу баҳона билан қайтиб келдим: Марья Ивановнанинг ўзи якка бўлишига кўзим етган эди. Ҳақиқатан ҳам, у ўзи якка бўлиб, мен билан эшик олдида учрашди ва қиличимни орқамдан олиб чиққан экан, берди. У кўзига ёш олиб: «Хайр, Пётр Андреич!—деди.—Мени Оренбургга юборишатипти. Соғ-саломат ва баҳтиёр бўлинг; насиб бўлса кўришармиз; агар кўришмасак...» У барала йиглаб юборди. Мен уни қучоқладим.—Яхши бор, малагим,—дедим,—хайр, севгилим, истагим! Бошимга нималар келмасин, фикр-ёдим сенда бўлади!—Маша кўкрагимга бошини қўйиб йиғлар эди. Юзларидан бўса олдим ва шошиб уйдан чиқдим.

ХУЖУМ

Шүрлик, ғарып бошгинам,
Итоаткор бошгинам!
Нақ ўттис йил, боз уч **йил**.
Хизмат қылди бошгинам.
Тополган йүк бошгинам:
На манфаат, на шодлик,
Ва на бирон яхши сүз,
Е баландроқ мартаба;
Хизмат қилиб бошгинам
Орттиргани шу бүлди:
Икки баланд дор ёғоч,
Ха, яна ипак сиртмоқ.

Халқ құдышесі

Шу кечаси ухламадим, ечинмадим ҳам. Марья Ивановна билан сүнгі дафъа хайрлашиш учун саҳарда қалъа дарвозасыга бориш ниятим бор эди. Ұзимда буюк ўзгарыш сезардим; қалбимда җаяжон яқында чеккан кулфатларымга қараганда енгилсөң әди. Жудолик қайғусига тумаили, аммо тотли умидлар, сабрсизлик билан күтилган хавф-хатар ва олижаноб нағсаннан ҳислары құшилиб кетди. Кечанинг қандай ўтганини билмай қолдим. Энди ташқарига чиқмоқчи бүлганимда, эшик очилиб, капрал кириб келди ва бизнинг казаклар Юлайни зўрлик билан олиб, қалъадан чиқиб кетганилкласыни, қалъа атрофида номаълум суворилар юрганини айтди. Марья Ивановна чиқиб кетолмай қолар деган ўмени ваҳимага солди; капралга бир неча топшириқ беріб, ұзим дарҳол комендантнинг олдига югурдим.

Тонг ёриша бошлаганди. Юрганимча кетаётган эдим, кимдир мени чақирди. «Қаёққа кетяпсиз?—деди Иван Игнатьич орқамдан етиб келиб.—Иван Кузмич тепаликда, сизни айтиб келгани юборди. Пугачёв келди».— Марья Ивановна кетдими?—дедим юрагим ҳовлиқиб. «Улгуролмади,—деди Иван Игнатьич:—Оренбург ғұли бекилибди; қалъа ўраб олинган. Ақвол ёмон, Пётр Андреич.»

Тепаликка йўл олдик. Бу табиий тепалик бўлиб, ғовлар билан ўралган эди. Қалъанинг бутун аҳолиси шу ерга тұпланған. Гарнizon саф тортган, тайёр. Замбаракни у ерга кеча кечқурун олиб чиқишиган. Комендант ұзининг саф тортган озгина аскари олдида нари-бери юради. Хавфнинг яқынлиги кекса ҳарбийни одатда-

ташқари дадиллантириб жонлантирган. Даштда, қалъадан сал нарироқда йигирмага яқин сувори айланиб юрарди. Булар казакларга үхшар, аммо ичидә бошқирдлар ҳам кўринарди. Булар бошларидаги қалпоқ ва ёнларига осиб олган ўқдонларидан таниқли. Комендант солдатларни кўрикдан ўтказар экан: «Ҳа йигитлар, бу кун подшомизга кўкрагимизни қалқои қиламиз ва ботир, онти бузмайдиган кишилар эканимизни бутун дунёга кўрсатамиз!»—деди. Солдатлар баланд товуш билан ўзларининг содиқ эканликларини айтдилар. Швабрин менинг ёнимда туриб, душманга синичклаб қарап эди. Даштда айланиб юрган суворилар, қалъадаги ҳаракатни сезиб, бир ерга тўпландилар ва ўзаро сўзлаша бошладилар. Комендант Иван Игнатьевич замбаракини шу суворилар тўдасига тўғрилашини буюорди, ўзи пилтага ўт туташтириди. Ўт гувиллаганича суворилар устидан ўтиб кетди, ҳеч қандай шикаст етказмади. Суворилар тарқалиб, дарҳол кўздан йўқолдилар. Ҳеч ким қолмади.

Василиса Егоровна келди, онасидан ажрашини истамаган Маша ҳам унинг ёнида эди. «Қалай!—деди комендантнинг хотини.—Урушюнг бориши қандай? Қани душман?»—Душман яқинда,— деди Иван Кузмич.—Худо ёр бўлса, иш жойида бўлади. Хўш, Маша қўрқяпсанми? — «Иўқ, отажон, — деди Марья Ивановна; — уйда ўзим якка қолганимда кўпроқ қўрқардим». У менга қаради ва ўзини зўрлаб илжайди. Қиличимни кеча унинг қўлидан олганим эсимга тушиб, сопидан маҳкам ушладим, гўё бу қиличини у менга ўз ёримни мудофаа қилиш учун берган эди. Юрагимга ўт тушди. Ўзимни унинг рицари хаёл қиласр эдим. Мен унинг ишончига лойиқ эканимни исбот қилишга ташна бўлиб, сабрсизлик билан кескин минутларни кутар эдим.

Шу онда қалъадан ярим чақирим наридаги тепалик орқасидан яна анчагина суворилар чиқиб келди ва ҳадемай дашт найза, камон билан қуролланган кишиларга тўлди. Буларнинг ўртасида оқ от минган, қизил кафтан кийган бир киши қиличини яланғочлаб келар, бу Пугачёвнинг ўзи эди. У тўхтади; атрофини ўз кишилари ўраб олди. Унинг буйрўғи билан бўлса керак, тўпдан тўрт отлиқ ажралиб, бизнинг қалъага томон от қўйиб кела бошлади. Буларни танидик — бизга хиёнат қилган кишилар экан. Бири боши тепасида қофоз кўтариб олган, бирининг найзаси учида Юрайнинг калласи. У фов олдига келиб бир силтаган эди, калла четандан ошиб

тушиб биз томонга юмалади. Бечора қалмоқнинг калласи комендантнинг оёғи остига тушди. Ҳоинлар: «Ўқ отманглар, подшонинг олдига чиқинглар. Подшо шу ерда!»—деб қичқиришар эди.

«Шошма, мен сенга кўрсатиб қўяй!—деб бақирди комендант.—Иигитлар! Отинглар!» Солдатлар бараварига ўқ узишди. Хат ушлаб турган казак қалқиб, отдан ағнаб тушди; қолганлари қочди. Мен Марья Ивановна га қарадим. Юлайнинг қонли бошини кўриб эсанкираган ва милтиқ товушидан гаранг бўлган Марья Ивановна ҳушсиздай кўринарди. Комендант капрални чақириб, ўлган казакнинг қўлидан хатни олишга буюрди. Капрал, ташқарига чиқиб, ўлган казакнинг отини жиловлаб келди-да, хатни комендантга берди. Иван Кузмич хатни товуш чиқармай ўқиди, кейин майдамайдада қилиб ташлади. Бу орада исёнчилар, афтидан, ҳужумга тайёрлик кўришар эди. Ҳадемай қулоқ остидан ўқлар ғувиллаб ўта бошлади, бир неча ёй бизнинг ёнимизга—ерга ва фовга санчилди. «Василиса Егоровна! —деди комендант.—Бу хотинларнинг иши эмас; Машани олиб кет; қара, қизгинанинг юраги ёрилиб кетди».

Ўқ ёғилиб тургани учун сўз қайтаришдан ожиз бўлган Василиса Егоровна даштга қаради, даштда катта ҳаракат борлиги билиниб турар эди; кеийин эрига қараб: «Иван Кузмич, тириклик ҳам, қазо ҳам худонинг иродаси. Машадан рози бўл. Маша, бор отангни олдига»,—деди.

Маша титраб, ранги оқариб, Иван Кузмичнинг олдига борди ва тиз чўқди. Қекса комендант уни дуоқилди, сўнгра турғизиб ўпди-да, ўзгарган товуш билан: «Хайр, Маша, бахтинг ёр бўлсин. Худога сифин: У сени марҳаматидан бебаҳра қўймайди. Бирон яхши одам чиқса, худо бахт ва муҳаббат берсин. Биз Василиса Егоровна, иккимиздай умр кўринглар. Хайр, Маша. Василиса Егоровна, буни тезроқ олиб кет»,—деди. Маша отасининг бўйнига осилиб йиғлади.—Биз ҳам видолашайлик,—деди Василиса Егоровна йиғлаб.—Хайр, азизим Иван Кузмич. Мендан рози бўл, яхши-ёмон гапирган бўлсам! —«Хайр, хайр, азизим! —деди комендант кампирини қучоқлаб,— Бўлди энди боринглар-боринглар уйга; фурсат бўлса, Машага сарафан кийдириб қўй». Василиса Егоровна қизи билан кетди. Мен Марья Ивановнанинг кетидан қараб қолдим; у орқасига қайрилиб, менга бошини қимиirlатди. Шундан сўнг Иван Кузмич бизга қаради ва бутун диққати душманга жалб бўлди. Исён-

чилар ўз бошлиқлари атрофига түпланиб бирданига отдан туша бошладилар. «Энди маҳкам бўлинглар! — деди комендант, — ҳужум бошланади...» Шу онда даҳшатли қичқириқ ва шовқин кўтарили; исёнчилар қалъага қараб югурдилар. Замбарагимиз сочма ўқ билан ўқланган эди. Душман яқин келганда, комендант замбаракка ўт босди. Ўқ душман тўдасининг ўртасига тушди. Исёнчилар икки ёққа сочилиб, чекиндилар. Бошлиқлари олдинда якка қолди... У, қиличини ҳавода ўйнатиб, чекинганларни олға даъват қилгандай кўринарди... Босилган шовқин-сурон яна кўтарили. «Ҳа, йигитлар! — деди комендант, — энди дарвозани очинглар, довул қоқинглар Йигитлар! Менинг кетимдан олға!»

Комендант, Иван Игнатьевич ва мен кўз очиб-юмгунча тепаликнинг нариги ёғига чиқдик; бироқ юраги олиниб қолган гарнizon ўрнидан қўзғалмади. «Нега турибисизлар, болаларим? — деб қичқирид Иван Кузмич.— Бир бошга бир ўлим; хизмат шуни талаб қиласди!» Шу он исёнчилар биз томонга югуриб, қалъанинг ичига кириб олдилар. Довул товуши тинди; гарнizon қуролни ташлади; мени уриб йиқитишди, аммо дарров ўрнимдан туриб, исёнчилар билан бирга қалъага кирдим. Бошидан ярадор бўлган комендант исёнчилар орасида турар, бадкорлар ундан калитни талаб қиласдилар. Мен уни ҳимоя қилиш учун юргурган эдим, бир неча барваста казак маҳкам ушлаб: «Кўргилигингизни кўрасиз энди, подшога бўйин эгмаганлар»,— дейиши ва қўлимни боғлашди. Бизни кўчама-кўча олиб юришди; аҳоли уй-уйдан нон билан туз олиб чиқарди. Бутхона қўнғироғи жаранглади. Бирдан кимдир қичқириб, подшонинг майдонда асирларни кутиб турганини ва қасам ичирмоқчи эканини хабар қилди. Халқ майдонга қараб оқди; бизни ўша ерга олиб бордила.

Пугачёв комендантнинг эшиги олдидағи айвончада— креслода ўтиради. Устида зарҳал ҳошияли чиройли казакча тўн, бошида олтин жига тақилган узун казакча телпак, кўзлари чақнар эди. Унинг афти менга таниш кўринди. Казак оқсоқоллари уни ўраб олганлар. Герасим ҳазрат, ранги оппоқ, қўлида бут, айвонча ёнидег титраб турар ва бирпасдан кейин бўладиган қурбонларнинг гуноҳини сукут билан тилаётгандай, қонларидан кечилишини сўраётгандай кўринар эди. Майдонга бир неча дор тикилди. Биз яқинлашганимизда, бошқирдлар оломонни четлатиб, бизни Пугачёвга рўпара қилдилар. Черковнинг қўнғироқ товуши тинди; ҳамма ёқ жимжит

бұлди — Комендант қайси? — деди ёлғон подшо. Биз-нинг ўнбоши оломон ичидан чиқиб, Иван Кузмични күр-сатди. Пугачёв чолға ғазабли күз ташлади ва: «Менга, ўз шоҳингга қаршилик қылгани қандай ботиндинг?» — деди. Ярадор бұлғып мадори қуриган комендант бор күчини түплаб, дадиллик билан: «Сен менинг шоҳим эмассан, сен ўгри ва хоинсан, эшигдингми!» — деди. Пугачёв ғазабланиб, оқ-дастрұмоли билан ишорат қилди. Бир неча казак комендантни ушлаб, дор остига судради. Қе-ча биз сўроқ қылган қулоқсиз, бурунсиз бошқирд, қўли-да арқон, дорнинг устига айри миниб ўтирад әди. Бир дақиқадан сўнг бечора Иван Кузмичнинг дорга осилга-нини кўрдим. Қейин Пугачёвнинг олдига Иван Игнатъ-ични келтиришди. «Подшоҳинг Пётр Фёдоровичга со-диқман деб онт ич!» — деди Пугачёв. — Сен бизга шоҳ эмассан, — деди Иван Игнатъич ўз капитанининг сўзи-ни такрорлаб. — Сен ўгри, хоинсан!

Пугачёв яна оқ рўмолчаси билан ишора қилди, Иван Игнатъич ҳам ўзининг кекса бошлиғи ёнига осилди.

Навбат менга келди. Олижаноб ўртоқларимдек жа-воб беришга ҳозир бўлиб, Пугачёвнинг юзига тиқ қа-радим. Шу чоғ кўзим исёйчиларнинг оқсоқоллари ора-сида турган Швабринга тушди, ҳайрон-ҳайрон қолдим. У, сочини айланмасига қирқтириб, казакча кийиниб олган әди. У Пугачёвнинг олдига келиб, қулогига бир нима деб пичирлади. «Осилсин!» — деди Пугачёв, менга қарамасданоқ. Бўйнимга сиртмоқ солишиди. Гу-ноҳларимга тавба қилиб, калима келтирдим ва яқин-ларимнинг дуойи жонини қилдим. Мени дор остига олиб келишиди. «Балки афв этиларсан», — дейишар әди менга жаллодлар. Эҳтимол, чиндан ҳам далда бер-моқчи бўлишар әди. Бирданига: «Тўхтанглар, малъун-лар! Тўхтанглар!» — деган товуш эшитилди. Жаллод-лар тўхташди. Қарасам: Савельич Пугачёвнинг оёғига бош кўйиб ёлвораётир. «Отагинам! — дер әди у бечо-ра. — Бир бариннинг фарзандини ўлдиришдан сенга нима фойда? Қўйиб юбор уни; хунининг пулини бера-ди; муддао кишиларни қўрқитиш ва жазолаш бўлса, мен чолни оса қол!» Пугачёв ишора қилди. Бўйнимдан сиртмоқни олишиди. «Подшоҳимиз сени афв этди», — дейишди атрофимдагилар. Шу дақиқада қутулганимга севиндим дея олмайман, шунингдек, афсусланганим ҳам йўқ. Ҳисларим ҳаддан ташқари туманли әди. Мени қайтариб, яна ёлғон подшонинг олдига келтиришиди ва

қаршиисига тиз чүктиришди. Пугачёв томирлари чиққан құлар менең узатди. «Үп құларни, ўп!» — дейишар әди ён-веримдагилар. Аммо мен шундай қабиқ тубан-ликтан күра энг қаттық жазони афзалроқ күрар әдим. «Азизим Пётр Андреич! — деярді Савельич орқамдан туриб. — Қайсарлық қылма! Сендан нима кетди? Үпіб құя қол баччаға... (тфу!) үпа қол құларни... Мен қиммірламадым. Пугачёв құларни ола туриб: «Жаноб-ларни севинчдан эсларини йүқотиб қўйибдилар, — деди истеҳзо билан. — Турғизинглар!» Мени турғизиб, қў-йиб юбориши. Мен даҳшатли комедиянинг давомини томоша қылдим.

Аҳоли онт ича бошлади. Ҳамма бириң-кетин келиб, бутни ўпар ва ёлғон подшога таъзим қиласарди. Гарни-зон солдатлари ҳам шу ерда. Рота машиначиси, қў-лида ўтмас қайчи, уларнинг соchlарини айланмасига қирқар әди. Солдатлар устларини қоқар, Пугачёвнинг олдига келиб, унинг құларни ўпардилар, у бўлса афв этиб, ўз шайкасига оларди. Бу иш уч соатча давом этди. Ниҳоят, Пугачёв ўрнидан туриб айвончадан тушди, амалдорлари уни кузатиб тушдилар. Қимматбаҳо жабдуқ урилган оқ от келтирилди. Йикки казак қўлтиридан олиб, уни отга миндириб қўйди. У Герасим ҳазратга меҳмон бўлажагини билдири. Шу онда хотин фарёди эшитилди. Ўғрилардан бир нечаси, соchlари тўзиган, яланғоч Василиса Егоровнани судраб чиқди. Булардан бири дарров кампирнинг иссиқ пахтали ним-часини кийиб олибди ҳам! Бошқалари сандиқ, идиштовоқ, кийим-кечак, кўрпа ва бошқа буюмларини олиб чиқар әди. «Азизларим, — дер әди бечора кампир. — Қўйиб юборинглар мени. — Отагиналарим, мени Иван Кузмичнинг олдига олиб боринглар». Бирдан унинг қўзи дорга тушди ва эрини таниди. «Бадкорлар, — деди бехуш қичқириб. — Уни нима қилдиларинг? Вой кўзимнинг нури Иван Кузмич, ботир солдат! Сенга на прус найзаси ботган, на турк ўқи теккан әди; тузук бир урушда эмас, турмадан қочган бир ўғрининг қўлида ўлдинг!» — Товушини ўчиринг бу алвасти-нинг! — деди Пугачёв. Ёш казак кампирнинг бошига қилич билан урди. У, айвончанинг зинасига йиқилиб, жон берди. Пугачёв кетди; халойиқ унинг кетидан юрди.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕХМОН

Чақирилмаган құноқ, йұнмаган таēқ.

Мақол

Майдон бүшаб қолди. Мен ҳамон бир ерда турар ва бундай дахшатли таассуротлардан чувалган фикримни бир ерга тұплай олмас әдім.

Мени ҳаммадан ҳам күра Марья Ивановнаниң тақдиди белгисиз бұлғани қийнар әди. У қаерда? Нима бўлди? Яширина олдими? Яширинган ери ишончлими... Шундай ваҳимали ўйлар билан комендантнинг уйига кирдим... Уй бўум-бўш; стуллар, столлар, сандиқлар ва идиш-товоқлар синдирилган; уй талангани. Торгинна зиннадан югуриб меҳмонхонага чиқдим ва умримда биринчи дафъа Марья Ивановнаниң бўлмасига кирдим. Ўғрилар титкилаган тўшагини кўрдим; жавон синдирилган ва ичидаги ашёси талангани; санам олдидағи чироқ ҳануз ёнимокда әди. Деворга осиғлиқ кичкина ойна омон қолган... Бу сокит қиз ҳужрасининг эгаси қаерда? Ваҳимали бир хаёл миёндан лип этди: у ўғриларниң қўлига тушган бўлса-я!.. Юрагим шув этди... Севгилимнинг номини қаттиқ-қаттиқ айтиб, күйиниб йиғладим... Шу чогда енгил шарпа эшишилди ва жавоннинг орқасидан Палашка чиқиб келди. Унинг ранги оппоқ, ўзи титрарди.

— Оҳ, Пётр Андреич! — деди қўлларини бир-бирига уриб. — Қандай кунлар! Қандай кўргилик!..

— Марья Ивановна қаерда? — дедим шошиб. — Нима бўлди у?

— Ойимпошша соғлар, — деди Палашка. — У Акулина Памфиловнаниң уйига беркитилган.

— Попнинг уйига-я? — дедим ваҳима билан қичқириб. Ё раббий! Ахир Пугачёв ўша ерда-ку!..

Югуриб уйдан чиқдим ва кўз очиб-юмгунча попнинг уйига етиб бордим. Қўзимга ҳеч нарса кўринмас, қулогимга ҳеч товуш кирмас әди. Герасим ҳазратнинг уйидан шовқин-кулги, ашула товуши эшитиларди... Пугачёв ўз ўртоқлари билан кайф-сафо қиласарди. Палашка ҳам кетимдан етиб келди. Палашкадан секин Акулина Памфиловнани чақирилдим. Ҳаял ўтмай у бўш май идишини кўтариб чиқди.

Худо ҳақи! Марья Ивановна қани? — дедим айтиб бўлмайдиган даражада ҳаяжон билан.

— Менинг каравотимда ётиби, бўталофим, каравотни назардан пана қилиб қўйганман, — деди поп хотини. — Худо бир сақлади-да, Пётр Андреич, бадкор энди овқат егани ўтирган эди, бечора қизгина уйғониб, нолиб юборса бўладими!.. Жон-поним чиқиб кетди. Бадкор унинг товушини эшитиб қолди: «Нолиган, ким. кампир?» — деди. Ўғрини алдадим: — жияним, шоҳим, икки ҳафтадан бери бетоб ётиби, дедим. — «Жиянинг ёшми?» — деди. — Ёш, шоҳим, дедим. — «Қани, кампир, кўрсат-чи, жиянингни», — деди. Юрагим орзиқиб кетди, илож қанчалик. Марҳамат, шоҳим, аммо қиз ҳузурингизга кела олмайди, тургани дармони йўқ, — дедим. Майли, ҳеч бокиси йўқ, ўзим бориб кўраман», — деди. Қара, малъун парданинг орқасига ўтди, билсанг! Юзини очди, лочинникидек кўзларини тикди, йўқ, ҳеч нарса демади... · худо сақлади! Ишонсангиз болам, отангиз иккимиз ит азобида ўлдирилишимизга кўзимиз етиб қолган эди. Бахтимизга қизгина бадкорни танимади. Худоё тавба, не кунларни кўрдик. Нима дейсиз энди? Бечора Иван Кузмич! Ким шундай бўлади деб ўйлаган эди!.. Василиса Егоровнани айтинг! Иван Игнатьевич! Уни нега ўлдиради денг?.. Сизга нечук раҳм қилди! Алексей Иванович Швабринни қаранг-а? Сочини айланмасига қирқтириб, шулар билан кайфсафо қилиб ўтирибди! Уддабурролигига сўз йўқ! Жияним бетоб деганимда, афтимга шундай бир қарадики, ишонсангиз, худди кўксимга наштар ургандай бўлди; аммо сирни очмади, шунисига ҳам балли». Шу онда маст меҳмонларнинг бақиришлари ва Герасим ҳазратнинг товуши эштилди. Меҳмонлар май талаб қиласар, Герасим ҳазрат эса рафиқасини чақирап эди. Попнинг хотини шоҳди. «Боринг уйингизга, Пётр Андреич. — деди, — сиз билан сўзлашишининг мақриди эмас; бадкорлар ичкилик қилаётирлар. Маст вактида қўлига гушиб қолсангиз ёмон бўлади. Хайр, Пётр Андреич. Чима бўлса бўлади-да, хавотир бўлманг; худонинг ўзи зсрайди.

Попнинг хотини кетди. Бир қадар тинчиб, уйга кетдим. Майдон ёнидан ўтиб кетаётуб қарасам, бир неча бошқирд дор тагига тўпланиб, осилганларнинг этикларини ечиб олаётир; ҳаддан ташқари жаҳлим чиқди. аммо аралашишнинг бефойдалигини сезиб, ўзимни зўрға босдим. Ўғрилар қалъада у ёқдан-бу ёқса югу-

риб, офицерларнинг уйларини талашар эди. Ҳар ёқдан маст исёнчиларнинг қичқирган товушлари эшитиларди. Уйга келдим. Бўсағада Савельичга учрадим. «Худога шукур! — деб қичқирди у мени кўриб. — Мен сени яна бадкорлар ушлади деб ўйлаган эдим. Э отагинам Пётр Андреич! Ўғрилар ҳамма нарсамизни талаб кетди, кийим-кечак, идиш-товоқ, ҳеч нарса қолмади. Сени тирик қўйиб юборганиларига шукур қиласман! Айтгандай, сен, отагинам, атамани танидингми?»

— Йўқ, танимадим; ким экан у?

— Нега, отагинам? Карвон саройга тушганимизда алдаб пўстинингни олган пиянистани эсингдан чиқардингми? Янгигина пўстинингни берган эдинг, бу алвасти кийғанда чок-чокидан сўклилиб кетган эди-ку!

Ҳайрон бўлдим. Дарҳақиқат, Пугачёв ўша етакчига жуда ўхшар эди. Пугачёв ўша эканига ишондим ва менга қилинган раҳмнинг сабабини билдим. Ажаб, бир саёққа инъом этнган кичкина бир пўстин мени сиртмоқдан қутқариб қолди ва карвон саройларда санқиб юрган бир пияниста қалъани қамал қилди, ҳукуматни ларзага келтирди!

Овқат емайсанми? — деди Савельич одатини гарк этмай. — Уйда ҳеч нарса йўқ; қидириб бирор нарса танимай, бирор овқат алан.

Узим якка қолиб, ботдим. Нима қилишим керак? Бадкорлар қўли остида бўлган қалъада туриш, ёки унинг шайкасига қўшилиш офицер учун номус. Шундай қийинчилик бўлган вақтда хизматим ватан учун фойдали бўладиган ерга боришни бўйнимдаги вазифа талаб қиласар эди... Аммо муҳаббат Марья Ивановна олдида унинг ҳомийси, мудофаачиси бўлиб қолишни қаттиқ талаб қиласарди. Гарчи тез фурсатда аҳволнинг ўзгаришига кўнглим гувоҳлик берса-да, Марья Ивановна хавф остида эканини ўйлаб қўрқар эдим.

Бир казак кириб келди, ўйим ора йўлда қолди. «Подшо аъзам сени йўқлайди», — деди. — Қаерда? — дедим фармонига бўйсунгани ҳозирланиб.

«Комендантнинг уйида. Жаноб овқатдан кейин ҳаммомга борган эдилар, ҳозир дам олиб ётибдилар. Рафторидан шоҳимиз асилзода қўринадилар, афандим: овқат вақтида иккита қовурилган тўнғиз боласини бир ўзлари едилар. Ҳаммомнинг ҳам шундай иссигини хоҳлар эканларки, ҳатто Тарас Курочкин ҳам тоқат қилолмай, супургини Фома Бикбаевга берди, совуқ сувга тушиб зўрға ўзига келди. Унга тараф йўқ, ҳамма иш

бошқача... Ҳаммомда күкрагидаги подшолик ишинаси-ни күрсатган эмиш, унинг бир томонида бир мирилик ча-қадай келадиган икки бошли бургут, иккничи томонида ўз шахсини күрсатадиган аломат бор эмиш».

Қазакка ғап қайтариб ўтиришин лозим топмай, у билан бирга комендантнинг уйига қараб жүнадим. Пугачёв билан учрашувимни йўл-йўлакай тасаввур қи-либ, бу учрашувининг оқибати нима бўлишини олдан билдишга тиришар эдим. Ўқувчи бу ҳолда менинг мут-лақо совуққон бўлолмаслигини осонгина тасаввур қила олади.

Комендантнинг уйига етганимда, қоронғи туша бошлаган эди. Дор ўзининг қурбонлари билан ваҳима-ли суратда қорайиб туради. Бечора Василиса Егоров-нанинг жасади икки ёнида икки казак қоровул турган зина биқинида ҳануз ётарди. Мени бошлаб келган казак хабар бергани ичкарига кириб кетди ва дам ўтмай чиқди да, мени кечагина Марья Ивановна билан маҳ-рамларча видолашганим уйга таклиф қилди.

Фавқулодда бир манзарани кўрдим. Устига дас-турхон ёзиб, шиша ва стаканлар қўйилган стол атро-фида Пугачёв билан бирга унга яқин казак оқсоқоллари ўтирас, ҳаммасини бошида телпак, устида турли ранг-даги қўйлак, ҳаммаси ҳам май ичиб қизарган, кўзла-ри чақнар эди. Буларнинг орасида на Швабрин бор, на ўнбоши ва на бизга хиёнат қилган бошқа кишилар. «Ҳа, жаноб! — деди Пугачёв мени кўриб. — Хуш келиб-сиз: қани, марҳамат қилинсин, марҳамат». Ҳамсуҳбат-лари силжиб, менга жой беришди. Мен индамасдан столнинг бир четига ўтирдим. Ёнимдаги ёш, чиройли, хушқомат казак менга оддий винодан бир стакан қуйиб қўйди, винога қўл ҳам тегизмадим. Ўтирганларга мароқ билан бир-бир қараб чиқдим. Пугачёв тўрда, столга тир-сагини қадаб, каттақон муштини копқора соқоли остига тираб ўтиради. Унинг келишган ва хийлагина чиройли сиймосида ҳеч қандай қўрқинч акс этмасди. У эллик-ларга борган кишига қараб, уни гоҳ граф деб, гоҳ Тимо-феич деб атар ва гоҳида ота деб иззат қиласади. Ҳамма-си ўзаро ўртоқларча муносабатда бўлар ва бошлиқла-рини у қадар иззат-икром ҳам қилишмас эди. Сўз эрта-лабки ҳужум, қозонилган муваффақият ва эндиғи ҳара-катлар устида борар эди. Ҳар қайсиси мақтайди, ўз фикрини айтади ва Пугачёв билан баҳузур баҳслашади. Шу ғаройиб ҳарбий кенгашда Оренбургга ҳужум қи-лишга қарор берилди: гўё бу муваффақият қозонилади-

ган жасурана бир юриш бүладигандай эди! Юриш эртага қилинадиган бўлди. «Қани йигитлар,—деди Пугачёв,—ухлаш олдидан менинг севган ашуlamни айтайлик. Чумаков¹, бошла!» Ёнимда ўтирган киши ингичка товуш билан ҳазинбурлак куйини бошлади, бошқалар ҳам қўшилди:

Гувиллама, она ўрмон, ям-яшил ўрмон,
Мард йигитнинг ўлашига халал бермагин.
Мен мард йигит нақ эртага тергов бергали
Қаттол қози, подшонинг олдига боргум,
Шоҳ-ҳукмдор мендан шундай сўроқ бошлайди:
Айтавергин, катта йигит, айт, дэҳқонвачча,
Кимлар билан ўғирладинг ва йўл тўсдинг сен.
Шерикларинг кўпми эди сен билан бирга?
Мен дейманки, пушти-пансоҳ православ шоҳи,
Айтгум сенга бутун ҳақни ва ҳақиқатни,
Бори-йўғи тўртта эди менинг ўртоғим.
Коронри тун энг биринчи ўртоғим менинг
Пўлат пичоқ менинг учун иккинчи ўртоқ,
Хўш учинчи ўртоғими сўрсанг — яхши от.
Ва тўртинчи ўртоқ менга — тараңг ёї — садоқ.
Отган ўқилар эса менинг юргудакларим.
Пушти-пансоҳ православ шоҳи шундай дер:
Баракалла, катта йигит, сен дэҳқонвачча,
Ўғирликда ва жавобда ўтқир экансан! --
Катта йигит, шунинг учун бағишилай сенга
Кенг ёвоннинг ўртасида баланд саройлар,
Яъни — боши биринилган икки дор ёғоч.

Осилишга маҳкум бўлган кишилар томонидан айтилган дор ҳақидаги бу содда-халқ қўшиғи менга қандай таъсир қилганини тасвири этиб бўлмайди. Уларнинг қўрқинчли башаралари, келишган товушлари, усиз ҳам таъсирли бўлган сўзларга мунг беришлари мени қандайдир ваҳимага солди.

Мехмонлар яна бир стакандан вино ичиб қўзғалишиб ё ва Пугачёв билан хайрлашишди. Мен ҳам турмоқчи бўлган эдим, Пугачёв тўхтатди. «Ўтири; мен сен билан гапиришмоқчиман». Иккимиз қолдик.

Бир-биримизга тикилишиб, бир неча минут жим қолдик. Пугачёв ҳар замон чар кўзини қисиб менга тикилар, юзида макр ва табассумнинг ғалати бир ифодаси кўринар эди. Охири у кулиб юборди ва бу кулги шундай самимий, хурсандлик кулгиси эдики, нимага

¹ Фёдор Чумаков.—Ёниқ казаги, Пугачёвнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири. Кўзғолон тор-мор келтирилгандан сўнг у Пугачёвни ҳукуматга тутиб берганлардан бири бўлиб чиқди.

кулганини билмаганим ҳолда, унга қараб мен ҳам кулдим.

— Хүш, ростини айт-чи,—деди у менга,—йигитларим бўйинингга сиртмоқ солганда қўрқдингми-йўқми? Дунё кўзингга кўринмагандир, дейман?.. Агар хизматкоринг келиб қолмагандандо, ўзингни дорда кўрар эдинг. У чолни дарров танидим. Сен карвон саройга бошлаб борган киши буюк шоҳ эканиси сира хаёлингга келганими? (Шу гапни айтиб, у керилди ва ўзини сирли туттиди.) Сен менинг олдимда зўр гуноҳкорсан,—деда давом этди,—аммо яхшилик қилганинг, душманларимдан қочиб юрганимда кўрсатган хизматинг туфайли сени афз этдим. Ҳали бу ҳеч гап эмас! Шошма, ҳали подшолигимни қўлга олай, ўшанда кўр! Менга чин кўнгил билан хизмат қилишга ваъда берасанми?

Бу фирибгарнинг саволи ва жасорати менга шунчо кулгили туюлдики, ўзимни тия олмадим.

— Нега куласан?—деди у қовоғини солиб. Ё менинг буюк шоҳ эканимга шономайсанми? Тўғрисини айт.

Мен гаранг бўлиб қолдим. Бу саёқни шоҳ деб танигудай эмасман, бу назаримда кечирилмаслик бир қўрқоқлик бўлиб жўринади. Юзига қараб алдоқчисан деб айтиш эса ўзимни-ўзим ҳалок қилиш деган сўз; дор тагида, бутун ҳалқнинг кўзи олдида, ғазабим жўш урган чоғда ўлимга тайёр бўлиб туришим ҳозир кўзимга фойдасиз мақтанчақлик бўлиб кўринарди. Иккиланиб қолдим. Пугачёв қовоғини солиб, жавоб кутар эди. Охири (ҳозир ҳам бу минутни ўз-ўзимдан мамнун бўлиб эслайман) бўйнимдаги вазифа ҳисси инсоний заинфликни енгди. Пугачёвга жавоб бердим: «Қулоқ сол: сенга ростини айтаман. Ўйлаб кўр, қандай қилиб мең сени шоҳ деб таний оламан? Зийрак одамсан: ёлғонда танисам, макр қилганимни биласан».

— Сенингча, бўлмаса мен ким?

— Худо билади; ким бўлсанг ҳам қўрқинчли ўйини қиляпсан. Пугачёв ялт этиб менга қаради. «Сен ҳали менинг шоҳ Пётр Фёдорович эканимга ишонмайсанми? Хайр, яхши. Ботирнинг қўли юқори бўлмайдими? Бурунги замонда Гришка Отрепьев подшолик қилмаганими? Менинг тўғримда нима фикрда бўлсанг бўл, аммо мендан қолма. Бошқалар билан нима ишинг бор? Ким поп бўлмасин, батька¹ бўлаверади. Менгэ ғодиқ бўлиб хиз-

¹ Бу ҳам поп.

мат қил, сени фельдмаршал ҳам қиласман, князь ҳам қиласман. Нима дединг?»

— Йүк,—дедим қатыяят билан.— Зотим дворян; император хонимга хизмат қилгани онт ичганман: сенга хизмат қила олмайман. Агар чиндан ҳам менга яхшилик қилишни хоҳласанг, жавоб бер, Оренбургга кетай.

Пугачёв ўйланиб қолди. «Агар жавоб берсам,—деди у,—менга қарши иш қилмасликка ваъда берасанми?»

— Қандай қилиб ваъда бера оламан?— дедим.— Узинг биласан, ихтиёр менда эмас: сенга қарши чиқиши буюрсалар, чиқаман, иложим йўқ. Сен ўз аскарларингдан фармонингга бўйсунишни талаб қиласан-ку, хизмат қилишим лозим бўлганда мей бўйин товласам қандай бўлади? Жоним сенинг қўлингда: озод қилсанг — қуллуқ; ўлдирсанг—тепангда худо бор; ростини айтдим.

Менинг самимиятимга Пугачёв хайрон қолди. «Хайр, майли,— деди елкамга қоқиб.— Ўлдирадиган бўлсан ўлдирганим тузук эди, афв этган эканман, энди афв этаий. Бор, қаёққа борсанг бор, нима қилсанг қилавер. Эртага мен билан хайрлашгани кел, ҳөзир уйингга бориб ёт, мени ҳам уйқу босаётпир».

Турдим. Кўчага чиқдим. Тун сокин ва совуқ эди. Ой ва юлдузлар майдон ва дор ёғочларини ёритарди. Қалъя жим ва қоронги. Фақат майхонада чироқ бор ва кеч қолган кишиларнинг қичқирган товушлари эшитиларди. Попнинг уйига кўз ташладим. Дарвоза ва дераза қопқоқлари ёпиқ. Жимжитга ўхшайди.

Ўз уйимга келдим, Савельич мендан хавотир бўлиб ўтирган экан. Менинг қутулганимга у ҳаддан ташқари севинди. «Худоё даргоҳингга минг қатла шукур!— деди чўқиниб.— Тонг ёришуви билан йўлга тушамиз. Овқат қилиб қўйдим; ея қол, азизим, кейин ёт худонинг паноҳида».

Савельичнинг гапига кириб, овқатни зўр иштаҳа билан едим, жисман ва руҳан чарчаган эдим, қуруқ полда ётиб, данг қотиб ухладим.

ЖУДОЛИК

Мен уңын сен билан ошындык —
Нечоңын шириңди, чиройлым,
Хасратдир, хасратдир жудолик,
Гүёки, рухимдан айриладым.

Херасков¹

Эрталаб барвақт дүмбира товушига үйғондым. Одамлар йығылган ерга бордым. Пугачёвчилар кечаги қурбонлар ҳануз осилиб ётган дор ёнига саф тортгандар. Казаклар отлиқ, солдаттарнинг елкаларида мильтиқ. Байроқтар ҳилпираган. Бир неча замбарак йүлга чоғланган, буларнинг бири бизники эди — танидим... Бу гун аҳоли ҳозир бўлиб, ёлғон подшога мунтазир. Комендант уйиннинг эшиги олдидаги бир казак чиройли, оқ қыргиз отининг жиловидан ушлаб туради. Мен комендант хотинининг жасадини излаб, кўз югуртиридим. Жасад четроққа чиқарилиб, устига чипта ёпиб қўйилибди. Ниҳоят, Пугачёв чиқди. Халқ шапкани бошидан олиб, таъзим қилди. Пугачёв эшик олдидаги тўхтаб, ҳамма билан омонлашди. Оқсоқоллардан бири унга бир халта чақа тутди. У чақани сиқимлаб-сиқимлаб сочди, халқ қичқириб, бир-бирини итариб пулларни тераверди. Пугачёвни ўз яқинларидан катталари ўраб олди. Буларнинг ичида Швабрин ҳам бор эди. Қўз-кўзга тушди; менинг нигоҳимдан у нафрат сеза оларди ва юзида чин ғазаб, сохта табассум акс эттириб, четга қаради. Пугачёв мени оломон ичида кўриб, боши билан имлади, ёнига чақирди.

— «Ҳой, — деди у менга. — Ҳозироқ Оренбургга жўнаб, губернатор ва ҳамма генералларга айт: мен бир ҳафтадан кейин бораман, кўз тутишсин. Уларга маслаҳат бер: мени маъсум муҳаббат ва итоат билан кутпоб олишсин; акс ҳолда, қаттиқ жазодан қочиб қутулишот майди. Хайр, оқ йўл». Сўнгра у халойиқга мурожаат қилди ва Швабринни кўрсатиб: «Мана, болаларим, сизларга янги командир. Бунинг гапига қулоқ солинглар. Бу эса менинг олдимда ҳам сизлар, ҳам қалъя учун жавоб-

¹ *Херасков Михаил Матвеевич (1773 — 1807)* — шоир ва драматург, рус адабиётининг классик оқимида энг кўзга кўринган нағояндадардан бири. Эпиграф унинг «Жудолик» деган шеъридан олинган.

гар», — деди. Бу гапни эшитиб, қутим ўчди: Швабрин қалъага бошлиқ бўлаётир; Марья Ивановна унинг қўли остида қолмоқда! Э худо, энди унинг бошига қандай кунлар келади! Пугачёв айвончадан тушди. Келтирилган отга казакларнинг миндириб қўйишини кутмай ўзи сакраб минди.

Шу аснода, қарасам, халойиқ ичидан менинг Савельичим чиқиб, Пугачёвнинг олдига келди ва унга бир варақ қофоз тутди. Бу нима эканини ўйлаб, тагига етолмадим. «Бу нима?» — деди Пугачёв керилиб.

— Марҳамат қилиб ўқисанг, маълум бўлади, — деди Савельич. Пугачёв қофозни қўлига олиб, ортиқ аҳамият берган қиёфада узоқ кўз югуртирди. «Нималар ёзгансан? — деди охир. — Бу ёзувни биз чиқаролмадик. Менинг мирзам қани, мирза?».

Ёш, паст бўйли, капрал мундирли мирза дарров югуриб келди. «Товушингни чиқариб ўқи!» — деди Пугачёв, қофозни мирзага узатиб. Савельичнинг Пугачёвга нима деб ёзганини билишга ҳаддан гашқари қизиқар эдим. Мирза баланд овоз билан дона-дона қилиб қўйидагиларни ўқиди:

«Бири оддий мата ва бири йўл-йўл шойидан тикилган икки тўн: баҳоси олти сўм».

— Бу нима деганинг? — деди Пугачёв, қовогини солиб.

— Нари ёғини ўқит, — деди Савельич совуққонлик билди.

Мирза давом этди:

«Юпқа зангор мовутдан тикилган мундир, баҳоси етти сўм.

Оқ мовутдан тикилган шим, баҳоси беш сўм.

Тоза сурпдан тикилган манжетли ўн икки дона голланд кўйлаги, баҳоси 10 сўм.

Ичи тўла чой анжомлари билан сандиқча, баҳоси икки ярим сўм...».

— Бу қандай гап? — деди Пугачёв мирзани тўхтатиб. — Сандиқча-ю, манжетли шимларнинг билан нима ишим бор?

Савельич хириллаб тушунтира бошлади: «Бу, отагинам, бадкорлар томонидан талангандар баринга қарашли нарсаларнинг рўйхати...».

— Қанақа бадкорлар? — деди Пугачёв, дўқ уриб.

— Маъзур кўрилсин, оғзимдан чиқиб кетди, — деди Савельич. — Бадкорми, бадкор эмасми, сенинг одамла-

ринг талаб олиб кетган. Аччиғинг чиқмасин: түртта оёғи бўла туриб от ҳам қоқинади-ю. Нари ёғини ҳам ўқит».

— Ўқи! — деди Пугачёв. Мирза давом этди:

— «Бири чит, бири шойи — икки қўрпа, баҳоси тўрт сўм.

Қизил тиринка аврали почапўстин, баҳоси қирқ сўм. Яна сенга карvon саройда инъом қилинган, қуён тери-сидан тикилган пўстин, баҳоси ўн беш сўм.

— Бу нимаси тағин! — деб қичқирди Пугачёв кўз-ларини ўйнатиб.

Тўғрисини айтсам, чол учун мен қўрқиб кетдим. У яна изөҳ бермоқчи эди. Пугачёв сўзини бўлди: «Бунаقا беҳуда нарсани менинг олдимга кўтариб келгани қандай ҳаддинг сиғди? — деди у қофозни мирзанинг қўлидан ола солиб ва унинг юзига отиб. — Аҳмоқ чол! Талаганлар эмиш: оббо! Сен, миясини еган чол, мен ва менинг кишиларим ҳақига дуо қилки, хўжайининг билан бирга мана бу ноқобиллар қаторида осилиб кетма-динг... Қуён тери-сидан тикилган пўстин эмиш! Кўрсатиб қўяман мен сенга пўстинни! Тириклай терингни шилиб, пўстин қилдираман-а, биласанми?»

— Ўзинг биласан, — деди Савельич, — мен бир хизматкорман, хўжайиннинг нарсаларига жавобгарман.

Пугачёв олижаноблик ҳиссидан караҳт эди шекилли, шидамасдан бурилиб кетди.

Швабрин билан оқсоқоллар унинг кетидан кетишиди. Шайка қалъадан тартиб билан чиқиб кетди. Халқ Пугачёвни кузатиб борди. Майдонда Савельич иккимизгина қолдик. Савельич, қўлида рўйхат, унинг у ёқ-бу ёғига чуқур таассуф билан қарап эди.

Пугачёв билан орамизнинг яхшилигини кўриб, Савельич бундан фойдаланмоқчи бўлган экан: аммо бу яхши нияти ўтмади. Ўринсиз жонкуярлик қилгани учун сўқмоқчи эдим, аммо кулгидан ўзимни тута олмадим. «Кул, бегим, кул, — деди Савельич; шу нарсаларнинг ҳаммасини яна сотиб олиш керак, кўрамизда, ўша вақтда ҳам кулармикансан».

Мен Марья Ивановна билан кўришгани шошиб попнинг ўйига бордим. Попнинг хотини мени қайгули бир хабар билан қарши олди.

Марья Ивановна кечаси билан иситмада ёниб, алаҳ-лаб чиқибди. Ҳозир ҳам ҳушсиз, куйиб ётган эмиш. Полнинг хотини мени Марья Ивановнанинг ёнига бошлаб кирди. Мен аста каравотнинг ёнига бордим. Унинг

юзидағи ўзгаришни күриб әсім кетди. Бемор мени танимады. Мен анчагина тикка туриб қолдым, Герасим ҳазрат билан унинг меҳрибон хотини менга тасалли беришарди шекилли, аммо икковининг гапи ҳам қулогимга кирмас эди.

Турлы ёмон ўйларга бориб, ҳаяжонга тушдым. Қутурған құзғолончилар орасида қолган бечора, кимсасиз етим қизнинг ҳоли, ўзимнинг ожизлигім ваҳимага солди. Швабрин! Ҳаммадан шу мени ғазаблантиради. Ёлғон подшо амалга миндирган Швабрин қалъада ҳукмронлик қылар экан, қалъада қолган гунохсиз қизга бұлған беҳуда адовар төзесінде қалыптасып, қайтмаслиги мүмкін эди. Нима қылсам экан? Қизга қандай ёрдам берсам бұлади? Бадкорнинг құлдан уни қандай қилиб қутқарсам экан? Биргина йўл қолди: Белогор қалъасини қутқаришиң тезлатиш учун бетұхтов Оренбургга бориш ва имкони борича шу ишга ёрдам бериш. Поп ва унинг хотини билан хайрлашдым за энди хотиним ҳисоблаганым қизни Акулина Памфиловнага топширдім. Бечора қизнинг құлшыны олиб ўпдым ва ўпкам тұлыб йиғладым. «Хайр, — деди попнинг хотини мени күзатиб: — Хайр, Пётр Андреич. Яхши соатларда күришармыз. Бизни әсингиздан чиқарманг, тез-тез хат қилиб туриң. Бечора Марья Ивановнанинг сиздан бұлак умиди, ҳомийси йўқ».

Майдонга чиқдым, бир лаҳза тұхтаб, дорға қарадым, марҳумларга фотиха ўқиб, қалъадан чиқдым ва Оренбург йўлига тушдым. Мендан қолишини истамаган. Савельич кетимдан борар эди.

Йўл-йўлакай ўйланиб борардым. Бирдан орқамдан отнинг дупури эшитилди. Орқамга қарадым; қалъадан бир казак от қўйиб чиқди. У бир бошқирд отини етаклаган, менга томон от чопиб, қўли билан ишора қилиб келарди. Мен тұхтадым. Қарасам, ўзимизнинг ўнбоши. У етиб келди, отдан тушиб, етаклаб келған отици менга берди ва: «Тақсир, шоҳимиз шу отни ва ўз пўстинларини (қўён терисидан тикилган пўстин эгарда ўроғлиқ эди) сизга инъом қилдилар. Яна, — деди у тутилиб,—сизга... ярим сўм пул ҳам берган эдилар, йўлда йўқотдим, афв этинг». Савельич унга хўмрайиб қаради ва дўнғиллади; — Йўқотган эмиш! Чўнтағингда жирингләётган нима! Ноинсоф! «Чўнтағимда нима жирингләётир? — деди ўнбоши ҳеч авзойини бузмасдан. — Тепангда худо борчол! Жиринглаган отнинг сўлиғи, пул эмас!» — Бўлди, — дедим жанжалга хотима бериб. — Сени юборган ки-

шига менинг томонимдан қуллуқ қыл: йүқолган ярим сүмни қайтишда топиб, ўзинг арақ олиб ич. «Күпдан-күп раҳмат, тақсир, — деди у отининг бошини бураётиб; — умр бўйи ҳаққингизга дуо қиласан». Шуни айтиб, бир қўли билан чўнтағини ушлаганича бирнасда кўздан йўқолди.

Мен пўстинни кийиб, отга миндим ва Савельични мингаштириб олдим. «Мана, кўрдингми, отагинам, — деди чөл, — мен у ўғрига бекорга арз-ҳол қилганим йўқ, гарчи бу бошқирд оти билан пўстин, биздан талангани нарсалар ва ўз қўлинг билан берган пўстининг ўринини боса олмаса ҳам, ҳар ҳолда ўғри писофга келди: тўғиздан бир тук деганилар, бу ҳам ғанимат».

X боб ШАҲАР ҚАМАЛИ

Забт этиб тоғларни, ўтлоқларни ҳам,
Бургут каби чўққидан боқди шаҳарга бир дам,
Ўрдугоҳ орқасига, буюрди, майдон қуринг,
Яшириб ўқ-чақнилар, тундан шаҳарга юринг!

Херасков

Оренбургга яқинлашар эканмиз, бир тўда бандиларни кўрдик. Уларнинг соchlарни қирқилган, юзлари жаллод омбури билан дабдала қилинган. Булар искехом ёнида гарнizonдаги инвалидлар назорати остида ишлар эдилар. Баъзилари ҳаидақларга тўлган ахлатларни замбилғалтак билан ташиб чиқарадилар; баъзилари белкурак билан ер қазирдилар; ғиштчинлар ғишт ташиб, шаҳар қўргонининг раҳналарини тузатардилар. Дарвозадаги қоровул солдат бизни тўхтатиб, паспорт сўради. Сержант Белогор қалъасидан келаётганини эшитииб, мени тўғри генералнинг уйига олиб борди.

Мен уни боғида учратдим. У куз шамоли яланғочлаган олма дарахтларини қарап ва кекса боғбоннинг ёрдами билан уларнинг танасига похол ўрар эди. Унинг юзида осойишталик, тансоғлик ва эзгулик акс этарди. Мени кўриб севинди. Ўз кўзим билан кўрганим даҳшатли ҳодисаларни сўрай бошлади. Ҳаммасини айтиб бердим. Чол менинг сўзимга диққат билан қулоқ солар, шу билан бирга қуриган шохларни кесар эди. «Бечора Миронов! — деди мен қайғули ҳикоямни тамом қилганимдан сўнг. — Эсизгина, яхши офицер эди. Ми-

ронона хоним ҳам яхши хотин эди, қўзиқорин тузлашда тенги йўқ эди! Капитаннинг қизи Маша нима бўлди?». Мен унинг қалъада, поп хотинининг қўлида қолганини айтдим. «Бай-бай-бай! — деди генерал. — Ёмон бўлибди, жуда ёмон бўлибди. Босқинчилардан ҳеч интизом кутиб бўлмайди. Бечора қизнинг аҳволи нима бўлар экан?» Мен, Белогор қалъаси яқин, ундаги бечора аҳолини қутқазиш учун аскар юбориш ишини жаноблари балки тезлаторлар, дедим. Генерал кўнгли чопмай, бош чайқади. «Кўрамиз, кўрамиз, — деди у. — Бу тўғрида маслаҳат қилишга фурсат бор. Менинг уйимга марҳамат қил, бирор стакан чой ич: бугун ҳарбий кенгаш бўлади. Иш ёқмас Пугачёв ва унинг қўшини ҳақида бизга тўғри маълумотлар бера оласан. Энди бориб дам ол».

Менга ажратилган уйга кетдим. Савельич уйга аллақачон ўрнашиб олибди. Белгиланган вақтни сабрсизлик билан кутиб турдим. Менинг тақдирим учун катта аҳамияти бўлган бу ҳарбий кенгашга бормай қола ол-маслигимни ўқувчи осонлик билан тасаввур этса керак.

Тайинланган соатда генералининг ўйида ҳозир бўлдим.

У ерда шаҳар амалдорларидаи бирпи (гумрудидорининг директори экани эсимда бор) қизил юзли, барваста, ипак тўён кийган бир киши ўтирган экан. У менга Иван Кузмич ва унинг тақдирини ҳақида кўп саволлар берди. Гапига қараганда, Иван Кузмич унинг яқин ошнаси экан. У менинг сўзимни ахлоқий қайдлар ва қўшимча сўроқлар билан тез-тез бўлар эди. Бу сўзлари ва қайдлари унинг уруш илмидан бохабар эканига далолат қилмаса ҳам, зотан ақлли ва зийрак эканини кўрсатарди. Бу орада бошқа чақирилганлар ҳам йиғилиб қолди. Ҳамма ўтириб, ҳаммага бир пиёладан чой берилгандан кейин генерал гап нима эканини очиқ ва содда равишда айтди: «Энди, жаноблар, — деди у давом этиб, — шуни ҳал қилишимиз керак: исёнчиларга қарши ҳужум жангни олиб борамизми ёки мудофаа жангни олиб борамизми? Бу жанглардан ҳар бирининг фойдали томони ҳам, заарали томони ҳам бор. Душманни тез ҳалок қилишда ҳужум жангни ишончлироқ йўл; мудофаа жангни тўғрироқ ва хавфсизроқ бўлади... Шундай қилиб, қонунга мувофиқ, овозга қўямиз, яъни амал жиҳатидан кичиклардан бошлаймиз. Жаноб прaporщик, — деди у менга мурожаат қилиб, — марҳамат қилиб, ўз фикрингизни айтинг».

Мен аввал Пугачёв ва унинг шайкаси ҳақида қис-
қагина сўзлаб, сўнгра унинг мунтазам аскарий кучга
турниш бера олмаслигини айтиб бердим.

Менинг фикрим амалдорларга ёқмади. Улар бу
фикрни бир ёш йигитнинг шошқалоқлиги ва калта ўйли-
ги деб билдила. Пичир-пичир бошланди, кимнингдир
«гўдак» деганини эшитиб қолдим. Генерал менга томон
ўгирилди ва кулимсираб деди: «Жаноб прапорщик!
Одатда ҳарбий қенгашда биринчи товуш ҳужум жангига
фойдасига берилади; бу қонуний тартиб. Энди овозга
ўз фикрингизни айтинг!».

Ипак чопон кийган чол, хийлагина ром солинган
учинчи пиёла чойни шошиб ичди-да, генералга жавоб
берди: «Менимча, жаноб олий, ҳужум жангига ҳам бўл-
майди, мудофаа жангига ҳам».

— Жаноб коллежский советник, — деди ҳайрон бў-
либ генерал. — Бошка йўл тактикада йўқ: ё ҳужум, ё
мудофаа...

— Жаноби олий, пул билан алдаш йўлини қўллаш
керак.

— Ҳа, ҳа, ҳа! Фикрингиз жуда бамаъни. Пул билан
алдаш йўлини қўллашга ҳам тактикада рухсат берилади,
сизнинг маслаҳатингиздан фойдаланамиз. Бадкор-
нинг калласини келтирган кишига маҳфий пулдан...
бирон етмиш, ҳатто юз сўм ваъда қилиш мумкин....

— Шундай қилганда, — деди ғумруқ идорасининг
директори, генералнинг сўзини бўлиб, — бу ўғрилар ўз
атаманларининг қўлоғенини боғлаб топширмасалар,
коллежский советник эмас, қирғизларнинг қўйи бўлай.
«Биз бу тўғрида яна ўлашиб, қенгашиб кўрамиз, —
деди генерал. — Бироқ, ҳар эҳтимолга қарши, ҳарбий
тадбирларни ҳам кўриш керак. Жаноблар, қонуний
тартибда товуш беринглар».

Бутун фикрлар менинг фикримга қарши бўлиб чиқ-
ди.

Ҳамма амалдорлар қўшинга ишониб бўлмаслиги,
муваффақият қозониш қийинлиги, эҳтиёткорлик керак-
лиги ва ҳоказолар тўғрисида сўзлади. Буларнинг ҳам-
маси ҳам очиқ майдонга чиқишдан кўра, қалъанинг
ғишини девори орқасида, тўплар ҳимояси остида ту-
ришини мувофиқроқ кўришди. Охири генерал ҳамманинг
фикрини эшитиб бўлганидан сўнг, чекиб турган труб-
касининг кулини қоқиб, сўз бошлади:

«Жаноблар, сизга шуни айтаманки, мен ўз тара-

фимдан жаңоб прапорщикнинг фикрига тамом құшиламан: чунки бу фикр соғлом тактиканиң барча қоидаларига ассосяланғандыр. Тактика ҳамма вақт мудофаадан күра ҳужум жангинн аъло күради».

У тұхтаб, трубкасига тамаки солди. Менинг күкрагим күтарили. Мен юзларидан бесаранжомлик ва норозилик ақс этиб, үзаро пичирлашиб үтирган амалдорларга кибр билан қарадым.

«Аммо, жаноблар, — деди генерал чуқур уф тортиб ва оғзидан ҳаво ўрнига қуюқ тутун чиқарып. — Сүз марҳаматли жаңоб императдр хоним томонларидан менга топширилган вилоятнинг хавфсизлигин устида борар экан, мен бундай зёр маңыулиятни ўз устимга ололмайман. Шундай қилиб, мен күпчилікнинг қарорига қүшиламан; шаҳарнинг ишінде туриб қамални кутиш душман ҳужумини эса тұп ва (мумкин бўлса) қалъадан ташқарига чиқиш билан даф қилиш тўғри ва хавфсизроқ».

Амалдорлар энди менга қулемспраб қараши. Кенгаш тарқалди. Иш билмас ва тажрибасын кишилариниң фикрига амал қилиб, ўз фикрига қарши қарор берган мўътабар генералнинг бўшанглигига афсусландим.

Бу машҳур кенгашдан кейин бир исча кун ўтгач, Пугачёв, ўз ваъдасига мувофиқ, Оренбургга яқинлашганидан дарак етди. Мен қўзғолончилар қўшишини шаҳар кўргонининг тепасидан кўрдим. Назаримда ўзим кўрган сўнгги ҳужумда оига қараганда уларнинг сони ўн баравар кўпайған эди. Тобе қилинган кичик қалъалардан олинган тўплар ҳам бор. Кенгашнинг қарорини эслаб, Оренбург қалъасида узоқ вақт қамалиб қолишимга қўзим етди ва аламдан йиғлаб юбора-ёздим.

Хотираға эмас, тарихга оид бўлган Оренбург қамалини тасвир этиб үтиրмайман. Қисқагина қилиб шуннайтаманки, маҳаллий бошлиқларнинг эҳтиётсизликлари орқасида бўлган қамал, турли оғатлар ва очликни бошдан кечирган аҳоли учун ҳалокатли бўлди. Оренбургда тирикчилик қилиш нақадар оғир бўлганини осонлик билан кўз олдига келтириш мумкин. Ҳамма ўз тақдирининг нима бўлишини оҳ-воҳ билан кутарди; ҳамма қимматчиликдан фифон чекарди, қимматчилик ҳақиқатан даҳшатли тус олиб борар эди. Аҳоли ҳовлиларга тушадиган тўп ўқларига кўникиб қолди; ҳаттес Пугачёвнинг ҳужуми сўнгги вақтда кишиларнинг диққатини жалб қилмай қўйди. Мен диққатбозликдағ

ўлаёздим. Қунлар ўтиб борар эди. Белогор қалъасидан ҳат йўқ. Ҳамма йўл-у алоқа кесилган. Марья Ивановна-дан айрилганинга тоқат қиолмай қолдим. Унинг тақдири нима бўлганини билмаслигим мени қийнарди. Менинг ягона овунчим отланниб у ёқ-бу ёққа бориш эдп. Пугачёвниң марҳамати билан яхши отга эга бўлган эдим. Топған-тутганинни шу билан баҳам кўрамаш ва унга миниб, Пугачёвниң суворилари билан отишгани ҳар куни шаҳардан ташқари чиқаман. Бу отишувларда тўқ, маст, яхши отли бадкорларнинг қўли ҳамма вақт баланд келар эди. Оти ориқ шаҳар суворийлари уларни енгишдан ожиз. Баъзан бизнинг оч ишёда аскарларимиз ҳам шаҳардан ташқарига чиқар, аммо қорининг қалинлиги тарқоқ суворийларга қарши муваффақиятли иш кўргани халал берар эди. Қалъа тепалигидан тўй пайдар-пай отилади, аммо уруш майдонида олға силжимайди, чунки отларда дармон йўқ, қорга ботиб қолади. Бизнинг ҳарбий ҳаракатимизнинг ҳоли шу эди! Оренбург амалдорлари шуни эҳтиёткорлик ва ақллилик деб атаганлар!

Бир куни, душманинг каттагина бир туркумини гарқатиб қочиришга муваффақ бўлганимизда, ўз ўртоқларидан кетда қолган бир казакка етиб олдим; усмонли қиличим билан урай деганимда, у телпагини бошидан олиб, қичқирди: «Ассалому алайкум, Пётр Андреич! Эсономон бормисиз?».

Қарасам: ўзимизнинг ўнбоши. Айтиб бўлмаслик даражада севинидим. — «Ваалайкум ассалом, Максимич, — дедим унга. — Белогор қалъасидан қачон келдинг? — Яқинда, азизим Пётр Андреич; кечагина келдим, сизга ҳат бор».

— Қани? — дедим ҳовлиқиб.

— Ёнимда, — деди Максимич қўлинни қўйнига тиқиб. — Мен қандай бўлса ҳам, ҳатни сизга етказиб бераман деб, Палашкага ваъда қилган эдим. У ҳатни менга берди-да, дарҳол от қўйиб кетди. Ҳатни очиб, ҳаяжон ичидан шу сатрларни ўқидим:

«Худо менга ҳам ота, ҳам онадан ажрашни муносиб кўрди: дунёда на қариндошим бор, на ҳимоячим. Менга ҳамма вақт хайриҳоҳ бўлганингизни ва ҳар кимга ҳам ёрдам беришга тайёр эканингизни билиб, сизга мурожаат қиласман. Худоё бу ҳат, қандай бўлса ҳам, сизга тегсин! Максимич буни сизга етказмоққа сўз берди. У сизни уруш вақтларида тез-тез узоқдан кўрар экан. Кўз ёши тўкиб дуойи жөнингизни қилувчилар

тўғрисида ўйламасдан, ўзинғизни эҳтиёт қилмас эмишсиз. Узоқ вақт оғриб ётдим; тузалганимдан кейин, марҳум отам ўрнида ҳозир қўмондонлик қилаётган Алексей Иванович, Герасим ҳазратни мажбур қилиб, Пугачёв номи билан қўрқитиб, мени ўзига олмоқчи бўлди. Мен ҳозир ўз уйимизда тураман, мени пойлаб мудом қоровул туради. Алексей Иванович «менга тегасан», — деб мажбур қилаёттир. «Акулина Памфиловна менинг жияним деб ёлғон гапирганда, бу ёлғонни очмай, жонингни сақлаб қолганман», — дейди. Алексей Ивановичдай кишининг хотини бўлгунча ўлганим яхши. У менга жуда жабр қилаётиди. «Агар унамасанг лагерга элтиб, Лизавета Харлованинг¹ кунига соламан», — дейди. Мен Алексей Ивановичдан ўйлаб кўргани муҳлат сўрадим. У яна уч кун сабр қилишга рози бўлди; агар уч кундан кейин мен унга тегмасам, ҳеч қандай раҳм-шафқат бўлмайди. Азизим Пётр Андреич! Менинг ягона пуштипаноҳимсиз. Мен бечорани ҳимоя қилинг. Генерал ва барча қўмондонлардан илтимос қилинг; бизни қутқаргани аскар юборишсин; иложини қила олсангиз ўзингиз ҳам келинг. Фармонбардоринғиз етим қиз:

Марья Миронова».

Бу хатни ўқиб, ақлдан озаёздим. Бечора отни раҳмислизик билан қамчилаб шаҳарга тушдим. Боёқиши қизни қандай қилиб қутқарсан экан деб, йўл-йўлакай кўп ўйларга бордим, аммо ҳеч нарса ўйлаб тополмадим. Шаҳарга келиб, тўғри генералнинг олдига бордим ва югуриб уйига кирдим.

Генерал трубкасини чекиб, уйда нари-бери юрган экан. Мени кўриб тўхтади. Менинг важоҳатимни кўриб ҳайрон бўлди шекилли, бундай шошиб қолганимнинг сабабини сўради.

— Жаноби олий, — дедим унга, — мен сизни ўз отам ўрнида кўриб, мурожаат қиласман; худо ҳақи, менинг илтимосимни қайтарманг; сўз менинг умр бўйи ё баҳтли, ё баҳтсиз бўлишим тўғрисида боради.

— Нима гап, азизим? — деди чол ҳайрон қолиб. — Мен сенинг учун нима қила оламан? Айт.

— Жаноби олий, бир рота солдат билан элликта

¹ Нижнеозёр қалъаси қўмондонининг хотини. Пугачёв олиб кетиб, кейин ўлдирган.

казак олиб, Белогор қалъасидан исәнчиларни қувиб чиқармоққа менга фармон беринг.

Мени ақлдан озган гумон қылди шекилли, генерал юзимга тикилди (агар шундай деб ўйлаган бўлса, хато қилмаган деса бўлади).

— Бу қандай гап? Белогор қалъасидан исәнчиларни қувиб чиқармоққа? — деди у, ниҳоят.

— Муваффақият қозонишга кафилман, — дедим қизишиб. — Фақат менга рухсат беринг.

— Йўқ, йигитча, — деди у бош чайқаб. — Бундай катта масофада душман, асосий стратегик пунктдан ажратиб қўйиб, сизни тамом мағлуб қиласди. Алоқа йўли кесилса...

Унинг муҳокамага берилиб кетишини кўриб, қўрқиб кетдим ва сўзини бўлишга шошилдим. — Қапитан Минроновнинг қизи, — дедим, — менга хат ёзибди; ёрдам сўрайди; Швабрин уни ўзига тегишга мажбур қилаётган эмиш.

— Наҳотки? О, бу Швабрин бориб гурган Schelm¹. Агар қўлимга тушса, 24 соат ичиди суд қилдириб, қалъа девори остида оттираман! Аммо ҳозирча сабр қилиш керак...

— Сабр қилиш керак! — деб қичқирдим ўзимни ўқотиб. — Үнгача Марья Ивановнани хотин қилиб олади...

— О! — деди генерал. — Ҳечқиси йўқ, ҳозирча Швабринга хотин бўлиб тургани тузук; Швабрин ҳозир уни қутқаради; биз Швабринни отганимиздан ке-йин, худо берса, эр топилиб қолар. Ёш тул хотин уйда ўтириб қолмайди; яъни демоқчиманки, ёш тул хотин қизларга қараганда тезроқ эр тонади.

— Уни Швабринга берганимдан кўра, ўлимимга рози бўламан! — дедим ғазаб билан.

— Э... гап бундай дегин! — деди чол. Энди тушундим; сен Марья Ивановнани яхши кўрар экансан-да. Бу бошқа гап. Бечора йигит! Шундай бўлса ҳам, сенга бир рота солдат билан элликта казак бера олмайман. Бу ақлга тўғри келадиган экспедиция бўлмайди; мен бу масъулнитни бўйнимга ололмайман.

Бошимни қуи солдим; умидсизлик мени ўз чангалига олди. Бирдан бошимга бир фикр келди: бу фикр қандай фикр эканини, эски романчилар айтгандай, ўқувчи қуидаги бобда билади.

¹ Ярамас, аглаҳ одам (немисча).

ҚҰЗҒОЛОНЧИЛАР ҚИШЛОГИ

У үчінде шер тұқ әди, гарчи йириңіч туғаси.
 «Нега даркор бұлибди мен ғарібнің күлбаси, —
 Нега ташриф этдилар?»
 Сүради у мұлойим.

A. Сумароков

Генералнің олдидан чиқиб, үз үйимга кетдім. Савельич мени одатдаги қовоғини солиб қарши олди. «Маст ўғриларға рұпара бұлиш сенға бир ҳавас! Оқ сүяқларға муносиб ишми шу? Замон ёмон, беҳудага ҳалок бұласаи. Кошки турклаваға ёки шведларға қарши урушсанг экан, кимга қарши урушаётганингни айтишга ҳам тил бормайди».

— Ҳаммаси бұлиб қанча пулым бор? — дедім уннің сүзини бұлиб. «Сенға етарлы пул бор, — деди мамнұн чөхра билан. — Босқинчилар шунда қылдырғандары билап мен яшіпrib құйған жойымдан топшиша олмади». Үңтагидан күмуш ақчага тұла ҳамённи олди. — Қани, Савельич, — дедім, — ярмінің менға бер, қолғашыңға үзинг ол. Мен Белогор қалъасынға бораман.

«Отагинам Пётр Андреич! — деди меҳрибон өз титроқ товуш билан. — Худодан құрқ; босқинчилар йўлни тўсиб, ҳеч қаёққа қўймайдиган бир пайтда сен қандай қилиб йўлга чиқасан! Үзингга раҳм қилмасанг, ота-онангга раҳм қил. Қаёққа борасан? Нима учун? Озроқ сабр қил: аскар чиқсін, босқинчиларни тутсын, кейин қаёққа борсанг боравер».

Менинг қасдим қасд әди. «Бу тұғрида ўйлаб ўтиришнің вақти үтган, — дедім өзін. — Мен боришга мажбурман, бормай иложим йўқ. Қўрқма, Савельич, худонинг ўзи асрайди; яна кўришамиз! Тортинма, ҳиссилк ҳам қилма. Үзингга керакли нарсаларни ол, уч баравар қиммат бўлса ҳам майли. Бу пулни сенға инъом қилдим. Агар уч кунда қайтиб келмасам...».

«Нима деяпсан, бегим? — деди Савельич менинг сүзимни бұлиб. — Сени ёлғиз кетгани қўярмидим! Бундай дея кўрма. Агар сен боришга бел боғлаган бўлсанг, пиёда бўлса ҳам кетпінғдан бораман, сендан қолмайман. Мен сенсиз бу тош девор орқасида ўтирап-мишманми! Эсимни ебманми? Ихтиёриңг, бегим, аммо мен сендан қолмайман».

Савельич билан баҳслашиш қийин эканини билганим учун, йўлга ҳозирланишини буюрдим. Ярим соатдан кейин мен ўз отимга миндим. Шаҳарликлардан бирни боқиш қўлидан келмай текинга берган ориқ ва чўлоқ қирчангига Савельич минди. Шаҳар дарвозасига томон юрдик; қоровуллар бизни тўсмади; Оренбургдан чиқдик.

Коронги туша бошлади. Мен Пугачёвнинг қароргоҳи — Бердская қишлоғи ёнидан ўтишим керак, чунки тўғри йўлни қор босган. Бутун далада ҳар куни янгилашиб турадиган от излари қўринарди. Мен отни йўрттириб борарадим. Савельич аранг менга етиб юрар ва узоқдан қичқирап эди: «Секинроқ юр, бегим, худо ҳақи, сеқинроқ! Менинг бу лаънати қирчангим узун оёқ алвастингга етолмаяпти. Мунча қистамасанг? Кошни зиёфатга кетаётган бўлсанг, ўлим қучогига бўлмаса гўрга эди... Пётр Андреич... Отагинам Пётр Андреич!.. Ҳалок қилма!.. Ё раббилоламин, бариннинг фарзанди хароб бўлади!».

Ҳадемай Бердскаянинг чироқлари қўринди. Қишлоғнинг табиий қўрғони бўлган сойликка келдик. Савельич ёлворишини қўймай, кетимдан келар эди. Мен бу қишлоқ ёнидан эсон-омон ўтиб кетиш умидида эдим, бирдан қоронгида рўпарамдан беш мужик чиқди: ҳаммаси ҳам сўйил кўтарган эди; булар Пугачёв қароргоҳининг олдинги қоровуллари эди. Бизни чақиришди. Паролни билмаганим учун, индамасдан ўтиб кетмоқчи эдим, улар дарҳол мени ўраб олишди ва бири отимни жиловлади. Қиличимни сугуриб, мужикнинг бошига урдим; телпаги унинг жонига ора кирди, аммо қалқиб кетиб, жиловни қўйиб юборди. Бошқалари қўрқиб қочишиди, мен фурсатдан фойдаланиб, отга қамчи босдим.

Тушиб бораётган қоронгилик мени ҳар қандай хавфдан қутултириши мумкин эди, аммо бирдан орқамга қарасам Савельич йўқ. Бечора чол чўлоқ от билан ўғрилардан қочиб қутула олмабди. Нима қилиш керак? Озроқ кутдим, қўлга тушганига ишонганимдан сўнг отнинг бошини буриб, уни қутқазгани бордим.

Чуқурликка яқин келиб узоқдан ғовур, шовқинсурон ва Савельичимнинг товушини эшиздим. Жадаллаб ўша томонга бордим, тез орада бундан бир неча минут бурун мени ушлаган қоровуллар орасига яна келиб қолибман. Савельич шулар ўртасида экан. Улар чолни отдан тушириб, оёқ-қўлини боғлаш тарааддуудида эканлар. Менинг келишимга ҳаммаси севинди. Қичқи-

риб, менга хужум қилишди ва кўз очиб юмгунча отдан судраб туширишди. Булардан бири, бошлиқ бўлса керак, бизни шоҳнинг олдига элтажагини билдириб: «Шоҳимиз нимани буюрсалар шу: ҳозир остирадиларми ё тонг отишини кутмоққа буюрадиларми — ўзлари биладилар», — деди. Мен қаршилик кўрсатмадим; Савельич ҳам мендан ўrnak олди. Бизни тантана билан олиб кетдилар.

Чуқурликдан ўтиб, қишлоққа кирдик. Ҳамма уйларда чироқ ёнар эди. Ҳар ёнда ғовур, шовқин-сурон. Кўчада ҳалқ кўп; аммо қоронгида бизни ҳеч ким пайқамади ва менинг оренбурглик офицер эканимни ҳеч ким билмади. Бизни тўғри чорраҳадаги бир уйга олиб кирдилар. Дарвоза ёнида бир неча вино бочкаси ва иккита тўп турар эди. «Мана, саройга келдик, — деди мужиклардан бири, — ҳозир сизлар тўғрингизда кириб айтаман». У уйга кириб кетди. Мен Савельичга қарадим: чол чўқинар ва ўзича аллақаңдай дуолар ўқир эди. Мен узоқ кутиб қолдим; ниҳоят, кириб кетган мужик чиқди ва: «Юр, шоҳимиз: офицер кирсан, деб амр қилди», — деди.

Мен уйга ёки, мужикларнинг айтишича, саройга кирдим. Уйда иккита мум шам ғиноб турарди. Деворларга зарҳал қофоз ёништирилган; аммо курси, стол, ип билан осиб қўйилган қўл ювгич, қозиққа илинган сочиқ, бурчакдаги катта сопол печка ва бошқа анжомларнинг ҳаммаси оддий уйлардагидай эди. Пугачёв устида қизил тўн, бошида узун телпак, санам остида керилис, ёнбошлаб ўтиради. Ёнида унинг яқин ўртоқларидан бир нечаси ясама лаганбардорлик қилиб турарди. Оренбургдан офицер келганлиги хабари қўзғончиларининг зўр мароқларини қўзғатганлиги ва мени тантана билан кутиб олишга тайёрланганликлари ошкор эди. Пугачёв мени кўриши биланоқ таниди. Унинг сунъий жиддияти бирдан ўйқолди. «Ҳа, жаноб! — деди у дарров. — Аҳволинг қалай? Нечук худо етказди?». Мен ўз ишим билан кетаётганимда унинг кишилари тўхтатганликларини айтдим. «Қандай иш билан?» — деб сўради. Нима дейишимни билмай қолдим. Пугачёв мени «Кишиларнинг олдига гапиргиси келмаётир», — деб гумон қилиб, ўртоқларига чиқиб туришни буюрди. Ҳаммаси чиқиб кетди. Фақат иккитаси қолди. «Буларнинг олдига бемалол гапиравер, — деди Пугачёв. — Булардан мен ҳеч нарсани яширмайман». Мен ёлғон шоҳнинг яқин ўртоқларига кўзимнинг қирини ташла-

дим. Булардан бири ориқ, букчайган, оппоқ соқолли чол бўлиб, елкасидан тортилган кўк лентадан бўлак диққатни жалб қиласидиган ҳеч нарсаси йўқ эди. Аммо иккинчи чол ўла-ўлгунча эсимдан чиқмайди. У новча, барваста, кенг елкали, қирқ бешларга борган кўринди. Қалин малла соқоли, чақнаб турган кул ранг кўзлари, кесик бурни, пешанасидаги ва юзидағи қизил доғлар унинг чўтири кенг юзига англашиб бўлмайдиган бир ифода берар эди. Унинг устида қизил кўйлак, қирғизча чопон ва шим. Кейин билсан, биринчиси — қочоқ капрал Белобородов¹, иккинчиси Хлопуша² номи беришган Афанасий Соколов экан. Бу одам сургун қилинган жинояткор бўлиб, уч марта Сибирь конларидан қочган. Мени фавқулодда ҳаяжонга солган ҳисларга қарамай, иттифоқо кириб қолганим бу мажлисдан ортиқ даража мароқландим. Аммо Пугачёв савол бериб, мени ўзимга келтирди. «Айт, сен нима иш билан Оренбургдан чиқдинг?».

Бошимга ғалати бир фикр келди, назаримда шундай кўринди: мени иккинчи марта Пугачёвнинг олдига келтирган ҳикмати илоҳия ўз ниятимни амалга оширгани ёрдам бераётир. Мен бундан фойдаланишга қарор бердим ва қандай қарорга келганимни ҳали ўйлаб етмасдан, Пугачёвнинг саволига жавоб бердим.

— Зулм кўраётган етим қизни қутқаргани Белогор қалъасига кетаётган эдим.

Пугачёвнинг кўзлари чақнаб кетди. «Менинг кишиларимдан қайсип бири етим қизга зулм қилибди, кимнинг ҳадди сиғибди? — деди у қичқириб. — У ҳар қандай донишманд бўлса ҳам, менинг газабимдан қочиб қутулолмайди. Сўйла, ким экан у?».

— Швабрин, — дедим. — Поининг уйида сен кўрган бемор қизни қамоқда сақлаб, мажбуран хотин қилиб олмоқчи.

— Мен Швабринга кўрсатиб қўяман! — деди у забланиб. — Менинг қўл остимда бўлиб, ўзбошимчалик ва халқа зулм қилиш қандай эканини билиб қўяди. Осаман уни.

— Рухсат эт, бир оғиз сўз айтай, — деди Хлопуша хириллаган товуш билан. — Сен Швабринни қалъанинг

¹ Белобородов Иван Наумович — Пугачёвнинг ёрдамчиларидаи бўлган деҳқон.

² 2 урол заводларидаи биринда ишлаган крепостной. Катта ташкилотчи, ўткир потиқ.

команданти қилиб тайинлашга шошган әдинг, әнді уни осишга шошиласан. Дворянинни бошлиқ қилиб тайинлаш билан казакларни ұқорат қылдинг; уни осиб, дворянларни құрқитиб қўйма.

— Уларга раҳм ҳам, илтифот ҳам керак эмас! — деди қўқ лентали чол. — Швабринни оссак ҳеч бокиси йўқ; жаноб офицернинг нима учун келгани тўғрисида бир сўроқ қилинса, ёмон бўлмас эди. Агар сени шоҳ деб танимаса, сендан адолат сўрашининг маъноси йўқ; агар у сени шоҳ деб таниса, нима учун бу кунгача Оренбургда сенинг душманларинг билан ўтирган? Сўроқ уйига олиб кириб қийноққа солишга рухсат бермайсанми? Менинг назаримда бу кишини бизнинг олдимизга Оренбург қўмондонлари жосус қилиб юборган.

Бу қари бадкорнинг мантиқли сўзи менга хийла ишонтираси кўринди. Кимларнинг қўлида эканимни ўйлаб, этим жунжикни кетди. Пугачёв менинг гангид қолганимни сезди. «Хўш, жаноб, — деди у менга қўз қисиб. — Менинг фельдмаршалим тўғри айтляпти дейман. Сенингча қалай?».

Пугачёвнинг заҳархандаси менга далда берди. Мен, ҳовлиқмасдан, униш қўлида эканимни, нима қилса қўлидан келишини айтдим.

— Бўлти, — деди Пугачёв. — Энди шаҳарнинг қандай аҳволда эканини айт.

— Худога шукур, тинчлик, — дедим.

— Тинчлик? — деди Пугачёв. — Халқ очдан ўлаётир-ку!

У тўғри айтарди; лекин бурчимга содиқ бўлганим учун, буларнинг ҳаммаси бекорчи овоза, Оренбургда босиб қўйилган озиқ-овқат кўп деб ишонтиришга тиришдим.

— Қўрдингми — деди чол, — қўзингга қараб туриб сени алдаётir. Қочиб қелганларнинг ҳаммаси бир оғиздан Оренбургда очарчилик ва ўлат бор экани, халқ ўлик ейишдан ҳам тортишмаганини сўзлади, бу киши бўлса ҳар нарса тўкинчиллик деб ишонтиради. Агар сен Швабринни осадиган бўлсанг, ўша дорга бу жанобни ҳам оски ҳеч ким ҳавас қилмасин.

Лаънати чолнинг гапи Пугачёвга таъсир қилгандай бўлди. Менинг баҳтимга Хлопуша ўртоғининг сўзига қарши турди. «Қўйсангчи, Наумич, сенга қолса ҳам мани бўғ, ос. Қандай паҳлавонсан ўзинг? Бир оёғинг гўрда-ю, бошқаларни ўлдирмоқчи бўласан. Оз кишининг қонига зомин бўлдингми?».

— Сен қачондан бери художўй бўлиб қолдинг? —
деди Белобородов. — Раҳмдиллик сенга қаёқдан
келди?

— «Албатта, мен ҳам гуноҳкор,—деди Хлопуша,—
бу қўл (у қуруқ сукдан иборат бўлган муштини қат-
тиқ қисди ва енгини шимариб, ўхшовсиз қўлини очди),
тўкилган христиан қонига бу қўл ҳам зомин. Аммо мен
меҳмонни эмас, душманни ўлдирғанман; уйда печка-
нинг олдида ўтириб эмас, майдонда, қоронғи ўрмонда
ўлдирдим; хотинларнинг афсуни билан эмас, чўқмор
билан, болта билан ўлдирдим». Чол юзини тескари ўғи-
риб, дўнгиллади: «Йиртиқ бурун!..»

— Нима деб дўнгилляпсан, лақма чол?—деб қич-
қирди Хлопуша. — Йиртиқ бурунни сенга кўрсатиб
қўяман; щошма, сенга ҳам навбат келади; худо хоҳла-
са сен бу омбурнинг мазасини татиб кўрасан... Ҳозирча
эҳтиёт бўлиб тур, соқолингни юлиб олайин!

«Енерал¹ жаноблар!—деди Пугачёв улуғворлик бп-
лан.—Жанжални бас қилинглар. Бутун Оренбург ит-
лари бир дор ёғочи остида оёқ типирғлатса, ҳечқиси йўқ,
аммо бизнинг кўпаклар бир-бири билан гажишгани
ёмон. Бас, ярашинглар».

Хлопуша билан Белобородов индамай, бир-бирига
хўмрайиб қаради. Мен гапни бошқа ёққа буриш зарур-
лигини сездим, чунки бу сўз давом этса, менинг учун
зарарли бир натижча чиқиши мумкин эди.—Айтгандай,
юборган отинг билан пўстининг учун сенга раҳмат ай-
тиш эсимдан чиқаёзибди!—дедим Пугачёвга қарааб
очиқ чехра билан.—Агар шуларни юбормаганингда,
шаҳарга етолмай йўлда совқотиб қолар эдим.

Қилган макрим муваффақиятли чиқди. Пугачёвнинг
чехраси очилиб кетди. Олишнинг бериши ҳам бўлади,
—деди у кўзини қисиб.—Хўш, Швабрин зулм қилаёт-
ган қиз билан қандай алоқанг бор? Ё юракдан теккан-
ми, а?

Унинг авзойини кўриб, яширишни лозим топмадим:
У менинг қаллиғим,—дедим.

— Сенинг қаллиғинг?—деди Пугачёв қичқириб.—Не-
га илгарироқ айтмадинг? Биз сени уйлантириб, тўйинг-
да кайф қиласардик!—Сўнг Белобородовга мурожаат қил-
ди: «Менга қара, фельдмаршал! Биз бу киши билан
эскидан ошнамиз; овқат қилайлик; эрта кечдан кўра

¹ «Генерал» сўзининг бузуб айтилиши,

яхшироқ. Бу кишини нима қилиш түғрисида эртага гапиришамиз».

Мен бу илтифотдан воз кечишга тайёр эдим; бироқ илож йўқ эди. Уй ғасининг қизлари — икки казачка дастурхон ёзди, нон, балиқ шўрва, бир неча шиша мусаллас ва вино келтирди. Шундай қилиб, мен иккинчи марта Пугачёв ва унинг даҳшатли шериклари билан ҳамтовоқ бўлдим.

Ихтиёrsиз қатнашганим бу май мажлиси ярим кечагача давом этди. Охири улфатларни кайф енга бошлади. Пугачёв ўтирган ерида мудрар эди; унинг ўртоқлари туриб, менга «чиқ» деб ишора қилдилар. Ҳаммамиз бирга чиқиб кетдик. Хлопушанинг буйруғи билан қорувул мени сўроқхонага олиб кирди. Бу ерда Савельич ҳам ўтирган экан. Икковимизни шу ерга қамаб, эшикни қулфлашди. Бу ишларни кўриб чол шундай ҳайратда эдики, мендан ҳеч нарса сўрамади ҳам. У қоронгида анчагина уф тортиб, оҳ чекиб ётди; охири уйқуга кетиб, хуррак тортди. Мен ўйга ботдим, бу ўйлар тун бўйи кўз юмгани қўймади.

Эрталаб мени Пугачёв чақиртирди. Бордим. Дарвоза олдида учта татар оти қўшилган фойтун турар эди. Кўчада одам кўп. Эшик олдида Пугачёвга рўпара келдим; у сафар кийими кийган — устида пўстин ва бошида қирғизча телпак. Кечаги ўртоқлари уни ўраб олишиди, улар ўзларини Пугачёвнинг ҳар амрига ҳозир қилиб кўрсатсалар ҳам, бу мулозаматлар кеча кўрганларимга ҳеч тўғри келмас эди. Пугачёв мен билан очиқ чехрада кўришди ва фойтунга таклиф қилди.

Икковимиз фойтунга чиқдик. «Белогор қалъасига!» — деди Пугачёв кенг елкали татарга. Юрагим гуппиллаб уради. Отлар қўзғалди, қўнғироқлар жиринглади, арава юриб кетди.

— Тўхта! Тўхта! — деган товуш эшитилди. Бу товуш менга таниш эди. Қарасам: қаршидан Савельич чопиб келаётир. Пугачёв фойтунни тўхтатди. «Азизим, Пётр Андреич! — деди чол қичқириб. — Қариган чоғимда мени ташлаб кетма, бу ўғр...» — Ҳа, миясини еган чол! — деди унга Пугачёв. — Яна дийдорингни кўрдим. Чиқ аравага, ямшик ёнига ўтира қол!

— Қуллуқ, бегим, раҳмат отагинам! — деди Савельич чиқаётib. — Мен чолни ҳимоя қилганинг, тинчитганинг учун дард кўрма, умринг узоқ бўлсин. Умр бўйи дуойи жонингни қиласман ва қуён терисидан тикилган пўстин тўғрисида минбад гапирмайман.

Бу пүстин можароси охири Пугачёвни чинакам ға-
заблантириши мумкин эди. Хайриятки, у ё эшиштади,
ё кинояга аҳамият бермади. Отлар чопар, халқ кўчада
тўхтаб таъзим қилас, Пугачёв ҳар икки томонга бош
қимирлатиб, саломга алик олиб борар эди. Бир минут
ўтмай қишлоқдан чиқиб, катта текис йўлга тушдик.

Шу минутда менинг кўнглимдан нималар ўтганини
тасаввур қилиш қийин эмас. Бир неча соатдан кейин
«энди йўқотдим» деганим билан кўришувим керак. То-
пишадиган минутимизни кўз олдимга келтириб кўрдим...
Тақдирим қўлида бўлган ва фалакнинг гардиши билан
боғланишиб қолганим киши тўғрисида ҳам ўйлар эдим.
Севгилимини қутқармоқчи бўлган бу одамнинг шафқаг-
сизлиги, қонхўрлигини эсладим! Менинг севгилим ка-
питан Мироновнинг қизи эканини Пугачёв билмас эди;
ғазаби келган Швабрин бутун сирни очиши мумкин.
Пугачёв ҳақиқатни бошқа йўл билан ҳам билиб олиши
мумкин... У вақтда Марья Ивановнанинг аҳволи нима
бўлади? Этим жимирилашиб, соchlарим тикка бўлди.

Бирдан Пугачёв ўйимни бўлди:

Жаноблари нимани ўйлаётирлар?

— Ўйламай бўладими,— деб жавоб бердим. Мен
ҳам офицер, ҳам дворянман: кечагина сенга қарши
уришган эдим, бугун эса сен билан бир фойтунда кета-
ётубман ва менинг тақдирим сенинг қўлингда.

— Нима бўпти?— деди Пугачёв.— Қўрқасанми?

Мен бир марта унинг томонидан афв қилинганимдан
сўнг ундан марҳаматгина эмас, ҳатто ёрдам кутганли-
гимни айтдим.

— Тўғри айтасан, худо ҳақи, тўғри!— деди ёлғон
шоҳ.— Одамларимнинг сенга ёмон кўз билан қарагани-
ни кўрдинг; чол бугун ҳам сени жосус деб жазолаш,
осиш кераклиги тўғрисида гапирди; аммо мен кўнма-
дим». «Савельич ва татарга эшилтирмасдан яна секин:
«Берган бир стакан винонг билан пўстининг эснайдан
чиқмайди. Кўрдингми, мен сенинг кишиларинг айтган-
ча қонхўр эмасман»,— деб қўйди.

Мен Белогор қальясининг олининини эсладим; аммо
гапига гап қайтариб ўтиришни лозим топмадим ва ин-
дамадим.

— Оренбургда менинг тўғримда нима дейишади?—
деди Пугачёв бир оз тек қолиб.

— Сени эплаш қийинроқ дейишади-да; уни қўй-буни
қўй, зарбингни ўтказибсан.

Ёлғон подшо жуда керилиб кетди. «Шундай!— деди

у чеҳраси очилиб.—Мен урушда ҳеч нарсадан қайтмайман. Юзеевага¹ яқин ерда бўлган урушни Оренбургдагилар биладими? Қирқта генерал ўлдирилди, тўрт армия асир олинди. Қалай дейсан; Пруссия қироли менга бас кела оладими?»

Босқинчининг мақтанчоқлиги менга кулгили туюлди. «Ўзинг нима дейсан?—дедим унга,—Фридрикни² енга олармидинг?»

— Фёдор Фёдоровичними? Бўлмаса-чи! Сизларнинг енералларингни эплади-ку; бу енераллар улардан зўр эди. Ҳозиргача мен енгиб келаман. Ҳали шошмай тур, Москвага ҳам юриш қиласман.

— Москвага юриш мўлжалинг ҳам борми?

Пугачёв бир оз ўйланиб қолди ва секин: «Худо билади. Менинг йўлим тор; ҳамма ихтиёр менда эмас. Қишиларим ўзбошимчалик қилишади. Ҳаммаси ўғри. Мен жуда зийрак бўлишим керак; биринчи енгилишдаёқ менинг бошимни бераб, ўз жонларини сақлаб қолишади»,—деди.

— Гап шунда-да!—дедим Пугачёвга. Фурсат борида сен уларни таштаб, император хонимнинг марҳаматига сифинганинг тузук эмасми?

Пугачёв заҳарханда қилди. «Нўк,—деди у,—тавбанинг вақти ўғган. Менга шафқат бўлмайди. Бошлиган ишимни давом эттираман. Ким билади, балки муваффақ бўлурман! Гришка Отрепьев ҳам Москвада подшолик қилган-ку».

— Охири нима бўлганини биласанми? Уни баланд деразадан ташлашган, қиймалашган, куйдиришган ва кулини замбаракка солиб отишган!

— Менга қара,—деди Пугачёв қандайдир ёввойи бир илҳом билан.—Ёшлигимда мен бир қалмоқ кампирдан эшитган афсонани сенга айтиб берай. Бир куни бургут қарғадан сўрабди: нима учун сен уч юз йил умр кўрасан-у, мен ҳаммаси бўлиб фақат ўттиз уч йилгина яшайман?—Чунки, дебди қарға сен тирик жониворларнинг қонини ичасан, мен эса ўлакса гўштини ейман. Бургут ўлаб, майли, мен ҳам ўлакса гўшти билан тирикчилик қиласман, дебди. Хўш. Бургут билан қарға учиб-

¹ Юзеева ёнидаги уруш Пугачёв аскарлари билан ҳукумат аскарлари ўртасида бўлган биринчи жиддий уруш бўлиб, бу урушда қўзғолончилар катта ғалаба қозонганди.

² Фридрих II Пруссия қироли, Фридрих I нинг ўғли (шунинг учун Пугачёв уни Фёдор Фёдорович деб атайди).

ди. Улиб ётган отни күриб, иккови қўнибди. Қарға чўқиб гўшти мақтабди. Бургут бир чўқибди, яна бир тумшук урибди, сўнгра қанотини қоқиб, шундай дебди: йўқ, қарга биродар, ўлакса еб учюз йил умр кўргандан, бир марта тирик жониворнинг қонига тўйиш тузук; у ёғи худонинг хоҳиши! Қалмоқ афсонаси қалай?

— Ажойиб!—дедим. Аммо мен одам ўлдириш ва босқинчилик билан умр кўришни ўлимтик чўқиши деб биламан.

Пугачёв менинг афтиимга таажжубланиб қаради-да, индамади. Икковимиз ҳам тек қолиб, ўз ўйимиз билан бўлдик. Татар мунгли қўшиқ бошлади: Савельич мудрар ва тебраниб борар эди. Фойтун текис, музлаган йўлда гириллаб борарди... Бирдан Ёйик дарёси бўйида қишлоқ черковининг минораси кўринди ва чорак соатдан кейин биз Белогор қалъасига кириб бордик.

XII боб

ЕТИМ ҚИЗ

Бизнинг олма оғочидай
На повда бор, на шохи.
Бизнинг бека ойим каби
На ота бор, на она.
—
Ким бу қизни ўраб-чирмар,
Ким беради фотиҳа.

Тўй қўшиғи

Фойтун комендант уйининг эшиги олдига келиб тўхтади. Халқ, келгаш Пугачёв эканини фойтуннинг қўнғироғидан билиб, орқамиздан юкурди. Швабрин Пугачёвни эшик олдида қарши олди. У казакча кийинган ва соқол қўйган. Хоин, Пугачёвнинг қўлтиғидан олиб, фойтундан тушириб қўйди, ўзини жуда тубан олиб, севинч ва садоқат арз қилди. Мени қўриб хижолат бўлди, аммо дарров ўзини ўнглаб, менга қўл узатди ва: «Сен ҳам бизнинг томонга ўтдингми? Аллақачон шундай қилиш керак эди!»—деди. Мен юзимни тескари ўгирдим, жавоб бермадим.

Кўпдан бери менга таниш бўлган уйга кирганимизда юрак бағрим эзилиб кетди. Деворда ҳамон кечмишдан фамли ёднома бўлиб марҳум капитаннинг дипломи осилиб турарди. Пугачёв диванга ўтиради. Бу диванда

бир замонлар Иван Кузмич рафиқасининг вайсашидан мудраб ўтирада эди. Швабриннинг ўзи унга арақ тутди, Пугачёв арақни ичди ва: «Бу жанобга ҳам қуй», — деди мени кўрсатиб. Швабрин, қўлида патнис, менинг олдимга келди; аммо мен иккинчи марта ундан юзимни ўгирдим. У ўзини йўқотди. Зийрак бўлганлигидан, ўзидан Пугачёвнинг норози эканини сезди албатта. У Пугачёвдан қўрқар ва менга ишончсиз назар билан қаарар эди. Пугачёв қалъанинг аҳволи, душман аскари тўғрисидаги миш-мишлар ва бошқалар тўғрисида сўради-да, бирданига савол берди: «Менга қара, биродар, қанақа қизни уйга қамаб қўйибсан? Уни менга кўрсат-чи», — деди.

Швабриннинг ранги мурдадай оқариб кетди. «Шоҳим, — деди у титроқ товуш билан. — Шоҳим мен уни қамаб қўйганим йўқ.. у касал.. уйда ётибди».

— Мени унинг олдига олиб кир,—деди ёлғон подшо ўрнидан туриб. Гапини қайтариш мумкин эмас эди. Швабрин уни Марья Ивановна ётган уйга олиб кетди. Мен ҳам эргашдим.

Швабрин зинада тўхтади. «Шоҳим!—деди у.— Сиз мендан истаганингизни талаб қила оласиз, аммо менинг хотиним олдига бегона кинини киргани қўймасангиз».

Мен титраб-қақшаб кетдим.— Ҳали сен уйлангансан?—дедим фижиниб.

«Секин!—деди Пугачёв менинг гапимни бўлиб.— Бу менинг ишим. Сен эсанг,—деди у Швабринга қараб, менга ақл ўргатма, қийшанглама; у сенинг хотинингми, хотининг эмасми, унинг олдига истаган кишимни олиб кираман. Қани, жаноб, юравер».

Уйнинг эшиги олдида Швабрин яна тўхтади ва энтика-энтика деди: «Шоҳим, олдин айтиб қўйяй, у иситмада ёниб, уч кундан бери жавраб ётибди».

— Оч!— деди Пугачёв.

Швабрин чўнтагини тимирскилаб, калитни олиб келмаганини билдириди. Пугачёв эшикни бир тепди; эшик очилиб кетди. Кирдик.

Мен қараб, нес бўлиб қолдим. Марья Ивановна, устида деҳқон хотинлари киядиган йиртиқ кўйлак, ерда ўтиради: ранги кетган, озган, соchlари тўзган. Олдида бир кўза сув, кўза устида бир бурда нон. У мени кўриб, чўчиб кетди ва қичқириб юборди. Шунда қандай аҳволга тушганим эсимда йўқ.

Пугачёв Швабринга қаради ва заҳарханда қилиб:

«Яхши касалхонанг бор экан!— деди. Сүнгра Марья Ивановнанинг ёнига борди:— Хўш, қўзичофим, эринг нима учун сени жазолайди? Унга нима гуноҳ қилдинг?»

— Эрим?— деди у ажабланиб.— Бу менинг эрим эмас. Мен ҳеч қачон унинг хотими бўлмайман! Агар мени қутқаришмаса, ўлишга қарор берганман ва ўламан.

Пугачёв Швабринга ғазабланиб қаради. «Сен ҳали мени алдашга ҳам журъат қилдингми! Биласанми, ниғмага сазоворсан?»— деди.

Швабрин тиз чўқди... Шу топда мендаги нафраг ҳисси душманлик ва ғазаб туйғусини босиб кетди. Қоқоқ казакнинг оёғи остида ётган дворянга нафрат билан қарадим. Пугачёв аччиғидан тушди. «Бу сафарча гуноҳингдан ўгамаи,— деди у Швабринга:— аммо яна бир гуноҳ қилсанг, бу гуноҳ ҳам эсга олинажагини унутма». Сүнгра Марья Ивановнага қаради ва унга юмшоқлик билан: «Чиқ, қизгина; сени озод қилдим. Мен шоҳ»,— деди.

Марья Ивановна дарров унга қаради ва ота-онаси-нинг қотили шу эканини билди. У иккала қўли билан юзини қоплади ва хушдан кетиб, йиқилди. Мен унга томон югурдим; аммо шу чоғ эски танишим Палаша давдиллик билан уйга кирди-да, ўз бекасининг хизматига ҳозир бўлди. Пугачёв уйдан чиқди, учовимиз меҳмонхонага тушдик.

— Хўш, жаноб,— деди кулиб Пугачёв,— гўзал қизни қутқаздик! Нима дейсан, энди попни айттириб келиб, жиянининг никоҳини қилдирсанми? Мен ўзим вакилота бўламан, Швабрин қизни қарши оладиган ўртоғи бўла-ди; ичамиз, тўйни ўтказамиз!»

Мен қўрқиб турган иш воқе бўлди. Швабрин Пугачёвнинг таклифини эшишиб, жон-пони чиқиб кетди. «Султоним!— деди у бақириб.— Мен гуноҳкорман, мен сизга ёлғон гапирган эдим; аммо Гринёв ҳам сизни алдаётир. Бу қиз шу ерлик попнинг жияни эмас, шу ердаги қалъя олингандада осиб ўлдирилган Иван Мироновнинг қизи».

Пугачёв менга оловли кўзлари билан тикилди. «Бу нимаси тағин?»— деди у менга ажабланиб.

— Швабрин рост айтди,— дедим қатъият билан.

— Сен менга буни айтмаган эдинг,— деди Пугачёв авзойи бузилиб.

— Ўзинг ўйлаб қара,— дедим,— сенинг кишиларинг олдида Миронов қизининг тирик эканини айтиб бўлар-

миди, кишиларинг ғажиб ташлар эди. Унинг жонига ҳеч нарса ора киролмасди.

— Бу ҳам тўғри,—деди Пугачёв кулиб.— Менинг пиянисталарим бечора қизга раҳм қилишмас эди. Попнинг хотини яхши қилибди, уларга ёлғон гапириб.

— Қулоқ сол,—дедим унинг юмшалганини қўриб.— Сени нима деб аташимни ҳам билмайман, атаб ҳам нима қиласай... Худо ҳақи, бу қилган яхшилигинг учун жонимни беришга ҳам тайёрмай. Аммо менинг юмусим, христианлик вижданум кўтармайдиган нарсани мендан талаб қиласи. Сен менинг лутфкоримсан. Бошлаган ишингни ниҳоясига еткиз: бечора етим қиз билан иккимизни қўйиб юбор, бошимиз оққан томонга кетайлик. Биз қаерда бўлмайлик, бошингга қандай кун келмасин, дуюй жонингни қиласи, гуноҳингни худодан тилаймиз...

Пугачёвнинг тош юрагига бу гап таъсир қиласи шекилли: «Хўп, сен айтганча бўлсин,—деди.— Осадиган бўлсан осишим керак эди, модомики афз қилган эканман, афв қиласман: менинг одатим шу. Гўзалингни етаклаб, қаёққа борсанг боравер; қўшақаринглар, худо баҳт берсин».

У Швабринга ўз қўли остида бўлган бутун қалъя ва шаҳарларга пропуска беришин буюрди. Тамом ҳароб бўлган Швабрин данг қотиб қолди. Пугачёв қалъани қараб чикқани кетди. Швабрин уни кузатиб борди; менинг йўлга ҳозирланиш баҳонаси билан қолдим.

Югуриб Марья Ивановна ётган уйга чиқдим. Эшик берк эди. Тақиллатдим. «Ким у?—деди Палашка. Отимни айтдим. Марья Ивановнанинг ёқимли товушни эшитилди: «Шошманг, Пётр Андреич. Мен кийиняпман. Акулина Памфиловнанинг уйига боринг; мен ҳам ҳозир бораман».

Мен Герасим ҳазратнинг уйига қараб кетдим. Поп хотини билан югуриб чиқди. Савельич менинг келишим тўғрисида уларни хабардор қилган экан. «Ассалому алайкум, Пётр Андреич,—деди попнинг хотини.— Яна кўришишни худо насиб қиласи. Қалайсиз? Биз ҳар куни сизни гапиришамиз. Бечора Марья Ивановна, сиз йўқ, қандай кунларга тушди денг!.. Вой, отагинам, бу Пугачёв билан қандай муроса қилдингиз? Нечук у сизга шикаст етказмади? Тузук, бу бадкорга шу қилгани учун ҳам раҳмат!— Бўлди, кампир,—деди Герасим ҳазрат унинг сўзини кесиб.— Валдираиверма. Кўп гапирмоқнинг хосияти йўқ. Азизим Пётр Андреич! Уйга киринг,

марҳамат қилинг. Кўп замондан бери кўришганимиз йўқ.

Попнинг хотини топган-тутганини олдимга қўйди ва тинмай жаврайверди. Швабрин қандай қилиб Марья Ивановнани беришга уларни мажбур қилгани, Марья Ивановна йиғлаб, бу уйдан кетгиси келмагани, Марья Ивановна Палашка орқали (Палашка ўнбошини ўз ногорасига ўйнатган шаддод қиз) будар билан доим алоқада бўлгани, бу қис менга хат ёзиши Марья Ивановнага маслаҳат бергани ва бошқалар тўғрисида сўзлаб берди... Мен ҳам бошдан кечирганларимни қисқагина қилиб айтиб бердим. Поп билан унинг хотини Пугачёвга ўзларининг ёлғон гапиргандари маълум бўлганини эшитиб қутлари учди, чўқиниб олишди. «Худонинг ўзи сақлайди,— деди Акулина Памфловна. Ҳар балою ҳар қазодан сақлагил, парвардигор. Бу Алексей Ивановични айтинг-а, одам эмас, шайтон». Шу онда эшик очилиб, Марья Ивановна кириб келди. Унинг оқаргач юзида табассум бор эди. У дехқон хотинлари киянданган кўйлакни ташлаб, бурунгича содда ва дилкаш кийинган.

Мен унинг қўлидан ушлаб, анчагача бирон сўз айта олмадим. Юраклардаги қувончдан иккимиз ҳам тек қолдик. Уй эгалари бизнинг ҳолатимизни сезиб, чиқиб кетишиди. Биз ёлғиз қолдик. Ҳамма нарса эсдан чиқди. Гапиришиб тўймас эдик. Марья Ивановна қалъа олингандан бери бошдан ўтганларини сўзлади; бошидан ўтган бутун фожиани, қабиҳ Швабрин етказган жабру жағдларни тасвирлаб берди. Ўтган саодатли кунларни ҳам эсладик... Икковимиз ҳам йиғладик... Оқибат, мен унга ўзимнинг мўлжалларимни сўзладим. Пугачёв қўли остида бўлиб, Швабрин идора қилаётган қалъада унинг қолиши мумкин эмас эди. Қамал балосини бошдан кечириб турган Оренбург тўғрисида ўйлашнинг ҳам иложи йўқ эди. Дунёда унинг ҳеч кими йўқ. Мен унга қишлоққа — менинг ота-онам олдига боришни таклиф қилдим. У аввал иккиланди; отамнинг унга хуши бўлмаганлигини билгани учун қўрқар эди. Мен унга далда бердим. Отам, ватан учун қурбон бўлган муҳтарам бир кишининг қизини ўз паноҳига олишини баҳт ҳисоблашини ва ўз бўйнидаги вазифа деб билишини билар эдим.— Азизим Марья Ивановна!— дедим охири.— Мен сени хотиним деб ҳисоблайман. Ажойиб ҳодисалар бизни бир-бири мизга боғлади; ҳеч нарса бизни айира олмайди. Марья Ивановна менинг гапимга жўн, сохта уятчанлик қилмас-

дан, бошқа ўйларга бормасдан қулоқ солди. Тақдир менинг тақдиримга боғланғанлигини сезарди. Аммо ота-онам рози бўлсагина, менга тегишини яна айтди. Мен сўзини қайтармадим. Эҳтирос ва самимият билан ўшишдик ва шундай қилиб, иккимиз узил-кесил бир қарорга келдик.

Бир соатдан кейин ўнбоши Пугачёв қинғир-қийшиқ қилиб қўйган пропускани олиб келди ва мени Пугачёв чақираётганини айтди. Борсам: у йўлга тайёр турган экан. Мендан бошқа ҳамма учун қўрқинчли бадкор бўлган бу даҳшатли одам билан хайрлашганимдаги туйғуни айтишдан ожизман. Ҳақиқатни яширишнинг нима кераги бор? Шу минутда кучли ҳусни таважжуҳ ҳисси мени унга томон тортди. Уни ўзи бошчилик қилган бадкорлар орасидан тортиб олишни ва ҳали фурсат ўтмасдан жонини сақлаб қолишни жон-дилим билан хоҳлар эдим. Бу ерда турган Швабрин ва халойик кўнглим таги бу дардни айтишга халал берди.

Дўстларча хайрлашдик. Пугачёв оломон ичида Акулина Памфиловнани кўриб, бармоғи билан таҳдид қилиди ва маъноли қилиб қўз қисди; сўнгра фойтуига чиқиб, Бердага¹ қараб ҳайдашни буюорди. Фойтун қўзғалгандага у яна бошини чиқариб, менга қичқирди: «Хайр, жаноб, хайр. Насиб бўлса яна бирор ерда кўришармиз». Айтгани бўлди: биз яна кўришдик, аммо қандай шароитда денг!..

Пугачёв кетди. Унинг уч отли фойтуни ўрмалаб бораётган оппоқ даштда узоқ қараб қолдим. Халқ тарқалди. Швабрин гойиб бўлди. Мен попнинг уйига қайтиб келдим. Иўл анжомларимиз тахт эди; кетишни пайсалга солишини хоҳламас эдим. Ҳамма нарсамиз комендантнинг эски аравасига жойланди. Ямшик қўз очиб юмгунча аравани қўшди. Марья Ивановна черков орқасига кўмилган ота-онасининг қабри билан видолашгани кетди. Мен уни бирга олиб бормоқчи эдим, кўнмади, ўзини якка юборишимни сўради. Бир неча минутдан кейин қайтиб келди, юз-кўзидан ёш оқар эди. Арава тайёр бўлди. Герасим ҳазрат билан хотини эшик олдига чиқди. Мен, Марья Ивановна ва Палаша аравага чиқдик. Савельич ямшикининг ёнига ўтирди. «Хайр, Марья Ивановна, хайр, қўзичофим; хайр, Пётр Андреич, оқ йўл, шунқорим,—деди попнинг меҳрибон хотини.—Сафарларинг бехатар бўлсин, худо толеларингни баланд

¹ Берда — Соқмор дарёси бўйидаги казак шаҳарчаси.

қилсин». Кетдик. Комендант уйининг дарвозаси ёнида Швабринни кўриб қолдим. Унинг юзидан қайғу ва ғазаб акс этар эди. Забун бўлган душманимни кўриб хурсанд бўлишни истамай, юзимни бошқа ёқса бурдим. Охири қалъя дарвозасидан чиқиб, Белогор қалъасидан абадий кетдик.

XIII боб

ҚАМОҚ

Аччиқланманг, тақсирим: сизни тўхтосиз —
Қамоққа жўнатишм — бўрчим, билсангиз,
— Марҳамат, мен тайёрман; умид қиламан,
Гуноҳим не, айтарсиз аввал, билай ман.

Княжнин

Эрталабгина йўлида ғам еб, ташвишланиб юрганим севикили қиз билан бундай тўсатдан қўй ушлашувимга ишонмас ва буларнинг ҳаммасини туш хаёл қиласр эдим. Марья Ивановна гоҳ менга, гоҳ йўлга қарар ва ҳали ўзига келмагандай кўринарди. Икковимиз ҳам жим. Қалблар тўлган. Икки соатдан сўнг яна ўша Пугачёв қўли остида бўлган қалъага келганимизни ҳам билмай қолдик. Бу ерда отларни алмаштириб олдик. Сергапликни биздан ҳам ўтказиб юборган ямшикнинг лақмалиги орқасида бу ердагилар мени саройнинг ноibi гумон қилишган. Буни, Пугачёв томонидан тайинланган серсоқол казак комендантнинг чаққонлиқ билан бизга хизмат қилиши, отларни аравага тез қўшилишидан билдим.

Йўлда давом этдик. Қоронғи туша бошлади. Биз, серсоқол комендантнинг сўзига қараганда, Пугачёвга қўшилгани бораётган кучли бир отряд турган шаҳарга яқинлашдик. Қоровуллар бизни тўхтатди. «Қим у?» —деган саволга ямшик: «Шоҳнинг дўстлари ўз рафиқалари билан», —деб жавоб берарди. Бирдан аскар бизни ўраб олди ва ҳақорат қила кетди. «Чиқ бу ёқса, шайтоннинг дўсти! —деди менга узун мўйловли вахмистр.—Кунингни кўрасан хотининг билан бирга!»

Мен аравадан тушиб, бошлигининг олдига олиб боришни талаб қилдим. Офицер эканимни кўриб, солдатлар сўкишдан тўхташди. Вахмистр мени мајорнинг

олдига олиб борди. Савельич кетимдан қолмас ва ўзича вайсаб: «Мана сенга шоҳнинг дўсти! Қордан қутулиб ёмғирга... Ё раббилоламин! Бу ишларнинг охири нима бўлади!» деяр эди. Арава секин-секин кетимиздан юрди.

Беш минутдан кейин кичкина, ёруғ бир уйнинг олдиға келдик. Вахмистр мени қоровулга топшириб, ичкарига кириб кетди ва ҳаял ўтмай чиқиб: жаноб олийнинг мени қабул қилишга фурсати йўқ эканини, мени қамоққа буюриб, хотинни ўз ҳузурига чақираётганини билдириди.

— Ну нима деган гап? — дедим ғазаб билан. — Нима, ақлдан озганми ўзи?

— Билмайман, жаноб, — деди вахмистр. — Қўмондон жаноблари сизни қамоққа, хонимни ўз ҳузурига олиб киришни буюрдилар. Буйруқ шу, жаноб!

Мен эшикка томон отилдим. Қоровуллар мени тутишмади, тикка уйга кирдим. Уйда олтита офицер қимор ўйнаб ўтирган экан. Майор карта ташлар эди.

Қарасам, мени бир замон Симбирск майхонасида ютган Иван Иванович Зурин ўтирибди.

— Тушимми-ўшим! — дедим қичқириб. — Иван Иванович! Сенмисан?

— Э-ҳе... Пётр Андреич, бахайр? Қаёқдан келяпсан? Мана буни қара-я! Сенга ҳам карта берайми?

— Қуллуқ. Ундан кўра менга уй топтириб бер.

— Қанақа уй? Менинг уйимда туравер.

— Бўлмайди: ёлғиз эмасман.

— Ўртоғингни ҳам олиб кир.

— Ўртоғим эмас, мен... хотин киши билан.

— Хотин киши билан? Қаердан илаштириб олдинг?

Ўҳӯ, ишинг жойида-ку! (Шуни айтиб, у бир ҳуштак чалдики, ҳамма кулиб юборди, мен жуда хижолат бўлдим.)

— Ҳай, — деди Зурин, — бундай бўлса, сенга уй берамиз. Э, аттанг... Эскичасига бир кайф қиласар эдик... Ҳай йигит! Нега Пугачёв дўстининг хонимини бу ёққа олиб кирмайсизлар? Ё қайсарлик қилаётирми? Айтинглар, қўрқмасин. Барин жуда яхши, озор бермайди денглар; қўйманглар, зўрлаб бўлса ҳам олиб киринглар.

— Нима деяпсан? — дедим Зуринга. Қанақа Пугачёв дўстининг хоними? Бу — марҳум капитан Мироновнинг қизи. Мен уни асирилкдан қутқазиб, отамнинг қишлоғига юбораётубман. У ўша ерда туради.

— Нима? Ҳали менга сенинг түғрингда гапириш-
ганмиди? Э, бу қандай гап?

— Кейин ҳаммасини гапириб бераман. Ҳозир бечора
қизни тинчит, худо ҳақи. Гусарларинг уни ёмон қўрқи-
тишди. Зурин дарров буйруқ берди, ўзи бу англашил-
мовчилик хусусида Марья Ивановнага узр айтгани қў-
чага чиқди ва вахмистрга хоним учун шаҳардан энг
яхши уй топиб беришни буюрди. Мен унинг ўйида ётиб
қоладиган бўлдим.

Овқат едик. Икковимиз ёлғиз қолганимизда, бош-
дан кечирганларимни ҳикоя қилиб бердим. Зурин сў-
зимга жуда диққат қилиб қулоқ солди. Мен ҳикояни
тамом қилганимдан сўнг, бошини чайқаб, деди: «Бу-
нинг ҳаммаси яхшикуя; бир жойи ёмон: уйланишга
бало борми? Мен ҳалол офицерман, алдашни истамай-
ман, менинг сўзимга ишон: уйланиш девоналилк. Хотин
билан овора бўлиш, яна бола боқиш қўлинигдан кела-
дими? Э, қўй! Менинг гапимга кир: капитан қизи билан
алоқангни уз. Симбирск йўлини очганман, хавф-хатар
йўқ. Эртагаёқ унинг ўзини якка ота-онанг олдига юбор;
ўзинг менинг отрядимда қол, Оренбургга боришининг
ҳожати йўқ. Яна қўзғолончиларнинг қўлига тушсанг—
қутулишинг гумон. Шундай қилсанг, муҳаббат иситма-
си босилади, тинчийсан».

Гарчи унинг фикрига тамом қўшилмасам да, импе-
ратор хонимнинг қўшини сафида бўлишимни бўйним-
даги вазифа талаб қиласар, мен буни билар эдим. Зу-
риннинг маслаҳатига амал қилиб, Марья Ивановнани
қишлоққа юборишга ва ўзим отрядда қолишга қарор
бердим.

Савельич менинг ечинтиргани кирди; эртага Марья
Ивановна билан қишлоққа кетгани тайёр бўлиб туриш-
ни буюрдим. У қайсарлик қилмоқчи бўлди. «Нима бўл-
ди сенга, тақсиржон? Мен сени қандай ташлаб кета-
ман? Сенга ким қарайди? Ота-онанг нима дейишади?»

Чолнинг қайсарлигини билганим учун уни самимият
ва ширин сўз билан кўндиromoқчи бўлдим. — Қадрдон
дўстим Архип Савельич! — дедим. — Йўқ дема, яхши-
лик қил; бу ерда хизматкорга муҳтоҷ бўлмайман, агар
Марья Ивановнани сенсиз юборсан, кўнглим тинчи-
майди. Унга хизмат қилсанг — менга хизмат қилган
бўласан, чунки имконият бўлиши билан мен унга уй-
ланаман.

Савельич айтиб бўлмаслик даражада таажжула-

ниб: «Үйланаман? — деди. — Бола уйланса-я! Отанг нима дейди, өнанг нима деб ўйлайди?»

— Рози бўлишади, — дедим, — Марья Ивановнани билгандан кейин кўнишади. Сенга ҳам умид боғлаганман. Ота-онам сенга ишонади: сен бизнинг томонимизни олиб ҳаракат қиласан, шундай эмасми?

Чолга гап таъсир қилди. «О, азизим Пётр Андреич, — деди у. — Гарчи уйланишингга эртароқ бўлса-да, Марья Ивановнаdek яхши қизни қўлдан чиқариш ҳам гуноҳ. Майли, сен айтгандай бўла қолсин. Элтиб қўяман худонинг фариштасини ва ота-онангга, бисотсиз бўлса ҳам, бу қиз яхши эканини қулларча етказаман».

Савельичга раҳмат айтиб Зурин билан бир уйда ётиб қолдим. Қизишиб кетган эдим, кўп гапириб юбордим. Зурин аввал хўп яхши гапиришди; аммо секин-секин хуши келмай, гапи пойма-пой бўла бошлади. Охири қандайдир бир саволимга жавоб бериш ўрнига хуррак тортди. Мен гапдан тийилиб, уйқуга кетдим.

Эртаси эрталаб Марья Ивановнанинг олдига бориб, ўз мўлжалимни айтдим. У, менинг мўлжалимни маъкул топиб, фикримга қўшилди. Зуриннинг отряди шу куни шаҳардан чиқиши керак эди. Имиллаш пайти. эмас эди. Мен дарҳол Марья Ивановна билан хайрлашиб, уни Савельичга топширдим. Марья Ивановнага ота-онамга элтиш учун хат бердим. У йиглаб юборди. «Хайр, Пётр Андреич! — деди секингина. — Яна кўришиш насиб бўладими йўқми; худо билади; аммо умр бўйи сизни ёдимдан чиқармайман; қабрга киргунимча юрагимдан кетмайсиз». Мен ҳеч нарса дея олмадим. Бизни одамлар ўраб олди. Улар олдида ўзимни туттдим, ҳаяжонга солган ҳисга берилишни истамадим. Охири Марья Ивановна жўнади. Мен Зуриннинг олдига хафа, хомуш қайтиб келдим. У менинг кўнглимни очмоқчи бўлди; мен ўзимни овўнтироқчи бўлдим; иккавимиз кунни ўйин-кулги билан ўтказдик, кечқурун походга чиқдик.

Февраль ойининг охирлари эди. Ҳарбий ишларни оғирлаштирган қиш ўтди. Бизнинг генераллар бир ёқадан бош чиқариб иш кўришга ҳозирланардилар. Пугачёв ҳамон Оренбургга яқин ерда туради. Бу орада унинг атрофида бўлган отрядлар бирлашиб, ҳар томондан бадкорлар уясига яқинлашарди. Қўзғолон кўтарган қишлоқлар бизнинг аскарларни кўриш билан тобе бўларди; ўғрилар шайкаси ҳар ерда биздан қочар, бу иш тез кунда ва хайрли битиши кўриниб туради.

— Ҳадемай князь Голицин¹ Татишчево қалъаси яқинида Пугачёвни тор-мор қылиб, лашкарларни түзитди ва Оренбургни қутқарди. Бу құзғолонга сүнгги ва узилкесил зарбадай бўлган эди. Зурин бу вақтда исён кўттарган бошқирдларга қарши юборилган эди, бошқирдлар биз бормасдан тарқаб кетибди. Баҳор бўзни кичкина бир татар қишлоғига қамаб қўйди. Дарёлар тошиб, йўлларни сув босди. Бир жойда тек туриб қолишимиз тўғрисида ўзимизга-ўзимиз, ўғри ва ёвойиларга қарши бу зериктирадиган майдада урушлар тездан битади, деган фикр билан тасалли берар эдик.

Аммо Пугачёв қўлга тушмади. У Сибирия заводлари га бориб, янгидан шайка тўплади ва яна бадкорликни давом эттириди. Унинг муваффақиятлари ҳақида яна дув-дув гап тарқалди. Сибириядаги қалъалар талон-торож қилинганилиги маълум бўлди. Тездан Қозонни олгани ва Москвага қараб юриш қилгани ҳақидаги хабар манфур Пугачёвни кучсиз деган умид билан мудраб ётган катталарни ҳаракатга солди. Зурин Волгадан ўтиш ҳақида буйруқ олди.

Бизнинг юришимиз ва урушнинг тамом бўлганини тасвир этиб ўтирмайман. Қисқагина қилиб шуни айтаман: аҳвол ҳаддан ташқари ёмон бўлди. Ҳамма ерда идора ишлари тўхтаб қолди; помешчиклар тўқайларга қочиб кетишли. Бадкорлар шайкаси ҳамма ерда ўз бадкорлигини қиласи; алоҳида отрядларнинг бошлиқлари ўзларича кишиидарни ўлимга ҳукм қиласи ё афв этар эди; ёнгин хуруж қилаётган кенг мамлакатнинг аҳволи даҳшатли эди... Маъносиз ва шафқатсиз рус исёнини худо кўрсатмасин! Иван Иванович Михельсон² томонидан таъқиб этилган Пугачёв қочди. Қўп вақт ўтмай унинг тор-мор этилганлиги ҳақида хабар эшигдик. Охири Зуринга ёлғон шоҳнинг қўлга тушганилиги тўғрисида хабар, шу билан бирга ҳаракатни тўхтатиш ҳақида фармон келди. Уруш тамом бўлди. Энди мен ота-онам олдига боришим мумкин эди! Ота-онам билан кўришиш, бу кунгача хат-хабари келмаган Марья Ивановнанинг хаёли мени қувончдан энтиқтиради. Мен ёш боладай иргишилар эдим. Зурин кулар ва елкасини

¹ Голицин Пётр Михайлович (1738 — 1775) Қозон-Оренбург районларида Пугачёвга қарши урушда аскарий қисмларга қўмидонлик қилган генерал.

² Иван Иванович Михельсон (1740—1802) Пугачёв қўзғолонини бостиришда қаттиқўл генераллардан бири. У қўзғолонни батом тутатишга раҳбарлик қилган.

учириб: «Йўқ, сенинг ишинг яхшиликка олиб бормайди. Уйланиб бекорга нобуд бўласан», — дер эди.

Аммо бу орада ғалати бир ҳис шодлигимга заҳар соларди: бунча гуноҳсиз қурбонларнинг қонига бўялган бадкор ва уни ғулум кутиши тўғрисидаги ўй мени ҳаяжонга соларди: Емеля, Емеля! — дер эдим ичимда; нега сен найзага ёки ўқقا учрамадинг? Бундан яхши иш бўлмас эди. Энди нима қилиш керак? Ҳаётнинг энг даҳшатли минутларидан бирида мени афв этганлиги, севгилимини қабиҳ Швабриннинг қўлидан қутқарганлиги эсимдан чиқмаганидек, у ҳам сира хаёлимдан кўтарилилмас эди.

Зурин менга отпуска берди. Бир неча кундан сўнг ўз уйимга қайтишим ва Марья Ивановнани кўришим керак эди... Бирдан кутилмаган бир даҳшат мени гангитиб қўйди.

Кетадиган куним йўлга тушгани ҳозир бўлиб турган чоғимда Зурин кирди. Унинг қўлида қоғоз, афтидан, жуда хафа кўринар эди. Юрагим «шув» этиб кетди.

Қўрқиб кетдим, аммо нимага қўрққанимни билмас эдим. У менда иши борлигини айтиб, деншигимни чиқариб юборди. «Нима гап ўзи?» — дедим бетоқат бўлиб. «Кичкинагина қўнгилсанзлик, — деди у қўлидаги қоғозини менга узатиб. — Ўқиб кўр, ҳозир келди»

Ўқидим: бу барча қўмондонларга ёзилган фармойиш бўлиб, қаерда қўлга тушсам: қамоққа олиш ва бетўхтов Қозонга, Пугачёв иши юзасидан тузилган тергов комиссиясига юбориш буюрилган эди.

Қоғоз қўлимдан тушиб кетаёзди. «Иложим йўқ! — деди Зурин. — Буйруққа бўйсуниш вазифам. Сенинг Пугачёв билан қилган дўстона сафаринг бир бало бўлиб ҳукумат қулоғига етганга ўхшайди. Бу ишдан ҳеч натижа чиқмаслигига ва комиссия сени оқлаб юборишига кўзим етади. Хафа бўлма, бор». Виждоним пок; суддан қўрқадиган жойим йўқ, бироқ лаззатли кўришишнинг бир неча ой кейинга сурилиши эҳтимолидан чўчир эдим. Арава келди. Зурин мен билан дўстона хайрлашди. Аравага чиқдим. Ёнимга икки аскар ўтириди, иккови ҳам қиличини яланғочлаб олган эди. Катта йўлдан кетдим.

СУД

Халқ сүзи —
Денгиз тұлқини.

Мақол

Бутун гуноқ Оренбургдан ўзимча кетиб қолганлигимдан иборат эканига ишонардим. Бунга важ топа олар эдим: шаҳардан чиқиб юриш ҳеч қачон тақиқ қилингандың әмас, балки маъқул күрілған эди. Мен бе-бошликда әмас, ортиқ даражада бўлган қизиққонликда айбланишим мумкин. Аммо Пугачёв билан бўлган дўстона алоқа кўп шоҳидлар билан исбот қилиниши ва бу жуда ҳам шубҳали кўриниши мумкин эди. Йўл бўйи, қилинадиган сўроғим ҳақида ўйлаб, айтадиган жавобларимни пишиқтириб бордим. Суд олдида ҳақиқатни очиқ айтишга қарор бердим, оқланиш учун шу йўлни жуда жўн, шу билан бирга, умидли ҳисобладим.

Қозонга келдим: шаҳар хароб, куйган. Қўчаларда уйлар ўрнида тўп-тўп кўмир ва томи билан ойнаси йўқ, қорайган деворлар турарди! Пугачёвдан қолган из шу! Мени куйган шаҳар ўртасида омон қолган қалъага олиб келишди. Ёнимда келган икки гусар мени қоровул офицерига топширди. У темирчини чақиртирди. Оёғимга кишан солиши. Кейин турмага элтиб, деразасига темир панжара қоқилған, қуп-қуруқ тор ва қоронғи ҳужрага якка қамаб қўйишди.

Ишнинг бу хилда бошланиши некликтан дарак бермасди. Бироқ мен дадиллигимни йўқотмадим ва умидсизликка ҳам тушмадим. Барча ғамгинларнинг тасалли берувчисига сифиндим ва соғ, аммо уқубат тортган юракдан чиққан мунојотнинг нашъасини биринчи марта татиб, нима бўлиши тўғрисида ғам емасдан, тинч уйқуга кетдим.

Эртасига мени турма нозири уйғотиб, комиссия чақираётганидан хабар берди. Икки солдат мени ҳовлидан олиб ўтиб, комендантнинг уйига элтди, иккови даҳлизда қолиб, мени ичкарига киргизиб юборди.

Каттагина бир залга кирдим. Усти тўла қофоз стол ёнида икки киши ўтирап эди: бири — ёши қайтган генерал, афтидан, бераҳм ва қаттиққўл эди; иккинчиси — ёш, гвардия капитани, йигирма сакқиз ёшларда бор эди. Унинг ташқи қиёфаси дилқаш, ўзи абжир, муома-

лада эркин. Дераза ёнидаги алоҳида столда саркотиб ўтирар эди: қалам қулоғининг орқасида, ўзи қоғоз устига энгашган, менинг жавобларимни ёзишга тайёр туради. Сўроқ бошланди. Отим ва амалимни сўраши. Генерал менинг Андрей Петрович Гринёвнинг ўғли эмасми эканимни сўради ва менинг жавобимга қарши: «Ҳайфки, шундай муҳтарам кишининг ўзига номуносиб ўғли бор экан!»— деди. Мен совуққонлик билан, устимга қўйиладиган айб қандай оғир бўлмасин, ҳақиқатни яширмай айтиб бериш билан уни устимдан олиб ташлашга ишонганилгимни айтдим. Менинг ишончим унга маъқул келмади. «Сен, ука, юқоридан келдинг,— деди генерал қовоғини солиб;— аммо сендан ўткирларини ҳам кўрганмиз!»

Ёш йигит: қачон ва қандай муносабат билан Пугачёвнинг хизматига кирганимни ва у мени қандай ишларда ишлатганини сўради.

Мен, жаҳлини чиқиб, офицер ва дворян бўлишим сифатида Пугачёвнинг хизматига кира отмаслигимни ва ундан ҳеч қандай тошириқ ололмаслигимни айтдим.

«Бўлмаса— деди терговчи.— қандай қилиб бир дворян ва офицергина афв этилди. Ҳолбукни, униң ҳамма ўртоқлари ўлдирилди? Қандай қилиб офицер ва дворян исёчинилар билан бирга қайф-сафо қуралди, бадкорларнинг каттасидан пўстини от ва ярим сўм пул инъом олади? Бу одатдан ташқари иноқлик, қабиҳ ва жиниоят даражасига стган қўрқоқликка асосланмаган бўлса, нимага асосланмаган?»

Гвардия офицерларининг бу сўзи менга қаттиқ ҳақорат бўлиб тушди, қизишиб ўзимни оқлашга киришдим. Пугачёв билан даштда, бўрон вақтида танишганилгимни ва Белогор қалъаси олинган вақтда у мени таниб афв этганини айтиб бердим. Пўстин билан отни олганим чакки эканини тан олдим: аммо Белогор қалъасини имконият борича мудофаа қилганимни сўзладим. Оқибат, Оренбург қамал қилинган вақтда кўрсатган жонбозлигимга гувоҳ бўлган генерални кўрсатдим.

Қаттиққўл чол, стол устидан бир очиқ хатни олиб, баланд овоз билан ўқиди:

«Пррапорщик Гринёвнинг ушбу фитна ишига гўё аралашгани ва бадкорлар билан хизмати ва бурчига хиллоф алоқада бўлгани хусусидаги сўровингизга мувофиқ, қуйидагиларни арз этаман: ўшал пррапорщик Гринёв 1773 йил октябрь ойининг бошидан ушбу йилнинг 24 февраль ойига қадар Оренбургда хизматда бўлиб, шу куни Оренбургдан кетганича менинг қўл остигма

қайтиб келмади. Қочиб ўтган кишилардан эшитишнинг қараганда, у Пугачёвнинг олдига—қишлоққа борган ва у билан, ўзи илгари хизмат қилган Белогор қалъасига кетган; унинг ахлоқига келганда мен...». У шу ерда тўхтаб, жуддият билан: «Ўзингни оқлаш хусусида энди нима дейсан?»—деди.

Гапни қандай бошлаган бўлсам, шундай давом этмоқчи ва, бошқа айтганиларимдек, Марья Ивановна билан бўлган алоқам тўғрисида ҳам рост гапирмоқчи эдим, бироқ енгиб бўлмас бир нафрат сездим. Агар унинг отини айтсам, комиссия сўроққа чақиради, деган ўйга бордим; унинг исмени ўғри бадкорлар исмига аралаштирасам, уни булар юзлаштиргани олиб келишади, деган ўй мени шундай гангитдики, шошиб қолдим ва жавобимда янгишдим.

Аввалги жавобларимга бир қадар юмшагандай бўлиб қулоқ солган терговчиларим, менинг гангиганимни кўриб яна шубҳага тушди. Гвардия офицери мени шу тўғрида маълумот берган киши билан юзлаштиришини талаб қилди. Генерал кечаги бадкорни чақиринглар,— деди. Мен қораловчимни кутиб, эшикка қараб турдим. Бир неча минутдан кейин кишин жиринглади, эшик очилди — Швабрин кирди. Ундаги ўзгаришни кўриб ҳайрон қолдим. Ўлгидай озибди, ранги оппоқ. Яқинидагина мўмдай қоп-қора бўлган сочи тамом оқарибди; узун соқоли патак ҳолига келибди. У менинг устимга қўйган айбини босиқ товуш билан, аммо дадил тақрорлади. Унинг сўзича, гўё мен Пугачёв томонидан Оренбургга жосуслик учун юборилган эмишман; шаҳарда қилинётган ишлардан ёзма маълумот бериш учун ҳар куни, отишув баҳонаси билан шаҳардан ташқари чиққан эмишман; оқибат, Пугачёвга очиқдан-очиқ берилиб у билан қалъаларни айланган ва ундан мукофот олиш учун ҳар йўл билан ўз ўртоқларим — хоинларни ўлдиришга уларнинг ўринларини олишга ҳаракат қилган эмишман. Унинг сўзига жим қулоқ солдим ва бир нарсадан мамнун бўлдим: мени Марья Ивановнанинг номини айтмасликка мажбур қилган ҳис унинг ҳам қалбидан ўрин олганлигиданми, ҳар қалай, комиссия олдида Белогор қалъаси комендантининг қизи тўғрисида у ҳам индамади. Мен илгариғи фикримда яна ҳам қаттиқ турдим ва суд Швабриннинг берган маълумотини қандай рад қила олишимни сўраган эди, илгари айтган гапимда туришимни ва ўзимни оқлаш хусусида бошқа ҳеч гап айта олмаслигимни билдиридим. Генерал бизни олиб чиқишга буюрди. Икковимиз бирга чиқдик. Мен совуққонлик билан Шваб-

ринга қарадим, аммо индамадим. У заҳарханда қилди ва оёғидаги кишанин күтариб, мендан ўтиб кетди, жадаллади. Мени яна турмага олиб бориши да ва қайтиб сүроққа чақиришмади.

Эндиги айтадиганларимни ўз кўзим билан кўрганим йўқ, аммо бу тўғрида шунча кўп эшиитдимки, унинг энг майда-чўйда тафсилоти ҳам мияга ўрнашиб қолган ва худди иштирок этгандайман.

Марья Ивановнани ота-онам эски одамларга хос бўлган самимият билан қарши олган. Бечора етим қизни ўз қанотлари остига олиш ва бошини силашни худонинг марҳамати деб билганлар. Тез кунда унга ўрганиб қолишган, чунки унинг яхши қиз эканини билмаслик, уни севмаслик мумкин эмас эди. Менинг уига бўлган муҳаббатим отам учун қуруқ девоналиктан изборат бўлмай қолган; онамнинг эса бирдан-бир орзуси менинг шу меҳрибон капитан қизига уйланишим бўлиб қолган.

Менинг қамалганим ҳақидаги хабар бутун оптани гангитибди. Марья Ивановна ота-онамга менинг Пугачёв билан бўлган галати танишилигим ҳақи оддий қилиб шундай сўзлаб берибдики, улар хавотир бўлниш у ёқда турсин, хўп кулишибди. Мақсади гож-тахти барбод қилини ва дворянларни қириш бўлган бу қабиҳ исёнга менинг аралашувимга отамнинг ишонгиси келмабди. У Савельични сиқиб, бу ҳақда сўрабди. Чол менинг Емельян Пугачёвга меҳмон бўлганимни ва унинг менга гўё мудом меҳрибончилик қилганини яширмабди; аммо ҳеч қандай хиёнат тўғрисида гап эшиитмаганини айтибди. Чол-кампир хотиржам бўлиб, хушхабар келишини зориқиб кутишибди. Марья Ивановна ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушса ҳам ўта кетган эҳтиёткор ва оғир табиатли бўлгани учун индамабди.

Бир неча ҳафта ўтибди... Бир кун отамга Петербургдан, қариндошимиз князь Б**дан хат келибди. Князь менинг тўғримда ёзган экан. Одатдаги муқаддимадан сўнг, менинг исён ишига аралашганим ҳақидаги шубҳа, баҳтга қарши, исбот этилган, халқ кўзи олдида осиб ўлдирилишм лозим бўлса-да, отамнинг кексариб қолгани ва кўрсатган хизматларига ҳурматан, малика афв этишга қарор берганини ва маломатли ўлимдан қолдириб, узоқ Сибирга умрбод сургун қилишга буюрганини айтибди.

Бу кутилмаган зарба отамни ўлдираёзипти. У, одатдаги матонатини йўқотиб, унинг одатда инижоний бўладиган қайғуси аччиқ шикоятлар тарзида юзага чиқибди. «Бу қандай гап!—дер экан у ғазабланиб.—Менинг ўғ

лим Пугачёв фитнасида қатнашган! Э худо, қандай кунларга қолдим! Малика уни ўлимдан қолдирган! Наҳот бу менинг қайгуңни ёнгиллаштирса? Ўлим жазоси қўрқинч эмас: бобомнинг бобоси муқаддас ҳисоблагани бир нарсадан қайтмасдан жазо майдонида¹ ўлган эди; отам Волинский² ва Хрущёвлар³ билан бирга жаллод қўлида жон берган. Наҳот дворян ичган онтини бузса, ўғрилар, қочоқ қотиллар, қулларга қўшилса! Бизнинг авлодга номус, ор!..» Отамнинг умидсизликка тушишидан қўрқкан онам унинг олдида йиғлай олмас ва бу гапларнинг ёлгон эканлиги, кишилар айтган гапнинг эътибори йўқлиги ҳақида сўзлаб, унга тасалли берар экан. Бироқ отам ҳеч тинчимабди.

Марья Ивановна ҳаммадан кўра кўпроқ азоб тортар экан. Истаган вақтда ўзимни оқлай олишимга кўзи етган Марья Ивановна, гап нимада эканини фаҳмлаб, менинг бошимга келган баҳтсизликка ўзини айбли ҳисоблабди. У кўз ёши ва тортаётган азобини ҳаммадан яширап ва менинг қутқариш тўғрисида ўйлар экан.

Бир куни кечқурун отам диванда Сарой календарини варақлаб ўтирас, аммо хаёли паришон бўлганлигидан, календарни ўқиши унга одатдагича таъсир қилмас экан. У ҳуштак билан эски бир маршни чалар экан. Онам, индамасдан, жун фуфайка тўқир ва кўзидан оққан ёш ҳар замон қўлидаги ишига томар экан. Шу ерда ишлаб ўтирган Марья Ивановна тўсатдан ўзининг Петербургга боришига мажбур эканини айтиб, кетгани ёрдам кўрсатишларини сўрабди. Онам жуда хафа бўлибди. «Петербургда нима қиласан?—дебди у.—Наҳотки, Марья Ивановна, сен ҳам бизни ташлаб кетмоқчи бўлсанг?» Марья Ивановна келажак тақдирни шу сафарга боғлиқ эканини, садоқат орқасида ҳалок бўлган кишининг қизи бўлгани учун кучли кишилардан ёрдам сўрагани бормоқчи эканини айтибди.

Отам бошини қуйи солибди: ўғлининг зотан бўҳтон бўлган жиноятини хотирлатувчи ҳар бир сўз унинг учун

¹ Москва Қизил майдонидаги тепа ер (XVI—XVII аср). Ҳукуматга хиёнат қилганлар шу ерда ўлдирилган.

² Волинский Артемий Петрович (1689—1740) йирик давлат арбоби. Дворянлик фойдасини кўзлаб, самодержавиени чеклаш проектини ёзган киши. Ҳукуматга хиёнат қилишда айбланиб, Анна Ивановна замонида ўлдирилган.

³ Хрущёв А. Ф. (1691—1740) — адмираллик коллегиясининг маслаҳатчиси, Волинскийнинг дўсти ва фикрдоши, ўша билан бирга ўлдирилган.

оғып ва зақарли киноя бўлиб туюлар экан. «Бор, азиз! — дебди уф тортиб. — Биз сенинг бахтингга тўсқин бўлишни истамаймиз. Худо сенга олчоқ хоинни эмас, яхши бир кишини умр йўлдоши қилсин». У ўрнидан турит, чиқиб кетибди.

Марья Ивановна, онам билан ёлғиз қолиб, ўз мўлжалини қисман унга айтиби. Онам уни қучоқлаб, йиғлабди ва эсон-омон ниятига етишини худодан тилаб, дуо қилибди. Марья Ивановна йўлга ҳозирланиб, бир неча кундан сўнг садоқатли Палаша ҳамда мёндан зўр билан айрилган ва қаллиғимга хизмат қилиш билан тасалли топган садоқатли Савельични олиб жўнабди.

Марья Ивановна эсон-омон Софияга етиб келибди ва шу вақтда сарой Царское селода эканини билиб, шу ерга тушишга қарор берипди. Унга бир бурчакдан жой берипшибди. Нозирнинг хотини у билан сўзлашиб кетиб, сарой иечка ёқувчисининг жияни эканини билдирибди ва сарой ҳаётининг сирларини сўзлаб берипди. Малика соат нечада уйқудан турди, қачон кофе ичади, айлангани қачон чиқади, шу вақтда қандай арбоб-аркомлар бор; малика кечга овқат маҳалида нималар деди; кечкүрун кимни қабул қиласди, қисқаси, агар Аниа Власьевнанинг гапларин ёзилса, бир неча варақ тарихий хотира бўйинб, келажак насл учун қийматли иарса бўлар экан. Марья Ивановна унинг сўзига лиққат билан қулоқ солибди. Иккоти боққа ўтишибди, Аниа Власьевна ҳар бир хиёбон, ҳар бир кўпприкчанинг тарихини сўзлаб берипди, иккоти хўп айланишиб, бир-биридан жуда мамнун бўлиб қайтишибди.

Эртасига Марья Ивановна барвақт уйғонган, кийинган ва секин боққа чиққан. Гўзал сабоҳ, қуёш куз ҳавосидан сарғайган липа дарахтларининг чўққиларига тушган. Сокит, катта кўл ярқираган. Оққушлар қирғоқларга зеб бериб турган буталар остидан улуғворлик билан юзиб чиқа бошлаган вақт. Марья Ивановна граф Пётр Александрович Румянцевнинг¹ ғалабалари шарафига яқинда унга ҳайкал қўйилган чиройли чаманзор ёнидан ўтиб бораётганида, бирданига қаршисидан инглиз жинсидан бўлган бир оқ нт чиқиб ҳурибди. Марья Ивановна қўрқиб, тўхтабди. Шу онда майин, ёқимли хотин товуши эшитилибди. «Қўрқманг, қопмайди». Марья Ивановна қараса: ҳайкал қаршисидаги скамей-

¹ Пётр Александрович Румянцев (1725—1796) Екатерина II замонидаги энг машҳур саркардалардан бўлиб, «Задунайский» лақабини олган граф.

када бир хотин ўтирган эмиш. Марья Ивановна бориб скамейканинг нариги учига ўтирибди. Хотин Марья Ивановнага синчилаб қарабди; Марья Ивановна ҳам бир неча марта кўзининг қирини ташлаб, уни бошдан-оёғ кузатиб чиқибди. У, эрталаб кийиладиган оқ кўйлак, нимча, бошига кеча каллапўши кийган экан. Ёши қирқларга боргандай. Бу хотиннинг тўла, қип-қизил юзи улуғворлик ва осойишталик ифода этар, кўк кўзлари ва юмшоқ табассуми тасвир этиб бўлмайдиган даражада чиройли экан. У сўз қотибди:

- Сиз бирон ёқдан келганимисиз?
- Шўндай, хоним: кечагина қишлоқдан келдим.
- Ота-онангиз билан келдингизми?
- Йўқ, ёлғиз келдим.
- Ёлғиз! Жуда ёшсиз-ку?
- Менинг отам ҳам йўқ, онам ҳам.
- Бирон иш билан келгандирсиз-да?
- Иш билан. Подшо хонимга арз қилгани келдим.
- Етим экансиз: адолатсизлик, жабрдан шикоят қиласиз-да?
- Йўқ, хоним. Мен адолат эмас, шафқат сўраб келдим.

Мумкинми, сиз ким бўласиз?

- Мен капитан Мироновнинг қизи бўламан.
- Капитан Мироновнинг! Оренбург қалъаларидан бирида комендант бўлган Мироновми?
- Шундай, хоним.

Хотин, кўнгли юмшаган бўлса керак, яна ҳам юмшоқлик билан: «Афв этасиз, мумкинми сизнинг ишингизга аралашсам? Мен саройга кириб тураман. Арзингиз нима эканини менга айтсангиз, балки ёрдам қилишга муваффақ бўларман»,— дебди.

Марья Ивановна ўрнидан туриб унга қуллуқ қилибди. Бу номаълум хотиннинг вужуди уни ўзига тортибди ва ишонч талқин қилибди. Марья Ивановна буқланган қофозни нотаниш ҳимоячисига тутибди; хотин эса ўқибди.

Хотин аввал диққат ва хайриҳоҳлик билан ўқир экан, лекин бирдан авзойи ўзгарибди. Унинг ҳар бир ҳарататини таъқиб этиб турган Марья Ивановна қўрқиб кетибди.

— Сиз Гринёв тўғрисида арз қиласизми?—дебди хотин совуққина.—Подшо хоним унинг гуноҳидан ўта олмайди. Гринёв ёлғон подшо томонига жоҳиллик, -енгилтакликтан эмас, ахлоқсиз, ярамас, зарарли киши бўлганидан ўтган.

— Оҳ, ёлгон? — дебди Марья Ивановна қичқириб.

— Қандай ёлгон? — дебди хотин жаҳли чиқиб.

— Ёлғон, худо ҳақи ёлғон! Мен ҳаммасидан бохабарман, ҳаммасини сизга сўзлаб бераман. Унинг бошига бу кунлар фақат менинг туфайлимдан келди. У суд олдидага оқланматаң бўлса, фақат мени бу ишларга аралаштиришни истамаганидан оқланмаган. — У ўқувчига маълум бўлган бутун воқеаларни айтиб берган.

Хоним унинг сўзига диққат қилиб қулоқ солиб кеянн: «Қаерга тушдингиз?» — деб сўрабди ва, у Анна Власьевнанинг уйига тушганини эшишиб, кулимсираб: «Ҳа, биламан. Хайр, кўришганимизни бирорга айтманг. Аризангизга жавобни кўп кутмаслигингизга ишонаман», — дебди.

Шу сўзларни айтиб, хоним хиёбонга кириб кетибди. Марья Ивановна қувончили умидларга тўлиб, Анна Власьевнанинг олдига қайтибди.

Анна Власьевна, ёш қизга куз куни эрталаб айлангани чиқиш заарали эканини айтиб, Марья Ивановнани койибди. У самовар келтирибди ва чой вақтида энди сарой тўгрисидаги беҳисоб ганини бошлаган экан, бирдан сарой каретаси келиб, эшик олдидага тўхтабди ва, камер-лакей¹ кириб, Мироновнинг қизини подшо хоним чақираётганлигидан хабар берибди.

Анна Власьевна ҳайрон бўлиб, тараффудда қолибди. «Вой худо! Подшо хоним сизни саройга чақирибди. Сизни қаердан билди экан? Азизим, подшонинг олдига қандай борасиз? Ҳали саройда қандай юришни ҳам билмассиз... Мен бирга олиб борайми? Ҳар ҳолда мен сизни бирон ножӯя ҳаракатдан сақларман. Қандай қилиб йўл кийимида борасиз? Сарой кийими олиб келгани доя кампирнинг уйига киши юборайми?» Камер-лакей, подшо унинг якка ва қандай кийимда бўлса, шундай келаверишини талаб қилганини айтибди. Илож бўлмабди: Марья Ивановна каретага чиқиб; саройга қараб кетибди, Анна Власьевна унинг кетидан гапириб, дуо қилиб қолибди.

Марья Ивановнанинг юраги тақдиримиз нима бўлишини олдиндан сезиб, ҳовлиқиб энтикар экан. Бир неча минутдан сўнг карета сарой эшиги олдидага тўхтабди. Марья Ивановна тоқатсизлик билан зинадан чиқиб кетибди. Эшиклар катта-катта очилар экан. У бир неча бўш, аммо ниҳоятда чиройли хоналардан ўтибди; камер-лакей уни бошлаб бораркан. Охир бир ёпиқ эшик олди.

¹ Камер-лакей — шоҳнинг шахсий хизматкори.

да тұхтаб, Марья Ивановнаның қолдирибди-да, үзи хабар бергани ичкарига кириб кетибди.

Император хонимга рұпара бұлишдан Марья Ивановна шу қадар ваҳимага тушибдикі, оёқ узра зўрға турар экан. Бир минутдан кейин эшик очилиб, у подшонинг даргоҳиға кирибди.

Император хоним үз туалети ёнида ўтирган экан. Бир неча сарой ходими уни ўраб олиб, Марья Ивановна ҳурмат билан йўл беришибди. Подшо хоним унга жуда мулойимлик билан мурожаат қилибди. Марья Ивановна қарасаки: бу ҳалиги, бундан бир неча минут илгари у тортинмай бор гапни айтган хоним. Подшо хоним уни ёнига чақирибди ва қулимсираб шундай дебди: «Сизга берган сўзимнинг устидан чиққанимга ва тилаганингизни ўтаганимга шодман. Ишингиз битди. Күёвингизнинг гуноҳкор эмаслигига ишондим. Мана бу хатни бўлажак қайнотангизга элтиб берасиз».

Марья Ивановна хатни титроқ қўли билан олибди ва йиғлаб, император хонимнинг ёғига йиқилибди. Подшо хоним уни турғизиб, ўпибди ва сўзлаша кетибди. «Бой эмассиз, буни биламан,—дебди у;—аммо мен капитан Мироновнинг қизидан кўп қарздорман. Истиқболингиз ҳақида ташвишланманг. Сизни оёққа бостиришини үз устимга оламан».

Подшо хоним бечора етим қизнинг кўнглини олиб, чиқариб юборибди. Марья Ивановна яна үша сарой каратасида кетибди. Марья Ивановнанинг келишини тоқатсизлик билан кутиб ўтирга¹ Анна Власьевна уни саволларга кўмиб ташлабди. Марья Ивановна унинг суроқларига бир нав жавоб берар экан Анна Власьевна, гарчи унинг овсарлигидан норози бўлса-да, буни қишлоқдан келган кишининг тортинчоқлиги ҳисоблаб, афв этибди. Шу куннинг ўзида Марья Ивановна, Петербургни айланиб кўришга ҳам қизиқмай, қишлоққа қайтиб кетибди...

Пётр Андреевич Гринёвнинг ёзган хотираси шу ерда тамом бўлди. Оилаларининг ривоятига қараганда, у подшонинг махсус фармони билан 1774 йилнинг охириларида қамоқдан озод этилган ва Пугачёвнинг ўлдирилиши вақтида ҳозир бўлган, Пугачёв оломон ичидаги уни таниб, бош қимирлатибида ва бирпастдан кейин қонга бўялган бу бош халойиққа кўрсатилиби. Кўп вақт ўтмай Пётр Андреевич Марья Ивановнага уйланган. Буларнинг авлоди Симбирск губернясида умр гузаронлик қилағ экан***дан ўттиз чақирим йироқликда ўнта помешчикка қарашли бир қишлоқ бор. Шу ердаги уйларни бирида Екатерина II ишлаб ўз қўли билан ёзилган хат ойнали рамкада сақланади. Бу хат Пётр Андреевичнинг отасига ёзилган хат бўлиб, ўглининг оқланиши, капитан қизи Марья Ивановнанинг ақл ва қалби тўғрисидаги мақтовни ўз ичига олади. Пётр Андреевич Гринёвнинг қўл ёзмасини бизга унинг набираларидан бирин келтириб берди. У бобоси тасвир этгани замон ҳақида китоб ёзиш билан овора эканимизни билган экан. Биз, қариндошларининг рухсати билан, унинг ҳар қайси бобига гузукроқ бир эпиграф кўйиб, баъзи шомларни ўзгартириб, алоҳида босиб чиқаринига қарор бердик.

19 октябрь 1836

Ношир